Тупроқ бонитировкаси услублари ердан қишлоқ хўжалигига фойдаланишига кўра 4 гурухга бўлинади. Тупроқ унумдорлигини уларнинг хусусиятларига кўра баҳолаш ёки табиий-тарихий услуг. Тупроқ унумдорлигини қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги бўйича баҳолаш. Тупроқ унумдорлигини уларнинг хусусиятлари ва экин ҳосилдорлиги бўйича баҳолаш. Тупроқ унумдорлигини уларнинг ҳоссалари билан бирга агроиқлим, рельеф тавсифи шакли, ерларнинг ҳажми, контурлари ва х.к.ларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш, бошқача қилиб айтганда агроэкологик услуг.

Тупроқ бонитировкаси ишлари 3-босқичда амалга оширилади. Тайёрлов камерал, дала тадқиқот, камерал тахлил ишлари.

Ерни баҳолаш бўйича хужжатлар иккига бўлинib, ҳисобланган-норматив ва натижали ер баҳолаш хужжатларидан иборат бўлади. Ер баҳолаш натижаларини қўллаш бўйича тавсиялар.

Суғориладиган ерларнинг базали бонитировка шкаласи, Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг балл бонитетларини амалга ошириш тартиби. Ерларни иқтисодий баҳолаш, ягона ер солиғи

Суғориладиган ерлар бонитировкасининг базали шкаласи тупроқни генетик группалари бўз тупроқлар минтақаси, чўл зонаси бўйича намланиш қаторига кўра автоморф, ўтувчи, гидроморф турлари, механик таркибига кўра баллар қўйилган. Суғориладиган ерлар механикавий таркибига кўра 5 та синфга ажратилади.

Ерларни баҳолаш тупроқнинг асосий хусусиятлари ва табиий шароитлари: генетик хусусиятлари, суғорила бошланган даврнинг яқинлиги, маданийлаштирилган агроиқлим ресурслари билан таъминланганлиги, механик таркиби, тупроқ ҳосил қиласиган жинслар генезиси, тупроқ қатламиининг сизот

сувлари ўтказувчанлиги, шўрланиш даражаси, эрозияга учраган, сертошлиги, гипслашганлигини хисобга олиш. Ерларни баҳолаш ҳақида умумий тушунча ва унинг ер кадастри тизимида тутган ўрни. Ерни баҳолаш турлари ва уларни районлаштириш. Тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш. Тупроқ бонитировкасининг ер кадастри тизимида ўрни. Ўзбекистоннинг сугориладиган туманларида тупроқ бонитировкаси сугориладиган ерларни генетик белгилари ва физикавий-кимёвий хоссаларига кўра нисбий баҳолаш ҳақида тушунча.

Ер солиги ставкалари. Ер солиги жорий этилгунга қадар ер учун ҳақ тўлаш. Солик солишнинг субъектлари ва обьектлари. Ягона ер солигининг иқтисодий моҳияти ва хуқуқий меъёрий асослари. Ягона ер солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солигининг базавий ставкалари. Ягона ер солигининг тузатиш коэффицентлари. Ягона ер солиги бўйича имтиёзлар.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича қўрсатмалар

Лаборатория ишлари талабаларда тупроқ бонитировкаси учун план тарих хариталарни ўқиши, бунда тупроқ айирмалари чегараларини чизиш, экспликация тузиши, тадбирлар ишлаб чиқиши тупроқ намуналари шўрланишга, эрозияланишга структуралилиги механик таркибига оид ишларни олиб бориш бўйича амалий кўникма ва малака ҳосил қиласидилар.

Лаборатория ишларининг тавсия этиладиган мавзулари:

1. Ер турларининг атамалари ва туркумлари
2. Ер миқдорини ҳисобини олиб бориш. Ер фондининг ер кадастрига боғлиқлиги
3. Тупроқ хариталаридан фойдаланиши. Шўрланган ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш
4. Сугориладиган ерларни рўйхатга олиш тартиби. Сугориладиган ерларни унумдорлиги бўйича баҳолаш, бонитировка қилиш тартиби. Сугориладиган ерларни сифати бўйича синфларга тақсимланиш
5. Ерларни баҳолаш бўйича маълумотлардан фойдаланиши. Туманда ер кадастри
6. Лалмикор ва яйлов ерларни рўйхатга олиш тартиби
7. Ер мониторинги, мазмуни ва тизими
8. Вилоятда ер кадастри хужжатлари. Ер кадастри китобини юритиш бўйича қўрсатма

Мустақил ишини ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиши мумкин:

- дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- янги техникаларни, аппаратураларни, илмталаб жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;
- фаол ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўкув машғулотлари (хизмат ўйинлари, дискуссиялар, семинарлар, коллоквиумлар ва б.);

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари қуидагилар:

1. Ўзбекистон ер фонди тўгрисидаги маълумотларни ўрганиб, таҳлил қилиш.

2. Ерларни сифат ва иқтисодий жихатдан баҳолаш (бадиий сарловҳа) улардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер кадастри хужжатлари ва уни юритиш.

3. Туманда ер кадастри хужжатлари: ер кадастри китоби ва уни юритиш. Вилоятда ер кадастри хужжатлари турлари ва уларни юритиш.

4. Ер тузиш таркибида тупроқ ва кадастри ишлари тарихини ўрганиш.

5. Дунё ер ресурслари ва улардан фойдаланиш. МДҲ нинг ер ресурслари ва улардан дехқончиликда фойдаланиш.

6. Республикада қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонун ва бошқа хужжатлар билан мустақил танишиш. Ўзбекистон Республикаси тупроқларини агрономик ишлаб чиқариш гуруҳларига ажратиш ва уларнинг ер баҳолаш гуруҳлари классификаторини мустақил ўрганиш.

7. Хўжалик, туман, вилоятларда ер кадастри учун керакли хужжатлар (жадваллар, Қайдномалар, далолатномалар ва бошқалар) ни дафтарга кўчириб олиб, тўлдиришни мустақил ўрганиш. МДҲ Республикалари тупроқларини бонитировкалаш услублари.

8. Сугориладиган бўз тупроқларда сабзавот экинларини хосилдорлиги билан тупроқ унумдорлиги ўртасидаги боялиқликни ўрганиш ва улар асосида тупроқ бонитировкасини ўтказиши.

Дастурнин информацион-методик таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

– ер кадастри ва тупроқ бонитировкаси фанининг тарихи, ер турларини атамалари ва туркумлари, ер кадстри китобини юритиш бўйича кўрсатма, ер мониторингини юритиш услуби, ер фондининг тоифалари бўйича умумий схемасига тегишли маъзуза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологияларидан;

– ер кадастри ва тупроқ бонитировкаси фанида ер кадастрининг асослари, ер мониторинги, ер ресурсларини бошқариш, қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳатларни чукурлаштириш асослари каби мавзуларида ўтказиладиган

тажриба машғулотларида гурухли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий

1. Л.А.Гафурова., И.Турапов., Х.Намозов. «Ер кадастри», Т. ЎзМЭ 2006 й
2. Туропов И., Номозов Х. Ер кадастри маъruzга матнлари, 2002 й.
3. Р.Қ.Қўзиев, Ф.Ю.Юлдошев, И.А.Акрамов «Тупроқ бонитировкаси». Тошкент «Молия» 2004 й.
4. Х.Қ.Намозов, К.И.Шадраимова, Ш.М.Турдиметов. «Тупроқ бонитировкаси». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Тошкент 2004 й.
5. Туропов И., Номозов Х. “Тупроқ бонитировкаси” “ Фан ва технология” Тошкент 2010 й.

Кўшимча

1. Бобожонов О., Қ.Рахмонов., А.Фофиров, Ер кадастри. Тошкент, Чўлпон 2002й.
2. Мақсудов Ж.М., Нагаев Г.Г., Акрамов И.А., Қўзиев Р.Қ., Ахмедова А.У. «Тупроқ хариталари ва ерларни баҳолаш хужжатларидан фойдаланиш» Т.2000 йил.
3. Толипов Ғ., Ғуломов Х., Махсудов Ж., Акромов И, Ўзбекистон республикаси ер кадастри, Тошкент 1994 й.
4. Ғофурова Л.А., Шадраимова К.И., Номозов Х.Қ.-«Тупроқ бонитировкаси» маъruzга матни. ТошДАУ, 2000
5. Курбонов Э., О.Бобожонов, Қ.Рахмонов «Ер кадастри асослари» Т.1999 й.

Сайтлар:

<http://www.bio.pu.ru>.

<http://www.zona.ru>.

<http://doklad.ru>.

<http://www.do.ektu.kz>.

<http://www.goldengrain.ru>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОНОМИЯ
КАФЕДРАСИ**

“Тасдиқлайман”
Ректор _____ А. Эминов
“_____” 2013 йил

**ЕР КАДАСТРИ ВА ТУПРОҚ
БОНИТИРОВКАСИ**

махсус курс фанидан

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУР

Таълим соҳаси: 620100 – қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик соҳаси
Таълим йўналиши: 5620100 – агрокимё ва агротупроқшунослик

Кафедра: Тупроқшунослик ва агрономия

Умумий ўқув соати: 52

Шу жумладан: Маъруза – 10

Амалий – 16

ТМИ – 26

Гулистон 2013

1.Махсус курснинг мақсади ва вазифалари

1.1.Махсус курс мақсади. Ўзбекистон Республикаси ер кадастри қонуни асосида, Республикаиз ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш ерларни ҳар томонлама ўрганиб, сифатини баҳолаш.

1.2.Махсус курснинг вазифалари. Тупроқ унумдорлигининг белгиловчи хусусиятларига қараб ерни сифат жихатдан аниқ баҳолаш, уларни унумдорлигига қараб таққослаш ва туман, давлат хўжалиги, жамоа хўжалиги, ширкат ва дехқон фермерлари хўжаликларининг ерлари тупроқларини яхши ва ёмонлигини балларда исботлаб бериш. Ер энг муҳим агрономик хусусиятларига кўра балл билан баҳо қўйишда табақалаштириш ва пасайтириш коэффициентларини ишлаб чиқиш.

1.3.Махсус курсни ўрганиш. Бу курсни ўрганишда талабалар. Тупроқшунослик, тупроқни физик ва кимёвий таҳлил қилиш, тупроқ кимёси, иқлимшунослик, дехқончилик ва ўсимликшунослик, агрокимёвий фанлардан олинган билимларга таяниб назарий жиҳатдан баҳолаш балларини ишлаб чиқиш амалий жиҳатдан шу билим асосида тупроқ ва бонитировка хариталарини ишлаш учун кўникма ва малака ҳосил қиласидилар.

2. Фаннинг мазмуни: Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машиғулот турларига ажратилган соатларниг тақсимоти.

		Соатлар			
		Жами	маъру за	Амал ий машғ улот	Лаборатория машғ улот и
Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни					
1	Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсади, вазифаси ва ривожланиш тарихи	2	2		
2	Тупроқнинг морфологик белгиларини таснифлаш	2			2
3	Суғориладиган тупроқларниг бонитировкасининг асосий шкаласи ва унда ишлатиладиган бонитировка коэффициентлари	6	2		4
4	Тупроқ механик таркиби бўйича классификацияси ва номланиши	4			4
5	Лалмикор тупроқлар, уларни баҳолаш базавий шкаласи ва бонитировка коэффициенти	2	2		
6	Ер кадастри китоби, тузулиши, аҳамияти ва уни юритиш	2			2
7	Ер кадастри	2	2		
8	Тупроқ харитасини тузиш ва унинг мазмуни. Тупроқ айирмалари ва умумий майдонининг балл бонитети	2	2		
9	Тупроқ бонитировка харитасини чизиш ва ўқиши.	4			4
	ОН				
	ЯН				
	Жами	26	10		16

2.1. Ўқув материаллари мазмуни

2.1. Маъруза мавзулари, кўриладиган масалалар ва вақт:

2.1.1. Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсади, вазифаси ва ривожланиш тарихи(2соат)

Бонитиорвка курсининг мақсади, вазифалар Республикализ ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш йўллари. Ер кадастрининг мақсад ва вазифалари.

2.1.2. Суғориладиган тупроқларниг бонитировкасининг асосий шкаласи ва унда ишлатиладиган бонитировка коэффициентлари(2соат)

Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерларни баҳолашнинг асосий шкаласи янгидан ўзлаштирилган, янгидан суғориладиган ва қадимдан суғориладиган ерлар тупроқларини баллари ва уларни ишлаш принциплари кам, ўртача ва юқори маданийлашган тупроқлар.

2.1.3. Лалмикор тупроқлар, уларни баҳолаш базавий шкаласи ва бонитировка коэффициенти(2соат)

Республика лалмикор ерларининг тарқалиши, лалмикор ерларнинг тупроқ иқлими бўйича округлари, районлари. Лалмикор ерлар учун негизли шкалалар, лалмикор ерларни баҳолашда ишлатиладиган коэффициентлар.

2.1.4. Ер кадастри(2соат)

Хўжалик тупроқ харитаси, тупроқ бонитировкаси харитаси, хариталарнинг экспликациялари, шу экспликация бўйича тупроқ айрмаларининг чегараларини аниқлашни ўқиш.

2.1.5. Тупроқ харитасини тузиш ва унинг мазмуни. Тупроқ айрмалари ва умумий майдонининг балл бонитети(2соат)

Хўжалик тупроқ харитаси, тупроқ бонитировкаси харитаси, хариталарнинг экспликациялари, шу экспликация бўйича тупроқ айрмаларининг чегараларини аниқлашни ўқиш.

2.2. Лаборотория машғулотлари мазмуни.

2.2.1. Тупроқнинг морфологик белгиларини таснифлаш(2соат)

Тупроқнинг морфологик белгиларини кесмада ўрганиш, морфологик белгиларни белгиловчи омиллар бўйича тупроқ айрмасини номлаш.

2.2.2. Тупроқ механик таркиби бўйича классификацияси ва номланиши(4соат)

Тупроқ механик таркиби бўйича Качниский классификациясидан фойдаланиб, тупроқ айрмаларини номларини келтириб чиқариш. Оғир ва енгил механик таркибли тупроқларни фарқлаш.

2.2.3. Суғориладиган ва лалмикор деҳқончилик тупроқларини базавий шкаласи. Тупроқ бонитировкасида ишлатиладиган коэффициентлар(4соат)

Суғориладиган тупроқларнининг базавий шкаласининг тузулиши, хадлари, лалмикор тупроқларнинг негизли шкаласи, тупроқ бонитировкасида ишлатиладиган коэффициентларни келтириб чиқариш ва уларни қўллаш.

2.2.4. Ер кадастри китоби, тузулиши, аҳамияти ва уни юритиш(2соат)

Ер кадастри китобининг моҳияти, мазмуни, унинг бўлимлари ва Ер кадастри китобини тўлдириш.

2.2.5. Тупроқ бонитировка харитасини чизиш ва ўқиши(4соат)

Тупроқ бонитировка харитасининг тузулиши, мазмуни, уни ўқиши, чизиш, харитага экспликация ёзиш.

3. Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни.

Талабаларнинг маъруза, амалий ва лаборотория машғулотларига таёрланиб келиши ва ўтилган материалларни мустақил ўзлаштиришлари учун кафедра ўқитувчилари томонидан маъруза матнлари ишлаб чиқилган, хар бир талабага ушбу материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Талабанинг фанни мустақил тарзда қандай ўзлаштирганлиги жорий, оралиқ ва якуний назоратда ўз аксини топади. Шу сабабли рейтинг тизимида мустақил ишларга алоҳида балл ажратилмайди. Улар ЖН, ОН ва ЯН лар таркибига киритилган.

Мустақил учун фан бўйича жами 26 соат ажратилган.

Ушбу соатлар тахминан қўйидаги тартибда тақсимланади:

- маъруза конспектини ўқиб тайёрланиш 6 соат.

- амалий машғулотлар бўйича уй вазифаларини ечиш 10 соат.

- мустақил берилган мавзулар бўйича қўшимча маълумотлар тўплаш 10соат.

Лаборатория машғулотларда назарий билимлар, мавзуга оид машғулотлар ўтказиш орқали мустаҳкамланади. Еркадастри ва тупроқ бонитровкаси фанини чуқур ўзлаштириш учун талаба фаннинг ҳар бир бўлимини мустақил ўрганиши ва тупроқ бонитровкасига оид масалалар ечиш орқали мустаҳкамлаши зарур.

Колдирилган дарсларни топшириш учун талаба дарс материалини тайёрлаб келиши ва ўқитувчининг оғзаки сухбатидан ўтиши зарур. Колдирилган ОН ва ЯН лар белгилангантартиб бўйича топширилади.

Мустақил таълимнинг мазмuni ва ҳажми

Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар	Бажариш муддатлари	Ҳажми (соатда)
Дала ишларини бажаришда масштабли хариталардан фойдаланиш	Дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлардан фойдаланиш	1-2 хафталар	4
Тупроқ бонитировкаси харитасига экспликация ёзиш	Шу йўналишдаги олимларнинг тадқиқот ишларидан фойдаланиш	1-2 хафталар	4
Ҳосилдорликни тупроқнинг табиий таснифига боғлиқлиги	Ҳосилдорликни тупроқнинг табиий таснифига боғлиқлигини таҳлил қиласи	2-3 хафталар	4
Тупроқ балларини хисоблаш	Харита асосида тупроқ бонитет балини хисоблайди.	2-3 хафталар	4
Лалмикор ерлар бонитировкаси	Харита асосида лалми ерлар бонитровкасини таҳлил қилди	3-4 хафталар	4
Тупроқ бонитровкасининг аналитик ва камерал ишлари	Тупроқ бонитровкасини аналитик ва камерал шароитда ишни олиб боради.	3-4 хафталар	4

Тупроқ айирмаси ва тур хиллари майдонини аниқлаш	Харита асосида тупроқ айирмаси ва тур хиллари майдонини аниқлайды	4-5 хафталар	2
--	---	--------------	---

4. Рейтинг баҳолаш тизими

4.1. Рейтинг назорати жадвали

Назорат тури	Рейтинг баҳолашлар		Жами	Саралаш бали
	1	2		
ЖН(40%) шу жумладан	10	10	20	11
ЖН(амалий машғулот)	10	10	20	11
ОН (30%)			16	9
ЯН (30%)			16	9
Жами:			52	29
Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	<55
Фанни ўзлаштириш кўрсатгичлари	45-52	37-44	29-36	28

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ (КУЗГИ СЕМЕСТР)

№		Сентябр		Октябр		Ноябр		Декабр		Январ																	
		1 3-8	2 10-15	3 17-22	4 24-29	5 2-6	6 8-13	7 15-20	8 22-27	9 29-3	10 5-10	11 12-17	12 19-24	13 26-1	14 3-7	15 10-15	16 17-22	17 24-27	18 28-10	19 11-12	20 14-19	21 21-26					
1	ЖН <i>дош</i>	Лаб.	2	1 3-8	2	3	4	5 2-6	6	7 15-20	7	8	9 22-27	9 29-3	10 5-10	11 12-17	12 19-24	13 26-1	14 3-7	15 10-15	16 17-22	17 24-27	18 28-10	19 11-12	20 14-19	21 21-26	20
		Муста кил таъли м													5		5		5						20		
2	ОН <i>дош</i>	Ёзма																	15					15			
		Муста кил таъли м																	15					15			
3	ЯН – 30%																							30	30		
	Жами																							70	100		
	Жами ГП бўйича																							70	100		

Эслатма: 8- семестрда ўқитиладиган “Ер кадастри ва тупроқ бонитровкаси” фанининг ўқув ҳажми 52 соатни ташкил этганлиги сабабли фан коэффициенти 0,52 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришини аниқлашда талаба тўплаган бали 0,52 га кўпайтирилади ва бутунгача яхлитлаб олинади.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ГулДУ ректори А. Эминов
« » 2013 й.

Фан дастури бажарилишининг календарь режаси
Маъруза машғулотлари 2012-2013
(Машғулот тури) (ўкув йили)

Факультет: Табиатшунослик Гурӯҳ _____

Фаннинг номи: Ер кадастри ва тупроқ бонитровкаси

Маъруза ўқитувчиси: доц. И.Ўразбоев

Лаборатория машғулотлари ўқитувчиси: К.Файзиев

№	Мавзулар номи	Режа бўйича ажратилган ҳажм	Амалда бажарилиши			Ўқитувчи имзоси
			соатда	соат	сана	
1.	Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсади, вазифаси ва ривожланиш тарихи	2				
2.	Суғориладиган тупроқларнинг бонитировкасининг асосий шкаласи ва унда ишлатиладиган бонитировка коэффициентлари	2				
3.	Лалмикор тупроқлар, уларни баҳолаш базавий шкаласи ва бонитировка коэффициенти	2				
4.	Ер кадастри	2				
5.	Тупроқ харитасини тузиш ва унинг мазмуни. Тупроқ айирмалари ва умумий майдонининг балл бонитети	2				
ОН						
Якуний назорат						
Жами		10				

Келишилди :

Ўқув ишлари проректори

Н.Баракаев

Факультет декани

Х.Х.Кушиев

Кафедра мудири

Н.Б.Жапаков

Тузувчи:

Ўқитувчи

И.Ўразбоев

К.Файзиев

Календар режанинг бажарилиши хақида кафедра мудири холосаси:

Н.Б.Жапаков

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ГулДУ ректори А. Эминов
«___» 2013 й.

Фан дастури бажарилишининг календарь режаси
Лаборатория машғулотлари 2012-2013
(Машғулот тури) (ўқув йили)

Факультет: ___ Табиатшунослик ___ Гурӯҳ ___

Фаннинг номи: Ер кадастри ва тупроқ бонитровкаси

Маъзура ўқитувчиси: ___ доц. И.Ўразбоев ___

Лаборатория машғулотлари ўқитувчиси: ___ К.Файзиев ___

№	Мавзулар номи	Режа бўйича ажратилган ҳажм	Амалда бажарилиши			Ўқитувчи имзоси
			соатда	соат	сана	
1.	Тупроқнинг морфологик белгиларини таснифлаш	2				
2.	Тупроқ механик таркиби бўйича классификацияси ва номланиши	4				
3.	Суғориладиган ва лалмикор дехқончилик тупроқларини базавий шкаласи. Тупроқ бонитировкасида ишлатиладиган коэффициентлар	4				
4.	Ер кадастри китоби, тузулиши, аҳамияти ва уни юритиш	2				
5.	Тупроқ бонитировка харитасини чизиш ва ўқиш.	4				
	ЖН					
	Якуний назорат					
	Жами	16				

Келишилди :

Ўқув ишлари проректори _____ Н.Баракаев
Факультет декани _____ Х.Х.Кушиев
Кафедра мудири _____ Н.Б.Жапаков

Тузувчи:

Ўқитувчи _____ И.Ўразбоев
К.Файзиев

Календар режанинг бажарилиши хақида кафедра мудири холосаси:

_____ Н.Б.Жапаков

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ (маъруза матни, услубий қўлланма)

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

1-Мавзу: Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсади, вазифаси ва ривожланиш тарихи

Технологик харита

№	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарс мақсади: тупроқ бонитировкаси фанининг мақсади, вазифаси, ривожланиши, тарихи, услублари ҳамда Ўзбекистонда тупроқ бонитировкаси фанининг ривожланиши ҳақида талабаларга маълумот бериш.</p> <p>1.2 Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1.2.1 Тупроқ бонитировкаси фани қандай фан эканлигини англайди;</p> <p>1.2.2 Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсади ва вазифасини билиб олади;</p> <p>1.2.3 Тупроқ бонитировкаси фанининг усулларини изоҳлайди;</p> <p>1.2.4 Ўзбекистонда тупроқ бонитировкаси фанининг ривожланиш босқичларини тушунтириб беради.</p> <p>1.3 Ўзбекистонда тупроқ харитографияси ва бонитировкаси фанининг ривожланишининг илмий асослари;</p> <p>1.4 Асосий тушунча ва иборалар: тупроқ бонитировкаси, эрозия, кадастр, гумус, тупроқ айрмаси, тупроқ тур ҳиллари, тип, типча, гумус, минтақа, классификация.</p> <p>1.5 Дарс шакли: гурух ва микрогуруухларда.</p> <p>1.6 Фойдаланиладиган усул: сұхбат, маъруза, тушунтириш, баҳс, видеоусул</p> <p>1.7 Керакли жиҳоз ва восита: видеопроектор, тақдимотлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи.</p> <p>2.1 Мавзу зълон қилинади.</p> <p>2.2 Маъруза бошланади, асосий қисмлар, дарс</p>	Ўқитувчи 15 мин.

	мақсадлари баён қилинади.	
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи.</p> <p>3.1 Талабаларга муаммоли саволлар берилади.</p> <p>3.2 Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3 Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4 Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи – талабалар 40 мин.
4	<p>Мустаҳкамлаш босқичи.</p> <p>4.1 Берилган маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилганлигини аниқлаш учун саволлар.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсади ва вазифалари. - Тупроқ бонитировкасининг ривожланиши ва табиий тарихи усули; - Ўзбекистонда тупроқ бонитировкаси фанининг ривожланиши - Тупроқ бонитировкаси фанининг вазифаси ва обьекти <p>4.2 Фаол талабалар баҳоланади.</p>	Ўқитувчи – талабалар 15 мин.

Асосий саволлар

1. Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсади ва вазифаси
2. Тупроқ бонитировкаси фанининг ривожланиши ва усуллари
3. Ўзбекистонда тупроқ бонитировкаси фанининг ривожланиши
4. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Бонитировка, эрозия, кадастр, гумус, тип, типча, миңтақа, воҳа, классификация

Мавзуга оид муаммолар:

1. Тупроқ унумдорлигини баҳолашнинг аҳамиятини нимада деб биламиз
2. Ўзбекистонда тупроқ бонитировкасининг ривожланишининг янги технологик жараёнларини яратишга нима асос бўлиб хизмат қиласи деб ўйлайсиз?

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга тупроқ бонитировкаси фанининг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Тупроқ бонитировкаси қандай фан эканлигини англайди.
2. Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсадини билиб олади.
3. Тупроқ бонитировкаси фанининг вазифасини тушуниб олади.

Ерни ҳар томонлама яхшилаш, унинг ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириш. Қишлоқ хўжалигининг келгусидаги ривожининг мухим масалаларидан биридир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни

кўпайтириш ердан тўғри ва самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. У ўз навбатида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг илмий тизимини тақозо этади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш кўп жихатдан унинг энг муҳим хусусиятлари қанчалик учқур ва ҳар томонлама ўрганилганига боғлиқ. Бу аввало, ерга тегишли бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш, умуман суғориладиган дехқончилик минтақаларида эса ернинг хосса ва хусусиятларини чукур ўрганиш, илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқаришга изчиллик билананиқлаш имконини беради.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар умумий ер майдонининг 10 фоизидан камроғини ташкил этадиган суғориладиган ерлардир. Улардан ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизга яқини етиштрилади.

Суғориладиган ерлардан, унинг холатини эътиборга олмасдан ҳаддан ташқари кучли даражада фойдаланиш оқибатида уларнинг сиратининг пасайишига, хатто қишлоқ хўжалик айланма харакатидан чиқиб камайишига сабаб бўлмоқда.

Суғориладиган тупроқлар унумдорлигининг пасайишига таъсир кўрсатувчи салбий омиллардан бири, уларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишидир. Ҳозирги кунда шўрланган ерларнинг умумий майдони 2млн гектарни ташкил қилган холда, шундан 800 минг гектардан ортигроғи кейинги ўн-ўн беш йилда вужудга келди.

Тупроқ унумдорлигига сув ва шамол эрозияси катта таъсир кўрсатмайди. Эрозия натижасида, суғориладиган майдонларнинг гектаридан 0,5-0,8 тонна гумус, 80-100 кг азот ва 75-110 кггача фосфор каби озиқ элементлар ювиб олиб чиқилади.

Кейинги йилларда суғориладиган тупроқларда, гумус ва бошқа озиқ элементларнинг миқдори камайиб кетмоқда. Суғориш сувларининг ташлаб қўйилиши ёки ундан нотўғри фойдаланиш оқибатида сизот суви сатхининг кўтарилиш туфайли тупроқларда иккиласми шўрланиш вужудга келди, айrim жойларда ўтлоқи- ботқоқ ва ботиқли тупроқлар майдони кенгаймоқда, бу жараёнларнинг барчаси тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Тупроқнинг унумдорлигини пасайтирувчи салбий омиллар мажмуаси тупроқнинг сифат баҳосига катта таъсир кўрсатади. Тупрқни бонитировкалашда асоси мезон қилиб унинг унумдорлиги олинади.

Тупроқ бонитировкаси фанининг *предмети*- тупроқ, обьекти тупроқ унумдорлигининг сифат баҳосини балларда ифодалаш.

Тупроқ бонитировкаси фанининг *мақсади*- тупроқнинг бир тпи, типчаси, айрмалари ёки тур хиллари иккинчисидан унумдорлиги бўйича қанчалик фарқ қилишини аниқлаш.

Тупроқ бонитировкаси фанининг *асисий вазифаси*- тупроқ бонитировкасининг асосий енгизни шкаласини ҳамда тупроқ тур-хилларининг бир биридан унумдорлиги бўйича фарқловчи омилларнинг коэффицентларини ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш, тупроқ айрмалари ва умумий ер майдони

тупроқларининг балл бонитетини ҳисоблаш, балл бонитет асосида қишлоқ хўжалик экинларининг хосилини режалашни ўргатиш.

Бонитировка сўзи лотинча **bonitos**- сахийлик, яъни тупроқларнинг унумдорлигини математик бирликда балларда ифодалаш ёки тупроқнинг ишлаб чиқариш қобилиятини нисбий баҳолаш.

Ерларни баҳолаш учун уларни рўйхатдан ўтказиш зарурияти туғилади. Бунга кадастр дейилади. Кадастр сўзи французча **cadastre**- рўйхатга олмоқ демакдир. Тупроқ бонитировкаси ер кадастри фаннинг таркибий қисми ҳисобланади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий воситасини изоҳлаб беринг.
2. Тупроқ бонитировкаси қандай фан ва унинг бошқа фанлар билан алоқасини изоҳланг.
3. Тупроқ бонитировксининг ўрганиш объектини изоҳланг.
4. Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсадини тушунтиринг.
5. Кадастр сўзининг маъносини изоҳланг.
6. Тупроқ бонитировкаси фанининг вазифасини изоҳланг.

Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга тупроқ бонитировкаси фанининг ривожланиш босқичлари ва усуллари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Тупроқ бонитировкаси ҳақидаги дастлабки фикрларни билиб олади.
2. Тупроқ бонитировкасининг пайдо бўлиши ва дастлабки ривожланиш босқичини тушуниб олади.
3. Тупроқ бонитировкасининг усулларини билиб олади ва уларни қиёсий таққослайди.
4. Тупроқ бонитировкаси усулларидан асосийларини танлаб олади.

2-Асосий савол. Тупроқ бонитировкаси фанининг ривожланиши ва усуллари

Туркий ҳалқлардаги дехқончилик ва ерга ишлов бериш молоддан аввалги VIII асрда, яъги Хун даврида айни авжига чиққан.

Бундан қарийб 6500 йил илгариги маълумотларга кўра Шарқий Туркистондаги бир қабрдан сифати яхши сақланган буғдой дони топилган. Тарихий манбаларда ёзилишича, Тарим водийси хунларнинг буғдой омбори дебном олган.

Марказий Осиёning шарқий ўлкаларида қазилган хун хокимларидан ранги қора уруғи чиққан. Бу экин уруғи мил. авв. II асрга мансуб деб қаралмоқда.

“Хунлар тарихига оид материаллар тўплами” да қайд этилишича уруғчилик техникасини хунлар яхши эгаллаганлар, ер ағдаришни, уруғни териш, дон оқлаш билимларидан яхши хабардор бўлганлар. Бироқ бу даврда ҳали тупроқ атамалари тўғрисида тушунчалар йўқ эди.

Тупроқшунослик фанига XIX асрнинг охирги чорагида рус олимни В.В. Докучаев асос солганилиги маълум. Бунда В.В. Докучаев “Тупроқ пайдо бўлиши бешта табиий омиллар таъсирида (она жинс, рельеф, иқлим, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жойнинг ёши) вужудга келган табиий тарихий жисм” деб атаган. Лекин Докучаевдан бир неча асрлар илгари тупроқнинг ҳосил бўлиши, унинг таркиби, айрим ҳосса ва ҳусусиятлари, тупроқларнинг таснифи тўғрисидаги маълумотлар Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий асарларида кўплаб учрайди.

Абу Райхон Беруний тупроқнинг пайдо бўлишига асос бўлган нураш жараёни ва нураш маҳсулотлари ҳақида шундай ёзади: “Бу тош парчалари ва шағаллар аслида тошлар бўлиб, тоғларнинг ёрилишидан ва қояларнинг ўпирлишидаги парчаланиш натижасидир. Кейин улар узоқ вақт жараёнида сув оқими ва шамол таъсирида бўлган ва уларнинг ишқаланиши узоқ давом этиб, улар сийқалаша борган. Уларнинг сийқаланиши бурчаклари ва ўткир қирралари томонидан бошланган, ҳатто уларни йўқ қилиб, силлиқлаб қўйган. Улардан ажралган заррачалар эса кун, сўнгра чангдир.” (Беруний, Геодезия, Тошкент. 1982. 71 бет)

Ерларнинг сифати ҳақидаги маълумотлар қадимги Рус дехқонларида хам учрайди. Бундай маълумотлар ҳалқларнинг ҳикматли сўзларида ва мақолларида ўз ифодасини топган. Масалан: “Қора ер-оқ ном”, қаернинг тупроғи подзал-бўлса, ўша ерда муҳтожлик ва бошқалар. Қадимги дехқонлар ҳозирги замон илмига эга бўлмаган бўлсаларда, яъни тупроқларнинг механик таркиби, гумус, шўртаблиги ва бошқа ҳосса ва ҳусусиятларини билмаган бўлсаларда қора ва корамтири рангдаги тупроқларни биринчи ўринга, бўз, оч бўзрагли тупроқларни иккинчи ўринга қўйганлар.

Иван IV Грозний даврида ер фонdlарини ҳисобга олиш учун ер ишлари билан шуғилланадиган олий давлат ташкилоти тузилган. Бу ташкилотнинг асосий функцияларидан бири ерларни рўйхатга олиш бўлган.

С.С.Соболев XV-XVII, асрларнинг бошларидаги котибий китоблар ўша даврда юқори даражада турадиган биринчи тупроқ- географияси асарлари бўлишилигини эътроф этган.

1725 йилда ташкил этилган Россия фанлар Академияси Тупроқлар қопламини ўрганишда ягона марказ бўлиб қолди. Россия фанлар Академиясининг география департаментини бошқарган М.В.Ломоносов “Россия атласи” ва “Россия географияси”га ўзгартиришлар киритиди.

М.И.Афоний 1771 йилда тупроқларнинг таснифи сифатида: ёнғоқсимон қора тупроқ, гилли қора тупроқ, ўрмон, тошли, ботқоқ тупроқларини ажратган. Россияда 1705 йили “Эркин иқтисодий уюшма” ташкил этилди. Бу уюшма вазифаси ўз замонасидаги дехқончилик, иқтисод соҳасидаги янги услубларни тўплаш ва аҳолига етказиш, дехқончилик соҳасида янги услубларни ишлаб чиқиш, ерларнинг сифатини ўрганиш эди.

“Эркин иқтисодий уюшма”нинг биринчи асарида И.Г.Леман “Ернинг дехқончиликда ҳар хил сифатига қараб иқтисодий жихатдан таққослаш” номли мақоласи билан чиқиш қилди. Биринчи рус олимни ва агрономи А.Т.Болотов “Кашир уезди тупроқларининг хусусияти ва яхши ёмонлиги рўйхати” номли мақоласида тупроқнинг сифатини унинг ранги ва қовушмаси орқали, шу билан бирга унинг сифатини ўсимликлар устида тажриба ўтказиб аниқлаш мумкин деб тавсия берган.

Ўша даврнинг йирик олимларидан И.М.Конов тупроқнинг сифатини аниқлашга алоҳида этибор берган. У “яхши ерлар қора ёки қорамтири рангда бўлиб, ёмғирдан сўнг ёқимли ҳидга эга бўлади аксинча оқ, кулранг, сарикроқ рангдаги тупроқ эса орқунумсиз бўлади” деб ҳисоблаган.

XIX асрнинг биринчи ярмида дастлабки рўйхатга олиш ишлари давлат томонидан солиқларни тартибга солиш мақсадида Кадастр ишлари бошланди. Кадастр ишлари катта харажатларни талаб қилди. Бу харажатларни қоплаш учун дехқонлардан қўшимча солиқ олиш назарда тутилди. 1842 йилга келиб жойларда кадастркомиссиялари тузилди, бу комиссия турлисўровлар ўтказди. Бу губернияларга Петербург, Воронеж, Пенза, Тамбов, Тула, Резан, Орловек, Курек, Москва, Леков ва бошқалар. Ушбу олиб борилган ишлар натижасида 1851 йилда Веселовский раҳбарлигига 1:8400000 масштабда Россиянинг тупроқ харитаси тузилди.

Тупроқни баҳолаш ишларининг ривожланишида В.В.Докучаевнинг илмий тадқиқот ишларининг ҳоссаси катта. В.В.Докучаев “Эркин иқтисодий уюшма”нинг топшириғига биноан 1877-1881 йилларда Россиянинг қора тупроқли минтақасида илмий-изланиш ишларини олиб борди. Ушбу олиб борилган ишлар натижасини таҳлил қилиб В.В.Докучаев, 1883 йилда “Рус қора тупроғи” номили асарни чоп этди. Шу асари орқали “Тупроқшунослик” фани вужудга келди. Тупроқларни генетик асосида ўрганиш тупроқларни илмий бонитировкалашга асос солинди.

В.В.Докучаев томонидан Рус қора тупроқлари ўрганилиб келингандан кейн, у дарҳол Нижний-Новгород (1882-1886 йиллар), ва Полтава (1888-1894 йиллар) губерналарининг ерларини ўрганиш ва баҳолаш ишларини олиб борди. Ушбу ишларнинг натижаси илмий мақола ва тўпламларда чоп этилди.

Тупроқ бонитировкаси фанининг ривожланишида В.В.Докучаевнинг шогирди ва ёрдамчиси Н.М.Сибирцевнинг роли жуда катта. Н.М.Сибирцев 1900 йилда ёзган “Тупроқшунослик” асарида, Докучаевнинг тупроқ бонитировкаси ҳақидаги илмий қарашларини баён қилган.

Тупроқ бонитировкаси услублари.

Тупроқни баҳолашнинг қуийдаги услублари вужудга келган.

- а) Тупроқни баҳолашнинг табиий-тарихий усули.
- б) Ерни баҳолашнинг морфологик услуби.
- в) Ерни баҳолашнинг статистик услуби

Ер баҳолашнинг статистик усули.

Бу усулда тупроқларни баҳолашнинг мазмуни қуийдагилардан иборат:

1. Ерни сифат жиҳатидан баҳолашни сўров саволлари орқали тўплашган маълумотлар асосида ўтказиш.

2. Сўров саволларига жавоб бериш, тўлдириш ер эгалари ва ер бошқармалари зиммассига юклаш.
3. сўров саволларини тарқатиш, уларни тўплаш, текшириш, уезд комиссия бошқармаси зиммасига юклатилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кўрсатилган саволларни тушинадиган ва уларга тўғри жавоб берадиган ходимлар бўлмаган.

Ерни баҳолашнинг морфологик усули.

Рус олимлари Р.В.Рисположенский ва Г.Ф.Нефедовлар Ерни баҳолашнинг морфологик усулини яратди.

Р.В.Рисположенский тупроқларни баҳолашда уларнинг табий хоссалари ҳисобланган механик таркиби, кимёвий таркибини аҳамиятини йўққа чиқарди яъни тупроқ баҳоси билан унинг хоссалари ўртасида боғланиш йўқ деди.

Г.Ф.Нефедов эса тупроқни бир бутун деб тушунмади унинг кимёвий, физикавий хоссалари ўртасидаги боғланишларни кўрмади, шунинг учун тупроқни баҳолашда у баҳоланадиган ерларни битта, яъни гумуснинг тарқалишини ёки бошқа бир хусусиятини хариталашни афзал кўрди.

Рус тупроқларини баҳолашда 3 та усул қўлланилди.

1. Докучаев- Сибирцевларнинг табиий-тарихий усули. Бу усул билан 177 уезд ва 17 губерниянинг 996 минг км² майдон ерлари баҳолашди.
2. Сўров статистик услуб. Бу усул 7 губерния, 59 уезднинг 350 минг км² майдонида.
3. Рисположенский усули. Бу 5 губерния, 47 уезднинг 618 минг км² майдонида.

Муҳокама учун саволлар.

1. Абу Райхон Берунийнинг тупроқ ҳақидаги фикрларини изоҳланг.
2. Маҳмуд Қошғарийнинг фикрларини тушунтириб беринг.
3. Абу Али Ибн Синонинг тупроқ ва ер ҳақидаги фикрларини асослаб беринг.
4. Тупроқ бонитировкаси фани қандай шароитда вужудга келганлигини изоҳланг.
5. Тупроқ бонитировкаси фанининг асосчиси ва унинг асарларини тушунтиринг.
6. М.И. Афониннинг ишларини таърифлаб беринг
7. В.В. Докучаевнинг тупроқ бонитировкаси фанига қўшган хиссасини изоҳланг.
8. Тупроқ бонитировкаси усулларини таърифланг.
9. Тупроқ бонитировкасининг Докучаев усулини тушунтиринг.
10. Ерни баҳолашнинг статистик усулини изоҳланг.
11. Ерни баҳолашнинг морфологик усулини изоҳланг.
12. Тупроқ бонитировкаси усулларини қиёсий таққосланг.
13. Тупроқ бонитировкаси усулларидағи илмий асосланганларини танлаб изоҳланг.

3-Асосий савол. Ўзбекистонда тупроқ бонитировкаси фанининг ривожланиши

Учинчи савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга Ўзбекистон Республикасида харитография ва бонитировка фанининг ривожланиши ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ўзбекистонда тупроқшунослик ва тупроқ харитографиясининг ривожланиш босқичларини билиб олади.
2. Тупроқ бонитировкаси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишларини изоҳлай олади.

1920 йил 7-сентябрда Тошкент шаҳрида Туркистон Давлат Университети ташкил топди ва шу даврнинг ўзидаёқ “Тупроқшунослик ва геоботаника” илмий-тадқиқот институтига асос солинган. Ўлкамизнинг тупроқ қопламини ўрганиш бир мунча олдин бошланган. Масалан: Н.А.Димо 1908-1911 йилларда Сирдарё ҳавзаси тупроқ қопламини ва 1912-1915 йилларда Амударё ҳавзаси тупроқлари қопламини ўрганган.

Тупроқшунослик ва геоботаника илмий-тадқиқот институти дастлабки олимлари томонидан Сирдарё, Амударё ва Зарафшон дарёларининг ҳавзаси тупроқлари қоплами хариталари тузилда ва харитография фанига асос солишиди.

1959 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари Академияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида йирик масштабли тупроқ харитасини тузиш ва тупроқни бонитировкалаш лабораторияси ташкил қилинди. Лаборатория олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасига кўра мамлакатимизда сугориладиган ерларни унумдорлиги бўйича баҳолаш ва унинг иқтисодийсамарадорлигини аниқлаш тўғрисидаги услубий қўлланма биринчи марта рус тилида 1969 йили “Ўздаверлойиха” ва тупроқшунослик институти олимлари А.З.Генусов ва Б.В.Горбуновлар томонидан чоп этилди.

Ушбу тузилган услубий қўлланма асосида Республикализнинг пахта эқиладиган 2 млн гектар майдонидаги 1090 та хўжаликлари ерларининг тупроқ бонитировкаси харитаси тузилиб баҳоланди.

Тупроқшунослик ва агрокимё институти ва “Ўздаверлойиха” олимлари Б.В.Горбулов, Г.М.Конобоева, М.И.Кочубей, В.Н.Ли, С.П.Сучков ва бошқалар томонидан 1974 йилда “Ўзбекистон Республика силалмикор ерларини баҳолашнинг мувақат услуги” ишлаб чиқилди. Ушбу қўлланмадан фойдаланилган ҳолда Республикализнинг лалмикор ерларида дехқончилик қиласидаган 56 хўжаликнинг 600 мянг гектар майдони тупроқлари баҳоланди.

Юқоридаги қўлланмани такомиллаштириш, дала ва вегетацион тажрибаларнинг натижалари умумлаштириш, тупроқ бонитировкасида қўлланиладиган бонитировка коэффицентларини такомиллаштириш натижасида республикамиз шароитига хусусан пахтачилик ва дончиликка мослашган янги услубий қўлланмалар яратиш юзасидан бир-қтор ишлар олиб борилди.

1988 йилда В.Н.Ли, С.М.Ерюбоев, Ж.Кўнгиров ва И.У.Ўрзобоевлар томонидан “Суғориладиган тупроқларни агроиклим” мажмуаси баҳолаш бўйича услубий қўлланма ишланди.

1994 йилда “Ўзбекистонда пахта етишириладиган ерларнинг унумдорлигини баҳолаш” бўйича услубий қўлланма.

“Бўз тупроқлар камаридаги суғориладиган, эрозияга мойил ерларни баҳолаш ва хариталашга доир” услубий қўлланма.

2000 йилда Р.Қўзиев, В.Н.Ли ва бошқалар томонидан “Ўзбекистон Республикаси ерларни бонитировкалаш” услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган.

Хозирги кунда Р.Қ.Қўзиев, Л.А.Фофурова, И.А.Акромов, В.Н.Ли ва бошқалар томонидан янги услубиётлар яратиш устида илмий изланиш ишлари олиб борилмоқда.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбекистонда тупроқшунослик институти ва тупроқ ҳақидаги билимларнинг пайдо бўлишини изоҳланг.
2. Ўзбекистондаги тупроқ бонитировкаси ҳақидаги дастлабки ишларни тушунтиринг.
3. Тупроқ бонитировкасининг ривожланишига ҳисса қўшган Ўзбекистонлик олимларни айтиб беринг.
4. Тупроқ бонитировкасидан яратилган услубий қўлланмаларни изоҳланг.

4-Асосий савол. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди

Тўртинчи савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга Ўзбекистон Республикаси ер фонди ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди ҳақида маълумотга эга бўлади.
2. Ўзбекистон тупроқлари тип, типчалари ва уларнинг майдонларини изоҳлаб беринг.
3. Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқлари таснифи (классификациясини) тушунтириб бера олади.

Мамлакатлар ва қитъалар бўйича кўпдан-кўп маълумотларни умумлаштириш шуни қўрсатдики, тупроқ қатлами ning биосфера, биогеокимё, гидросфера, атмосфера, гумусфера, антропосфера ёи техносфера ўатламлари бутун ер юзи миқёсидаги функциялари тупроқга аниқ мақсадни кўзлаб бевосита таъсир ўтказиш натижасида ҳам, шунингдек ғоят ҳилма-хил қўшимча, иккинчи даражали, баъзан кутилмаган салбий экологик ҳолатлар натижасида ҳам инсон фаолиятининг таъсири остида кучли даражада ўзгариб бормоқда.

Ер куррасидаги қуруқликнинг умумий майдонидан ҳозирги вақтда жаҳон дехқончилигига салкам 1,5 миллиард гектар майдон доимий шудгорланиб турилади, дехқончилик маданиятининг 10 минг йиллик тарихи мобойнида авваллари маҳсулдор бўлган 2 миллиард гектарга яқин ердан батамом маҳрум бўлинган, бу майдонлар чўл-биёбонларга айлантирилган, ҳар-хил иншоатлар қурилган, сув остида қолдирилган: салкам 1 миллиард гектар ер дехқончиликга яроқли ҳолда турибди: ҳозирги вақтда ҳар йили мутлоқо ўйқ бўлаётган

ҳосилдор ерлар 6-7 миллион гектарни ташкил қиласи, яъни ўртача тарихий кўрсаткичларга нисбатан 30-35 баравар кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси турли туман тупроқ-иқлим ва ўсимлик минтақаларининг бирлашишидан ташкил топган катта жуғрофий худуд бўлиб, унинг умумий ер майдони қарийиб 44405 минг гектарни ташкил этади. Шундан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ер майдони 22614 минг гектардан ошикроқ бўлиб, интенсив фойдаланиладиган ерлар эса, асосан суғориладиган майдонлар бўлиб 4188,4 минг гектарни. Шундан 3293,4 минг гектари ҳайдалма суғориладиган ерлардир. Шу суғориладиган ерларда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 фоизидан ошикроғи етиштирилади. Ҳозирги кунга келиб республикамиз суғориладиган ер майдонларининг 65,4 фоизи ёки 2446 минг гектари турли даражада шўрланган майдонлардир.

Ўзбекистоннинг худудий кенгликларидағи тупроқ-иқлим минтақа тизимида текислик чўл минтақаси жойлашган бўлиб, унда сув қўнғир тусли, қумли, чўл, тақирли тупроқлар ҳамда шўрхоклар ва шўртоблар кенг тарқалган. Республикасининг шарқий қисми вертикал яъни баландлик минтақаси тоғ олди адирларда ва паст тоғларда бўз тупроқлар, ўрта баландликдаги тоғ жигарранг ва қўнғир тоғ ўрмон тупроқлари, ҳамда баланд тоғ худудларида оч қўнғир тусли ўтлоқи-дашт тупроқлари кенг тарқалган.

Провинциал бўлиниш схемасига кўра Ўзбекистон Ўрта Осиё тупроқ-иқлим провинциясига киради. Кенглик ва баландлик минтақасидаги автоморф тупроқлар бир қатор гидроморф тупроқлар ва тупроқнинг автоморф ва гидроморф хоссаларини ифода этувчи ярим гидроморф тупроқлари ҳам учрайди.

Суғориладиган тупроқлар алоҳида хусусиятларга эга бўлган тупроқ типлари бўлиб, улар ўзларининг минтақавий тарқалиши ва суформа деҳқончиликда фойдаланиш натижасига кўра турлича кўриниш ва хассаларини номоён этади.

Тупроқ хосил қилувчи она жинс ва ётқизиқлар минерологик таркибининг турлича бўлиши, уларнинг литологик тузилишларининг мураккаблиги, қуруққаптинистал иқлим ва ўсимликлар дунёси, гидрогеологик шароитларининг хилма-хил бўлиши турли тупроқ типларининг пайдо бўлишига олиб келган.

Ўзбекистон худудида чўл ва баландлик минтақасида жойлашган бир қанча тупроқ тип ва типчалари мавжуддир (1-жадвал).

Ўзбекистон тупроқларининг типи ва типчалари. (майдони, минг, гектар ҳисобида)

1-жадвал

Т/р	Тупроқларнинг номи	Майдони минг, га	Умумий майдонга нисбатан фоизда
I Баландлик минтақаси тупроқлари			
1	Оч қўнғир тусли ўтлоқи-дашт баланд тоғ тупроқлари	540	1,2
2	Жигарранг ва қўнғир тоғ-ўрмон ўртача	1660	3,7

	баландлик тоғ тупроқлари		
3	Түқ тусли бўз тупроқлар	1050	2,4
4	Типик бўз тупроқлар	3050	6,8
5	Оч тусли бўз тупроқлар	2590	5,8
6	Ўтлоқи-бўз ва бўз ўтлоқи тупроқлар	780	1,8
7	Бўз тупроқлар минтақасининг ботқоқ ўтлоқи тупроқлари	670	1,5
8	Бўз тупроқлар минтақасининг ботқоқ- ўтлоқи тупроқлари	70	0,2
	Жами	10410	23,4

П-Чўл минтақаси тупроқлари

9	Сур тусли қўнғир тупроқлар	11025	24,8
10	Қумли чўл тупроқлари	1370	31,0
11	Тақирли ва тақир тупроқлар	1780	4,1
12	Ўтлоқи-тақир ва тақир ўтлоқи тупроқлар	460	1,0
13	Ўтлоқи тупроқлар	1790	4,1
14	Шўрҳоқлар	1270	2,9
15	Қумлар	12100	27,2
16	Бошқа ерлар (чўққилар, қияликлар сув юзаси)	4150	1,3
17	Жами	33995	76,6
18	Ҳамма ерлар	44405	100,0

Ўзбекистон тупроқларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда фойдаланиш тавсифи кўп жиҳатдан уларнинг у ёки бу тупроқ иқлим минтақасида жойлашганлигига боғлиқ.

Суфориладиган ерлар-тўқ тусли, типик ва оч тусли бўз тупроқлардан, бўз- ўтлоқи, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, ботқоқ, чўл минтақасида ўтлови-ботқоқ, ботқоқ, сур тусли қўнғир, тақирли, тақир, чўл қумли ва қумлоқ тупроқлардан ҳамда кенг тарқалган ўтлоқи алмовиал тупроқлардан иборат.

Ўзбекистоннинг суфориладиган ерларидаги тупроқлар Б.В.Горбунов ва Н.В.Кимберг (1975)лар томонидан қўйидагича таснифланган.

1. Сахро минтақасининг ўтлоқи- воҳа тупроқлари
2. Сахро минтақасининг ботқоқ- воҳа тупроқлари
3. Тақир- воҳа тупроқлари
4. Бўз тупроқлар минтақасининг ўтлоқи- воҳа тупроқлари
5. Бўз тупроқлар минтақасининг ботқоқ- воҳа тупроқлари
6. Бўз- воҳа тупроқлари

Ушбу тасниф тўлдирилиб 6 та тупроқ типини ва 28 та типчани қамраб олган. Унда сув тартиботи типлари бўйича ирригацион-автоморф, ўтма ва ирригацион-гидроморф тупроқларга ажратилган. (2-жадвал).

**Ўзбекистоннинг сугориладиган тупроқлари таснифи
(классификацияси)**

2-жадвал

T/p	Тип	Типчалар
I - Бўз тупроқлар камори		
1	Бўз- воҳа тупроқ	-Бўз- воҳа -сугориладиган оч тусли бўз -сугориладиган типик бўз -сугориладиган
2	Ўтлови-воҳа тупроқ	-ўтлоқи- воҳа -сугориладиган ўтлоқи алмовиал -сугориладиган ўтлоқи саз -сугориладиган ботқоқ-ўтлоқи -ўтлоқи бўз- воҳа -сугориладиган ўтлоқи- воҳа -сугориладиган бўз-ўтлоқи
3	Сугориладиган ботқоқ тупроқ	-сугориладиган илли ботқоқ -сугориладиган тафли ботқоқ
II-Сахро минтақаси		
4	Сахро- воҳа тупроқ	-сахро- воҳа -сугориладиган тақирли -сугориладиган сур тусли қўнғир -сугориладиган қумли сахро -сахро ўтлоқи воҳа -сугориладиган ўтлоқи-тақирли
5	Ўтлоқи- воҳа тупроқ	-ўтлоқи- воҳа -сугориладиган ўтлоқи- воҳаалмовиол -сугориладиган ўтлоқи-соз -сугориладиган ботқоқ-ўтлоқи -сугориладиган сахро-ўтлоқи -ўтлоқи тақирли- воҳа
6	Сугориладиган ботқоқ тупроқ	-сугориладиган чилли-ботқоқ -сугориладиган торфли-ботқоқ

Мухокама учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг ер фондини изоҳланг.
2. Ер фондининг инсон фаолияти таъсирида ўзгаришини тушунириб беринг.
3. Ўзбекистоннинг сугориладиган ерлари фонди ва унинг аҳамиятини изоҳланг.
4. Баландлик минтақаси тупроқ типларини изоҳланг.
5. Чўл минтақаси тупроқ типларини тушуниринг.
6. Баландлик ва чўл минтақаси сугориладиган тупроқ типларини ажратинг.

7. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерлари тупроқларининг Б.В. Горбунов ва Н.В. Кимберглар бўйича таснифини беринг.
8. Суғориладиган ерлар тупроқлари ҳозирги таснифини тушунтиринг.
9. Бўз тупроқлар камарининг тупроқ типчаларини изоҳланг.
10. Саҳро минтақаси тупроқлари тип ва типчаларини таърифланг.

**2-Мавзу: Суғориладиган тупроқларнинг бонитировкасининг асосий шкаласи ва унда ишлатиладиган бонитировка коэффициентлари
Технологик харита**

№	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарснинг мақсади: Суғориладиган тупроқларнинг базавий шкаласи, тузулиш ва бонитировкасида ишлатиладиган тузатиш коэффициентлари ҳақида талабаларга маълумот бериш.</p> <p>1.2 Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Суғориладиган ерларнинг тупроқларини бонитировкалашнинг асосий шкаласи тузулишини изоҳлади. 2. Асосий шкаланинг тузулиши технологиясини тушунтириб бера олади. 3. Бонитировкалашда ишлатиладиган тузатиш коэффициентларидан фойдалана олади. 4. Шўрланиш даражаси бўйича бонитировкалаш коэффициентини келтириб чиқара олади. <p>1.3 Суғориладиган ерлар тупроқларини бонитировкалашнинг базавий шкаласи ва тузатиш коэффициенталарини такомиллаштиришнинг илмий асослари</p> <p>1.4 Асосий тушунча ва иборалар. Асосий шкала, тузатиш коэффициенти, механик таркиб, механик элемент, шўрланиш даражаси, шўрланиш типи, қуруқ қолдик, иқлим рельеф, экспозиция.</p> <p>1.5 Дарс шакли: гурух ва микрогуруухларда</p> <p>1.6 Фойдаланадиган услублар: сұхбат, маъруза, тушунтириш, бахс</p> <p>1.7 Керакли жиҳозлар ва воситалар: плакатлар, видеопроектор</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи.</p> <p>2.1 Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2 Маъруза бошланади, асосий қисмлар, дарс мақсадлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи 15 мин.

3	<p>Гурухда ишлаш босқичи.</p> <p>3.1 Талабаларга муаммоли саволлар берилади.</p> <p>3.2 Талабалар фикри эшишилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3 Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4 Умумий хulosага келинади.</p>	<p>Ўқитувчи – талабалар 40 мин.</p>
4	<p>Мустаҳкамлаш босқичи.</p> <p>4.1 Берилган маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилганлигини аниқлаш учун саволлар.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Суғориладиган ерлар тупроқларини баҳолашнинг базавий шкаласи нима? - Асосий базавий шкаланинг тузулиш технологияси - Бонитировкалашда ишлатиладиган тузатиш коэффициенти ва доминант омиллар - Тупроқнинг механик таркибига кўра номлаш. <p>4.2 Фаол талабалар баҳоланади.</p>	<p>Ўқитувчи – талабалар 15 мин.</p>

Асосий саволлар:

1. Суғориладиган тупроқларни бонитировкалашнинг асосий шкаласи тузулиши
2. Суғориладиган тупроқларни агро-иқлим кўрсаткичлари бўйича баҳолаш
3. Суғориладиган тупроқларни шўрланиш ва зинчланиш даражаси бўйича бонитировка коэффициенти
4. Суғориладиган тупроқларни глейлашган қатlam жойлашишига кўра ва рельефи бўйича баҳолаш
5. Тупроқ унумдорлигини гумус, фосфор ва калий захираси бўйича баҳолаш

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Асосий шкала, тузатиш коэффициенти, механик таркиб, механик элемент, шўрланиш даражаси, шўрланиш типи, куруқ қолдик, иқлим рельеф, экспозиция.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш шкаласини такомиллаштириш лозим деб хисоблаймизми?
2. Тупроқларни бонитировкалашда яна қандай омиллар бўйича коэффициентлар ишлаб чиқиши мумкин деб хисоблайсиз?

1-Асосий савол. Суғориладиган тупроқларни бонитировкалашнинг асосий шкаласи тузулиши

Биринчи асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларини бонитировкалашнинг асосий шкаласини тузулиши ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Суғориладиган ераларнинг тупроқларини бонитировкалашнинг асосий шкаласи тузулишини билиб олади.

- Асосий шкаланинг тузулиш технологиясини изоҳлай олади.
- Тупроқнинг механик элементи ва механик таркибини тушунтириб бера олади.

Суғориладиган дехқончиликда тупроқда чиқадиган барча кимёвий, физикавий, физик-кимёвий, биологик жараёнлар тез-тез ўзгарувчан бўлади. Бундай шароитда тупроқни қатор хусусиятлари ўзининг турғунлигини йўқотади, қисқа вақт ичида ўзгаради. Шунинг учун тупроқнинг баҳолашда ҳосил билан корреляцион боғланучи мезонларни топлаш зарур.

Мезонлар нисбатан турғун, яъни тез-тез ўзгармайдиган ва қишлоқ хўжалиги экин турининг ҳосили билан яхши коррелецион боғланишда бўлмоғи лозм.

Суғориладиган дехқончилик шароитида бундай мезонлардан тупроқнинг механик таркиби жой олади. Г.Г.Решетов, В.Р.Шредер (1977), Р.Қ.Қўзиев (2000) ва бошқалар барча суғориладиган ерларни механиквий таркибига кўра 5 та синфга ажратган:

- 1-синфга ўрта ва енгил қумоқли, булар-1,0 коэффицент.
- 2-синфга оғир қумоқли 0,9-коэффицент,
- 3-синфга созли ва қумлоқ 0,8 коэффицент.
- 4-синфга қумли 0,7 коэффицент
- 5-синфга оғир созли иақирлар, кўл ва бошқа пастликлар ва сочилма қумлар 0,5 коэффицентлар берилган.

Тупроқнинг механик таркиби унинг унумдорлигини бошқа хоссаларидан кўра кўпроқ ифодалайди. Механик таркиб тупроқнинг ўзик яъни энг асосий хусусияти бўлиб унинг аналиқ жинсига боғлиқ равишда келиб чиқади.

Олиб борилган изланишлар натижасига кўра оғир механик таркибли тупроқларда ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши учун зарур озиқ элементлар кўп, ўзида сувни узоқ сақлаши исбот қилишган, лекин сув ва ҳаво ўтказиш қобилияти паст бўлади.

Енгил механик таркибли тупроқларда, озиқ элементлар миқдори ва сувни ушлаб туриш қобилияти паст сув ва ҳаво ўткасувчанилиги юқори бўлади.

Суғориладиган ерлар бонитировкасининг базали шкаласи генетик группалари бўз тупроқлар минтақаси, чўл зонаси бўйича наланиш қаторига кўра автоморф, ўтувчи, гидроморф турлари, механик таркибига кўра баллар қўйилан (Р.Қ.Қўзиев 2000 й).

Суғориладиган тупроқларни бонитировкалашнинг асосий шкаласи.

3-жадвал

Тупроқларнинг генетик групхлари, тупроқ типи, типчп, номланиш қатори (тупроқ айрмаси)	Механик таркиби					
	Қумли	Қумлоқ	Енгил	Ўрта қумлоқ	Оғир қумлоқ	Глейли
Бўз тупроқлар минтақаси						
1.1.Ирригацион автоморф: -суғориладиган тўқ тусли бўз	-	-	90	100	90	80

тупроқ	-	-	90	100	90	80
-суғориладиган типик бўз тупроқ	-	70	85	100	90	75
-суғориладиган оч тусли бўз тупроқ						
1.2. Ўтувчи:						
-суғориладиган ўтлоқи бўз ва бўз ўтлоқи	-	70	90	100	80	70
тупроқлар	-	80	95	100	80	70
1.3. Ирригацион гидроморф:						
-суғориладиган ўтлоқи тупроқ	-	90	10	95	75	65
-ботқоқ ва ботқоқ-ўтлоқи	-	75	0	75	75	60
-суғориладиган ботқоқ			80			

Чўл минтақаси

2.1. Ирригацион автоморф						
-суғориладиган бўз-кўнғир	-	70	95	100	95	70
-суғориладиган тақирли	-	75	95	100	90	70
-суғориладиган тақир	-	80	10	90	80	65
-суғориладиган қумли чўл	60	-	0	-	-	-
2.2. Ўтувчи						
-суғориладиган ўтлоқи бўз-кўнғир	60	70	-	100	90	75
-суғориладиган ўтлоқи-тақир	-	-	85	100	85	65
-суғориладиган ўтлоқи-чўл ва чўл ўтлоқи	60	60	80	100	85	75
чўл ўтлоқи	70	85	80	90	80	60
2.3. Ирригацион гидроморф						
-суғориладиган ўтлоқи	70	85	10	85	70	55
-суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ ва ботқоқ	60	75	0	75	60	50
ўтлоқи			10			
-суғориладиган ботқоқ			0			
			80			

Тупроқларнинг механик элесент кўра классификацияси

4-жадвал

T/P	Механик элементларнинг ўлчами, мм	Механик фракциялар
1	>3	Тош (ўтқир қиррали ёки силлик)
2	3-1	Шагал
3	1-0,5	Йирик қум
4	0,5-0,25	Ўрта қум
5	0,25 – 0,05	Майдা қум
6	0,05 – 0,01	Йирик чанг
7	0,01 – 0,005	Ўрта чанг
8	0,005 – 0,001	Майдা чанг
9	<0,001	иль

**Тупроқларнинг механик таркибига кўра классификацияси
(Н.А.Качниский бўйича)**

5-жадвал

T/P	Механик таркибига кўра тупроқ номи	Тупроқ таркибаги физик соз миқдори, % ҳисобида $< 0,01\text{мм}$	Тупроқ таркибидаги физик кум миқдори, % ҳисобида $> 0,01\text{мм}$
1	Сочилма қум	0-5	100-95
2	Бирикма қум	5-10	95-90
3	Қумлоқ	10-20	90-80
4	Енгил қум	20-30	80-70
5	Ўрта қумлоқ	30-45	70-65
6	Оғир қумлоқ	45-60	65-40
7	Енгил соз	60-70	40-30
8	Ўрта соз	70-80	30-20
9	Оғир соз	>80	<20

Муҳокама учун саволлар:

1. Тупроқ бонитировкаси негизли шкаласини ишлаб чиқишидаги асосий мезонини изоҳланг.
2. Асосий шкаланинг хадларини, уларнинг номланишини тушунтиринг.
3. Асосий шкаланинг бўз тупроқлар минтақаси ва чўл минтақаси бўлимларининг сабабларини изоҳлаб беринг.
4. Асосий шкаланинг тузулиш технологиясини изоҳланг
5. Тупроқ бонитировкасида яна қандай базавий шкалалар ишлатилади
6. Тупроқнинг механик элементлари ва механик таркибини тушунтиринг.
7. Механик элементлар классификациясини изоҳланг.
8. Механик таркиби бўйича тупроқларни номланг ва унинг классификациясини изоҳланг.

**2-Асосий савол. Суғориладиган тупроқларни агро-иқлим
кўрсаткичлари бўйича баҳолаш**

Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга суғориладиган ерлар тупроқларининг агро иқлим кўрсаткичлари бўйича баҳолаш ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Агро иқлим ҳақида билиб олади.
2. Фойдали харф йифиндисини ҳисоблашни тушуниб олади.
3. Агро иқлим омиллари бўйича Ўзбекистон худудининг бўлинишини изоҳлай олади.

Суғорилиб дехқончилик қилинадиган қишлоқ хўжалик майдонларида, ўсимликнинг сувга бўлган талабининг етишмаган қисми суғориш орқали қопланади, бундай шароитда биологик маҳсулдорликни аниқлавчи асосий омил

бўлиб, ўсимликнинг вегетация давридаги фойдали ҳарорат йифиндиси ҳисобланади. Л.Н. Бабушкиннинг кўрсатишича, республикада кенг экиб ўстириладиган ўрта тололи ғўзанинг униб чиққанидан то пишиб етилгунча талаб қилинадиган фойдали ҳарорат йифиндиси 1800-1900 зарур бўлади. Ғўза ўсимлигининг тупини совуқургунча гуллаб мева тувишини ҳисобга олганимизда яна 600 °C ҳарорат зарур бўлади. Демак ғўзанинг униб чиқунидан тўлиб пишиб етилгунча бўлган ҳарорат йифиндиси 2400-2500 °C . бу ўрта толали ғўзанинг вегетация даври учун оптимал ҳарорат ҳисобланади. (Ли. 1477).

Иқлим коэффиценти ёки сугориладиган ерлар тупроқларини баҳолашда қўлланиладиган биоиклим коэффиценти қуёидаги формула билан ҳисобланади.

$$Бк = \frac{\sum T > 10^0}{2400}$$

Бу ерда: Бк= биоиклим коэффиценти

$\sum T > 10^0 - 10^0$ С вегетация давридаги фойдали ҳарорат йифиндиси.

2400^0 – вегетация даридаги фойдали ҳароратнинг оптимал йифиндиси.

Л.Н.Бабушкин ва Б.В.Кимберк (1971) лар республиканинг сугориладиган ерларини тупроқ-иқлим омиллари кўрсаткичлари бўйича 7 та округ 31 та районга бўлган. В.Н.Ли ва бошқалар томонидан юқорида таклиф этилган формула асосида барча тупроқ-иқлим районларининг тупроқ бонитировкасида қўлланиладиган биоиклим, коэффиценти ишлаб чиқилган (6-жадвал).

Сугориладиган тупроқларнинг агроиклим омиллари бўйича бонитировка коэффиценти

6-жадвал

Гурӯҳ	Округ	Район	Ўртacha $\sum T > 10^0$	Бк	Бонитировка коэффицент
I	Қўйи Амударё	Шимолий Қорақалпоқ	2033	0,85	0,85
		Хоразм-Жанубий қорақалпоқ	2338	0,97	1,0
II	Чирчиқ оҳонгаронг	Тошкент-Пискент	2180	0,88	0,90
		Чирчиқ -оҳонгаронг	2045	0,85	0,85
III	Фарғона	Марғилон	2618	1,09	1,10
		Ақбура-Араван	1970	0,82	0,80
		Косонсой	2035	0,85	0,85
		Соҳ	2735	1,14	1,15
		Марғилон-Андижон	2618	1,09	1,10
		Наманган-Учқўрғон	2430	1,01	1,0
		Чуст-Поп	2800	1,16	1,15
		Шарқий Фарғона	2970	0,82	0,80
		Шаҳриҳон	2735	1,14	1,15
		Марказий-Фарғона	2735	1,14	1,15

IV	Мирзачўл	Мирзачўл Жиззах Марказий Мирзачўл Далварзин	2418 2418 2197 2400	1,01 1,01 0,91 1,00	1,0 1,0 0,90 1,00
V	Зарафшон	Самарқанд-Пахтакор Булунғур-Ғаллаорол Ўрта Зарафшон Бухоро	2200 2125 2200 2445	0,92 0,87 0,92 1,02	0,90 0,90 0,90 1,0
VI	Қашқадарё	Китоб-Қамаши Ғузор Қарши Шахрисабз Муборак	2600 2880 2802 2600 2980	1,08 1,18 1,16 1,08 1,24	1,10 1,20 1,15 1,10 1,25
VII	Сурхандарё	Юқори Сурхон Ўрта Сурхон Шеробод-Сурхон	2660 3143 3143	1,11 1,30 1,30	1,10 1,30 1,30

Ўзбекистон Республикаси суғориладиган дехқончилик ерларининг биоиклим кўрсаткичлари 0,80 дан 1,30 гача. Республикамиз суғориладиган худудларини биоиклим кўрсаткичлари бўйича 3 гурухга бўлинади. Биринчи гурух, Биоиклим кўрсаткич 0,80-1,0 гача кам таъминланган. Иккинчи гурух 1,0-1,20 ўртacha таъминланган. Учунчи гурух 1,20-1,30 юқори таъминланган.

Иқлим ҳисобга олинган ҳолда тупроқ миңтақаларини табақалаштриш табиий қишлоқ хўжалигини районлаштриш нуқтаи назаридан амалга оширилади.

Суғориладиган дехқончиликнинг турли районлари иқлимини баҳолаш шу районлар учун пишиб етлиш муддатларига кўра қишлоқ хўжалик экинлари навларининг қайси гуруҳларга мос келиши шунингдек кўк масса ёки дон учун мўлжалланган оралиқ ёки тақрорий экишлар, полиз, сабзавот экинглари токчилик ва боғдорчилик учун мумкин бўлган биологик маҳсулдорлигини аниқлаш имконини беради.

7-жадвал

Суғориладиган тупроқларнинг эффектив температураси йиғиндиси бўйича бонитировка коэффиценти

Т.Т рац	Эффектив йиғиндиси	температура	Бонитировка коэффиценти
	2050 дан кам	0,85	
	2051-2200	0,90	
	2201-2400	0,95	
	2401-2500	1,00	
	2501-2600	1,10	
	2601-2800	1,15	
	2801-3000	1,20	
	3000 дан юқори	1,25	

Мұхокама учун саволлар:

1. Агроиқлим омилни түшунтириңг.
2. Тупроқтарнинг тупроқ иқлим омиллариға күра кенглик бўйлаб тарқалишини изоҳланг.
3. Тупроқтарни агро иқлим омиллариға күра баландлик бўйлаб тарқалишини түшунтириңг.
4. Фойдали ҳарорат йиғиндиси нима?
5. Қишлоқ хўжалик экинларининг фойдали ҳарорат йиғиндиси қандай ҳисобланади.
6. Тупроқ иқлим омилига кўра Провинция, фатция, округ, районлар нимага асосланади.
7. Ўзбекистон Республикаси тупроқ иқлим округларини түшунтириңг.

3-Асосий савол. Суғориладиган тупроқларни шўрланиш ва зинчланиш даражаси бўйича бонитировка коэффициенти

Учинчи савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга тупроқларни шўрланиш даражаси ҳамда зинчланиш даражасини түшунтириш ва шу омиллар бўйича қўлланиладиган бонитировка коэффициентларини изоҳлаб бериш

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Тупроқнинг шўрланиш ва унинг қишлоқ хўжалик экинларига таъсирини билиб олади.
2. Тупроқнинг шўрланиш даражаси классификациясидан фойдалана олади.
3. Тупроқнинг ҳажим оғирлиги ва унинг зинчланиши тўғрисида билимга эга бўлади.
4. Тупроқ зинчлигининг қишлоқ хўжалик экинларига таъсирини изоҳлай олади.
5. Тупроқнинг шўрланиши ва зинчланиши даражаси бўйича бонитировка коэффициентини қўллай олади.

Шўр тупроқларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги кескин камаяди, кучли шўрланган тупроқларда умуман ўсмайди. Шўр таъсирида тупроқ таркибидаги сувнинг осмотик босими, ўсимлик хужайраси осмотик босимидан юқори бўлади, натижада ўсимликнинг тупроқдан сувни ўзлаштриб олиш қоблияти бузилади.

Сувнинг шўрлик даражаси 8,5 г/л бўлганда, ғўза чигитининг бўкиши тўхтайди ва у унмайди. Шунинг учун ҳам шўрланган тупроқларга экилган чигитнинг униб чиқиши кечикади, уруниб чиқан уруғлар сони кам бўлади, кучли шўрланган тупроқларда умуман унмаслиги мумкин. Ғўза ўсимлиги шўрланмаган тупроқдан май-август ойларида

3404 м³/га, сувни ўзлаштирса, кучсиз шўрланган тупроқдан 2256 м³ /га олади ва ғўзалар сўлиб қуриб қолади.

Агар Na₂ SO₄ нинг зарурли таъсирини бир деб олсак, унда Na HCO₃ -3 га, Mg SO₄, Mg Cl₂ ва RCl-3-5 га , NaCl-5-6, Na₂ CO₃ -10га тенг бўлади. Соданинг бундай зарарли таъсирининг юқори бўлиши у эритмада ишқор (Ma OH) ҳосил

қилишидан келиб чиқади. Ишқор ва ишқорий тузлар хужайра деворини симириб протоплазмари бузади.

Тупроқнинг шўрланиши ўсимлик илдизининг минерал моддаларни ўзлаштиришига катта таъсир кўрсатади, яъни тупроқ эритмаси осмотик босимининг юқори бўлиши туфайли Ca, S, Fe ва Mn каби озиқ элементларининг илдиз хужайрасига ўтиши ёмонлашади. Тупроқ эритмаси таркибида хлоридлар, сульфатлар, натрий ва магнийларнинг ортиши, ўсимлик тўқимасида Mg, Na, Cl ионларининг буғланишини оширса, Ca ва K нинг миқдорини камайтиради. Ўсимлик тўқимасида Na миқдори ортиб кетиши туфайли ишқорийликни вужудга келтириб, протопластни сугортириб, хужайра қобиғи орқали моддаларнинг чиқиб кетишини кучайтради. Тўқимада Ca иони ортганда, хужайра қобиғи қалинлашиб заарли тузларнинг ўтиши камаяди.

Ғўза ўсимлиги учун тузлар миқдори қўйидагича таъсир қиласди: сульфатли-хлоридни шўрланишда (Мирзачўл) -0,8 %, хлоридли- сульфатли шўрланишда – 1,8 %, ҳар икки ҳалатда ҳам тупроқдаги хлор миқдори 0,04- 0,05 фоиз бўлганда, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсир кўрсатади.

Кишлоқ хўжалиги ўсимлик турлари ва навларининг шўрга чидамлилиги турличадир. Тупроқдаги туз миқдори 0,1 – 0,3 %, бўлганда, буғдой ҳосилдорлиги камаяди, 0,7% бўлганда ўсимлик ўлади.. бошқа маълумотларга қараганда Cl – 0,05 – 0,1 % ва So₄ 0,3- 0,4 % бўлганда буғдой ўсимлиги кучли зарарланади.

Арпа ўсимлиги шўрга бироз чидамли бўлиб, туз миқдори 0,6- 0,8 % бўлганча ўсаолади. Лекин, арпа уруғининг униб чиқишига Cl ионига нисбатан So₄ иони заарли ҳисобланади. Оқ жўхори қишлоқ хўжалик экинлари ичida шўрга чидамли бўлиб, кучли шўрланган тупроқларда кам ҳосил беради.

Картошка ўсимлиги учун туз миқдори 0,1 %, Cl – 0,014 %. Қанд лавлаги учун 1,86 % Cl – 0,36 % ҳисобланади. Тарвуз ва қовун учун Mg Cl -0,16 % ва Na₂ So₄ -0,2 %. Узум ўсимлиги тупроқдаги туз миқдори 1,71 % ва Cl – 0,1 % бўлганда ҳам ўсади. Узумнинг оқ-кишиш нави тупроқдаги туз миқдори 0,8 – 1,2 %, Cl- 0,04- 0,1 %, So₄ -0,3-0,45 % бўлганда ҳам ҳосил беради.

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларининг 53% ёки 2 млн. 286 минг гектари турли даражада шўрланган. Ерларимизнинг шўрлигидан йилига 20-25 % миқдорида ғўза ҳосили яъни пахта кам териб олинмоқда. М.Л.Панков маълумотига шўрланмаган ерларга нисбатан кучсиз шўрланган ерларда 20-30 % ўртacha шўрланган ерларда 40-60 % кучли даражада шўрланган ерларда 80% ва ундан кўп ғўза ҳосили камаяди.

Тупроқларнинг шўрланиши жанубдан-шимолга томон ва чўлдан адирга томон камайиб боради. В.А. Кояда тупроқларнинг шўрланиш типига қараб тўртда провинцияга ажратган.

1. Хлоридли тип- касбий бўйи, Кўра, Аракса, Терек, Волга, Ўрол ва Атрек паст- текисликларидаги тупроқлар.
2. Сульфат-хлоридли тип- Турон пастекислигидаги Амударё ва Сирдарё дарёларининг дельта ва воҳаси, Мирзачўл текислиги, Вихш, Мурғоб ва Тажеш дарёси воҳалари тупроқлари.

- Хлоридли- Сульфатли – Қазоғистон, Фарғона водийси, Зарафшон ва Амударёнинг қўйи қисми тупроқлари.
- Сульқатли- содали- Ғарбий Сибир паст-текислиги, Чу, Или водийси.

Марказий Осиё мамлакатларининг шўр ерларида хлор ва сульфат анионлари қишлоқ хўжалиги экинлари ва уларнинг хосилдорлигига кўп таъсир қиласи. Тупроқдаги хлор ионининг миқдори 0,01 % дан ошганда, сульфат ионлари миқдори 0,-0,3 % дан ошса ўсимликка сальбий таъсир қила бошлайди.

Шунинг учун сульфатли типдаги шўрланишларда, қуруқ қолдиқ, хлорид-сульфатли ва сульфат хлоридли шўрланиш типида қуруқ қолдиқ ва хлор, хлоридли типдагт шўрланиш хлор миқдори бўйича аниқланади (8-жадвал).

Тупроқларни ион таркиби ва қуруқ қолдиқ миқдорига кўра шўрланиш даражаси таснифи.

8-жадвал

инд	Шўрланиш даражаси	Сульфа- ти қуруқ қолдиқ	Хлорид- сульфатли		Сульфат- хлоридли		хлори- дли
			Қуруқ қолдиқ	Cl	Қуруқ қолди- қ	Cl	
1	Шўрланмаган	<0,3	<0,1	<0,0 1	<0,1	<0,0 1	<0,01
2	Кучсиз шўрланган	0,3-1,0	0,1-0,3	0,01- 0,05	0,1- 0,3	0,01- 0,04	0,01- 0,03
3	Ўртача шўрланган	1,0-2,0	0,3-1,0	0,05- 0,2	0,3- 0,6	0,04- 0,2	0,03- 0,1
4	Кучли шўрланган	2,0-3,0	1,0-2,0	0,2- 0,3	0,6- 1,0	0,2- 0,3	0,1- 0,2
5	Жуда қучли шўрланган (шўрхок)	>3,0	>2,0	>0,3	>1,0	>0,3	>0,2

Сульфат-хлоридли ва хлоридли типда шўрланган тупроқлардан олинган намуналарда сувли сўрим қисқартирилган ҳолда таҳлил қилишади. CO_3^{2-} , HCO_3^- , Cl^- .

Хлорид-сульфатли типда шўрланган тупроқларда олинган намуналарда сувли сўрим тўлиқ таҳлил қилишади. HCO_3^- , Cl^- , SO_4^{2-} , Ca^{+2} , Mg^{+2} , Na^+ ва K^+

Тупроқларнинг ион таркиби ва қуруқ қолдиқ миқдорига кўра шўрланиш даражаси таснифига асосланган ҳолда, қуйидаги жадвалди берилган маълумотлар асосида тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича тупроқни номланг.

Тупроқни шўрланиш даражаси бўйича бонитировкалаш коэффиценти.
 (9-жадвал)

т/р	Шўрланиш даражаси	Бонитировка коэффиценти
1	Шўрланмаган	1,0
2	Кучсиз шўрланган	0,85
3	Ўртача шўрланган	0,60
4	Кучли шўрланган	0,40
5	Жуда кучли шўрланган	0,30

Тупроқнинг зинчлиги (жойлашиши)-энг муҳим агрофизик кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Тупроқнинг ишлаб чиқариш қоблияти, яъни ўсимликларни озиқ элементлар билан таъминлаш, тупроқнинг сув ва ҳаво режими асосан унинг зинчлиги билан боғланган. Тупроқнинг физик ва физик-механик хоссаларини айниқса зинчлигини мўтадиллаштириш борасида В.Р.Вилямс, Н.М.Тулатков, Э.Россел, М.У.Умаров, Р.Қурвонтоевлар бир қанча тажриба ишларини олиб борганлар.

Н.Е.Бекаревич, С.И.Долгова ва бошқа тадқиқотчилар, жуда кўпчилик қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши учун тупроқ хайдалма қатлам зинчлигининг оптимальлиги ва унинг тупроқ механик таркибига боғлиқлиги аниқланган. Масалан: оғир қумоқли қора тупроқнинг хайдалма қатлами зинчлиги $1,25 \text{ г}/\text{см}^3 - 1,30 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлиши маккажӯхори ва буғдой учун оптималь ҳисобланса бошқа экиш турлари учун қумлоқ тупроқлар зинчлиги $1,35 \text{ г}/\text{см}^3 - 1,60 \text{ г}/\text{см}^3$ ҳам бўлиши оптimal ҳисобланади.

Суғорилиб дехқончилик қилинадиган, пахтачилик ва сабзавот, боғдорчилик, полизчилик майдонларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, ҳар бир давр суғоришдан кейинги агротехник ишлов беришdir. Fўзанинг вегетация даврида тупроққа 3-5 марта ишлов берилади. Агар бунга далани экишга таёrlаш даврида ўтказиладиган: чуқур оғдариб ҳайдаш, чизиллаш, бороналаш, моловосишиб ишлари ҳисобга олишса, қишлоқ хўжалик техникаси битта даланинг ўзидан 8-10 марта ўтади. А.К.Кашкиров ва А.Жўраевларнинг маълумотига қараганда нам тупроқли даладан тракторнинг бир марта ўтиши натижасида тупроқнинг юқори қатлами зинчлиги $1,34 \text{ г}/\text{см}^3$ дан $1,52-1,60 \text{ г}/\text{см}^3$ ортиб кетар экан.

Тупроқ зинчлигининг ортишига таъсир кўрсатувчи омиллар суғориш сувлари ва шўр ювиш жараёнлари ҳамда ҳар йили тупроқни бир хил чуқурликда оғдариб ҳайдаш туфайли вужудга келадиган “омочпошаси” номли қаттиқ зинчлишган қатлам ўам ҳисобланади. Н.И.Зилина Мизачўл воҳасидаги суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда омоч пошпаси зинчлиги $1,66-1,72 \text{ г}/\text{см}^3$, М.У.Умаров Қарши даштида тарқалган суғориладиган тақирили тупроқларда омоч пошпаси зинчлиги $1,58-1,69 \text{ г}/\text{см}^3$ гача боришини кўрсатади. Бундай зинчликка эга бўлган омоч пошпаси кўпинча сув ва ҳаво ўтказмайди. Бунинг натижасида бу қатлам устида суғорма сувлар тўпланади, ва маданий ўсимликларнинг илдиз системасига таъсир қўрсатусиқайтарувчи жараён

вужудга келади. Бу жараён таъсирида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг камайишига сабаб бўлади.

Р.Қурвонтоевнинг (1991) такидлашича сугориладиган оғир қумоқли ва енгил созли механик таркибли тупроқнинг зинчлиги 1,2-1,3 г/см³ бўлганда капилярлик хоссаси жуда яхши бўлса, енгил ва ўрта қумлоқли тупроқларда бу қўрсаткич 1,2-1,4 г/см³, қумлоқларда эса 1,3-1,4 г/см³ ҳисобланар экан. Енгил механик таркибли тупроқларнинг оптимал зинчлиги ғўза учун 1,3-1,4 г/см³ бўлса, енгил соз тупроқларда 1,2-1,4 г/см³ ҳисобланади.

Н.А.Качинский мълумотларига қўра ўсимликларнинг илдиз тукчалари 0,01 мм дан кичик диометрли ғоваклиқдан ўта олмайди, тупроқда яшовчи микроорганизмлар 0,003 мм дан кичик ғовакликларга кира олмас экан, бу ўз ўрнида тупроқ биотасининг камбағаллашувига олиб келади.

Тупроқ зинчлигининг ортиши, ўсимлик илдизининг тарқалиш ва озиқланиш майдони камаяди, бу ўсиш ва ривожланиш секинлаштиради, ҳосилнинг камайишига олиб келади.

Тупроқнинг оптимал зинчлигини сақлаш турли чора тадбирлари яъни ерни 45-60 смда ҳайдаш, 60-100 см гача юмшатиш, маҳаллий ўғитлар миқдорини кўпайтириш, тақрорий кўкатли ўғит ўсимликлар экиш, ғўза-беда алмашлаб экишни жорий этишдир.

Суфорилиб дехқончилик қилнадиган майдонларнинг тупроқ унумдорлигини баҳолашда яъни бонитировка ишларини амалга оширишда тупроқнинг зинчлиги ҳам зарур омиллардан бири ҳисобланади.

Тупроқнинг ҳайдовости қатлами зинчлиги ва бонитировка коэффиценти

10-жадвал

Зинчланганлик даражаси	Ҳажми, оғирлик г/см ³	Бонитировка коэффицентлар	
Зинчланмаган	1,0-1,19	1,00	1,00
Кам зинчланган	1,20-1,29	0,90	0,85
Ўрта зинчланган	1,30-1,39	0,80	0,70
Кучли зинчланган	1,40-1,49	0,70	0,50
Жуда кучли зинчланган	1,50-1,65	0,60	0,40

Мухокама учун саволлар:

1. Тупроқ шўрлигининг келиб чиқишини изоҳланг.
2. Тупроқ шўрлигининг қишлоқ хўжалик экинларининг уруғи унувчанлигига таъсири
3. Қишлоқ хўжалиги экинларининг шўрга таъсирчанлигини тушунтиринг.
4. Тупроқнинг шўрланиш типи ва даражаларини изоҳланг.
5. Тупроқларнинг шўрланиш даражаси классификациясини тушунтиринг.
6. Тупроқларнинг шўрланиш даражаси бўйича бонитировкалаш коэффицентини изоҳланг.

7. Тупроқ зинчлигининг қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ривожланишига таъсирини айтинг.
8. Тупроқнинг ҳайдов ости қатлами зинчлиги ва бонитировка коэффициентини тушунтиринг.

4-Асосий савол. Суғориладиган тупроқларни глейлашган қатлам жойлашишига кўра ва рельефи бўйича баҳолаш

Тўртинчи савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга глейли ва глейлашган қатламнинг келиб чиқиши, унинг қишлоқ хўжалиги экинлари ўсиши ва ривожланишига таъсирини ҳамда рельефнинг аҳамияти, ҳарорат, намлик ва озиқ элементларининг тақсимланишида рельефнинг роли ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Тупроқ профилида глейли ва глейлашган қатламнинг келиб чиқишини билиб олади.
2. Глейли ва глейлашган қатламнинг қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши ва ривожланишига таъсирини англаб олади.
3. Глейлашган қатламнинг жойлашиши чуқурлиги ва ҳосил ўртасидаги боғланишини изоҳлай олади.
4. Рельеф ва экспозиция нима эканлигини билиб олади.
5. Ҳарорат, намлик ва озиқ элементлар тупроқда тақсимланишида рельефнинг аҳамиятини билиб олади.

Сахро ва ярим сахро тупроқларида ўсимликлар қопламининг сийраклиги, тупроққа тушадиган органик модданинг камлиги ва минерализация жараёнининг жадаллиги туфайли глейли ва глейлашган қатлам секинлик билан вужудга келади. Глейли ва глейлашган қатлам, табиатан кам чириндили, енгил механик таркибли кучли аэрицияланган тупроқларга нисбатан, оғир механик таркибли, торфли ва торфланишга мойил гидроморф тупроқлардан, аниқ ажralиб туради.

Ўзбекистонда гидроморф тупроқлар майдони суғориладиган ерлар миқдорининг 50 фоизни ташкил қиласди. Глейли ва глейлашган қатламлар структурасиз, берч, оғир механик таркибли, таркибида кўп миқдорда коллоид ва ил зарралари сақлайди, бу тупроқнинг сув-физик ва кимёвий хоссасини ёмонлаштрadi.

Н.Зухуров, Г.Г.Бикбулатова, В.Н.Ли ва бошқаларнинг маълумотига кўра сахро ва ярим сахро минтақасининг гидроморф тупроқларининг глейли қатламларида- темир оксиди, алюминий, фосфор бирикмалари миқдорининг меёрдан юқори бўлиши ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари илдизи учун зарарлидир. Республикализнинг гидроморф тупроқларининг глейли қатламларида Fe CO_3 ва $\text{Fe}(\text{HCO}_3)_2$ бирикмалари кўп учрайди.

Глейли ва глейлашган қатламларда алюминийнинг миқдори ортади. Бу глейли қатламда каолинит ($\text{K}_2\text{Al}_2\text{Si}_2\text{O}_5$)нинг тўпланиши яъни каолинитизация

жараёнининг жадаллашуви билан алоқадордир. Ундан ташқари глейланишда алюминий сақловчи иккиламчи минераллар ҳам вужудга келади. Глейли қатламда эрувчан алюминий миқдорининг ортиши, ўсимлик илдизининг қуриб қолишина асбаб бўлади. Глейли қатламларда фосфор миқдорининг ортиши, глейланиш жараёнида, унинг виваний ($3\text{ FeO} \cdot \text{P}_2\text{O}_5 \cdot 8\text{H}_2\text{O}$) шаклига ўтиб тўпланиши кузатилади. Бундан ташқари глейланиш жараёнида органик моддаларнинг кислородсиз-анаэроб шароитда парчаланиши маҳсулотлари сифатида-водород сульфид- H_2S , углерод –оксида CO_2 , метан – CH_4 , аммиак – NH_3 каби заҳарли газлар ажралиб чиқади. Бу газлар ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Маълумотларга кўра тупроқ ҳавоси таркибида водород сульфид- H_2S миқдори 10 фоизга етганда қишлоқ хўжалик ўсимликларикурийди.

Ғўза ҳосилига глейли қатлам жойлашишининг таъсирини ўрганиш мақсадида, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида тарқалган сахро минтақаси ва оч тусли бўз тупроқлар минтақасидаги гидроморф тупроқларни унумдорлиги 5-йил давомида кузатилганда қуйидаги натижаларга эришилган.

- глейли қатлам чуқурлиги 50 см дан юқорида ботқоқ тупроқларда ҳосил – 17,3 ц/га
- глейли қатлам чуқурлиги 60-80 см да ўтлоқи-ботқоқ ва ботқоқ-ўтлоқи соз тупроқ -22,4 ц/га
- глейли қатлам чуқурлиги 80-100 см да ўтлоқи алмовиал тупроқда – 24,0 ц/га
- глейли қатлам чуқурлиги 80-100 см да ўтлоқи соз тупроқда ҳосил -26,6 ц/га
- глейли қатлам чуқурлиги 110 см дан чуқур бўлган ўтлоқи-бўз тупроқларда ҳосил – 31,2 ц/га

юқоридаги маълумотлардан кўриниб трубики, яъни гидроморф тупроқларнинг унумдорлиги глейли ва глейлашган қатламнинг жойлашиш чуқурлигига боғлиқ экан. Глейли қатлам тупроқ юзасига қанча яқин жойлашса, тупроқ унумдорлиги шунча кам бўлар экан.

Суғориладиган гидроморф тупроқларда глейли қатлам чуқурлиги ва бонитировка коэффиценти

11-жадвал

Глейли қатлам чуқурлиги, см	Бонитировка коэффиценти
>110	1,00
81-110	0,95
61-80	0,85
41-60	0,70
<40	0,50

Глейли қатлам чуқурлиги ва ғўза ўртасидаги коррелецион боғланиш коэффиценти 0,67 ни ташкил қиласди. Демак гидроморф тупроқларнинг унумдорлик даражаси уларнинг бошқа хоссалари билан бир қаторда глейли қатламнинг жойлашган ўрнига ҳам боғлиқ. Шунинг учун гидроморф тупроқларни баҳолашда глейли ва глейлашганлик даражасини ҳам хисобга рлиш мақсадга мувофиқдир.

Мухокама учун саволлар:

1. Глейлашган ва глейли қатламнинг келиб чиқишини изоҳланг.
2. Глейлашган қатламнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ўсиши ва ривожланишига салбий таъсирини тушунтириб беринг.
3. Глейлашган қатлам жойлашиши чуқурлиги ва ҳосилдорлиги ўртасидаги боғланишни тушунтиринг.
4. Глейлашган қатлам чуқурлиги ва бонитровка коэффициентини тушунтиринг.
5. Рельефни изоҳлаб беринг.
6. Экспозицияни изоҳлаб беринг.
7. Рельефнинг тупроқ юзаси ва профили бўйлаб намликнинг тақсимланишидаги аҳамияти
8. Рельеф ва экспозиция бўйича бонитировка коэффициентини изоҳланг.
9. Рельеф ва экспозиция билан ғўза ҳосилдорлиги ўртасидаги боғланишни изоҳланг.

5-Асосий савол. Тупроқ унумдорлигини гумус, фосфор ва калий захираси бўйича баҳолаш

Бешинчи савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга тупроқдаги, гумус, азот, фосфор ва калий хақида маълумот бериш, уларнинг запасини ҳисоблаш, тупроқларнинг озиқ элементлари билан таъминланиш градациясини ва у бўйича бонитировка коэффициентини тушунтириб беради.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Тупроқдаги озиқ элементлар захирасини ҳисоблашни билиб олади.
2. Тупроқдаги озиқ элементлар миқдори ва бонитировка коэффициентини изоҳлай олади.
3. Тупроқнинг қатламидаги озиқ элементлар миқдорига кўра таъминланганлик даражасини билиб олади.

Тупроқ таркибидаги озиқ элементларнинг захирасини ҳисоблаш учун аввало шу тупроқнинг ҳажм оғирлини билиш лозим.

Ҳажм оғирлик. Ҳар доим, тупроқнинг қаттиқ заррачалари орасида бўшлиқ бўлади, шунинг учун тупроқнинг ҳажм оғирлиги шу тупроқнинг қаттиқ фазаси оғирлигига нисбатан киччик бўлади. Тупроқнинг ҳажм- оғирлигитабии ҳолати бузилмаган қуруқ- тупроқнинг $1 \text{ г}/\text{см}^3$ ги оғирлигига айтилади. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги, унинг зинчлигига, ҳамда солиштирма оғирлигига боғлиқ бўлади, юқори қатламларда бир мунча киччик бўлади чунки бу қатламлар ғовак бўлади, қуийи қатламга қараб ҳажм оғирлик ортиб боради. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги, шу тупроқдаги гумус миқдорига ҳам боғлиқ бўлади. Гумусга бой тупроқларда ҳажм оғирлик $1,1 \text{ г}/\text{см}^3$ дан $1,3 \text{ г}/\text{см}^3$ гача бўлса, торфли тупроқларда $0,65-0,80 \text{ г}/\text{см}^3$ гача камаяди. Гумусга бир мунча камбағал тупроқларнинг юқори қатламларида, унинг зичланиш миқдорига боғлиқ ҳолда ҳажм оғирлик $1,3-1,6 \text{ г}/\text{см}^3$ ёки ўртача $1,40-1,45 \text{ г}/\text{см}^3$ га teng

бўлади. Тупроқнинг қуи қатламларида 1,40-1,70 дан кучли зинчланишган тупроқларда 1,70 -1,90 г/см³гача бўлади.

Умуман олагнда тупроқнинг ҳажм оғирлиги, зинчланиш даражаси ва гумус ҳолатига боғлиқ ҳолда 0,80 дан 1,80 г/см³ оралиғида бўлади.

Тупроқнинг ҳажм оғир бўлгач, маълум ҳажм бирликдаги тупроқда мавжуд бўлган, сув, гумус ва бошқа озиқ моддаларнинг, шу қуруқ тупроққа нисбатан процент миқдорини аниқлаш мумкин.

Тупроқдаги, сув, гумус, азот, фосфор, калий ва бошқа озиқ элементлар миқдори қуидаги формула билан ҳисоблаб топилади.

$$Z = n \cdot X_O \cdot a.$$

Бу ерда: Z – озиқ элементнинг захира миқдори,

n – тупроқ қоплами қалинлиги см, да

X_O – тупроқнинг ҳажм оғирлиги

a- изланаёган озиқ элементн миқдори.

Изоҳ: озиқ элемент миқдори фоиза берилса захира т/га да, агар мг/кг ифодаланса кг/га да ҳисобланади. Масалан: тупроқнинг 1м қалинликдаги ҳажм оғирлиги ўртacha 1,40 г/см³ ва ундаги намлик ўртacha 8 % деб олинганда, тупроқнинг бир метр қатламидаги сув миқдори қуидагича ҳисобланади.

$$(1,40 \cdot 10,000 \text{ м}^2) : 100x 8 = 1120 \text{ т/га}$$

ёки

тупроқнинг 37 см қалинлигидаги яъни ҳайдалма қатламдаги гумус миқдори 1,23 х , ва шу қатламнинг ҳажм оғирлиги 1,33 г/см³ бўлса, унда 1 гектар ҳайдалма қатламдаги гумус миқдори қанча бўлади.

Юқоридаги формулага асосан $Z = n \cdot X_O \cdot a.$

$$Z=37 \cdot 1,33 \cdot 1,23=60,52 \text{ т/га}$$

Демак бир гектарнинг 37 см қалинликдаги ҳайдалма қатламидаги гумус миқори 60,52 тонна экан.

Куидаги тупроқлардаги озиқ элементлар захирасини ҳисобланг.

12-жадвал

Неоген қумлиги, эмовциал ётқизиқли, енгил қумоқли сур-қашніғир тупроқ

Т.Т P/P	Қатлам қалинлиг и см да	ХО г/см ³	Гуму с % да	Азо т % да	Фосфор		Калий	
					Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг	Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг
1	0-7	1,35	0,47	0,03 7	0,069	20,3	1,70	170,5
	15-25	1,30	0,32	0,03 0	0,068	15,4	2,05	415,5
	50-60	1,42	0,14	0,00 9	0,025	10,2	0,41	33,3

2. Чўл минтақасининг қум тупроқлари								
Т.Т P/P	Қатлам қалинлиг и см да	ХО г/см ³	Гуму с % да	Азо т % да	Фосфор		Калий	
					Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг	Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг
0-7	1,44	0,24	0,02 2	0,10	26,0	1,9	163,9	
	10-20	1,47	0,36	0,02 7	0,09	10,4	1,9	241,9
	30-40	1,45	0,25	0,02 3	0,08	7,2	1,7	96,4

3. Чўл минтақасининг тақр тупроқлари								
Т.Т P/P	Қатлам қалинлиг и см да	ХО г/см ³	Гуму с % да	Азо т % да	Фосфор		Калий	
					Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг	Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг
0-6	1,38	0,99	0,08 0	0,120	22,0	2,32	204,0	
	6-14	1,43	0,52	0,04 9	0,121	10,1	2,39	204,0
	14-23	1,47	0,47	0,04 8	0,101	7,3	2,18	169,0
	23-53	1,34	0,35	0,04 5	0,100	3,1	2,29	144,0

4. оч тусли бўз тупроқ. Текис баҳорикор								
Т.Т P/P	Қатлам қалинлиг и см да	ХО г/см ³	Гуму с % да	Азо т % да	Фосфор		Калий	
					Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг	Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг
	0-5		3,77	0,25 6	0,138	36,0	2,22	353,3
	6-16		1,22	0,09 2	0,132	10,4	2,26	385,6
	20-30		0,60	0,06 2	0,138	4,8	2,31	403,6
	45-55		0,45	0,04 5	0,133	4,6	2,26	353,3

5. Типик бўз тупроқ Мирзачўл текислиги, баҳорикор ер								
Т.Т P/P	Қатлам қалинлиг и см да	ХО г/см ³	Гуму с % да	Азо т % да	Фосфор		Калий	
					Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг	Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг
0-4		1,42	0,10 3	0,233	117,6	2,41	723,0	
	4-18	0,80	0,06 5	0,222	22,8	2,57	565,0	
	18-37	0,46	0,03 8	0,187	7,2	2,57	537,0	

	37-55		0,37	0,03 2	0,183	6,8	2,52	442,9
6. Тўқ тусли бўз тупроқ. Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғи								
T.T P/P	Қатлам қалинлиг и см да	ХО г/см ³	Гуму с % да	Азо т % да	Фосфор	Калий		
					Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг	Умуми й %	Ҳаракатча нг м г/кг
	0-5		3,98	0,25 0	0,160	21,6	2,25	432,0
	5-22		2,01	0,13 2	0,165	10,8	2,25	415,5
	22-43		1,07	0,07 6	0,159	4,1	2,05	407,9
	43-95		0,61	0,05 1	0,123	3,3	2,00	205,8

Саҳро ва ярим саҳро минтақасидаги тупроқларда гумус миқдори унчалик қўп бўлмаса ҳам, лекин тупроқнинг хосил бўлишида ва унинг унумдорлигига жуда катта аҳамиятга эга. Ер шарининг турли табиий иқлим минтақаларида гумус қатлам қалинлиги 0,1- дан 2,0 м гача етади.

Ўзбекистон Республикасининг суғориладиган майдонларида гумус миқдори жуда кам. Лекин шунга қарамасдан гумуснинг 0-50 см қатламдаги миқдори қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун тупроқ бонитировкасида бошқа кўрсаткичлар сингари маҳсус коэффицентлар орқали қўлланилади.

Гумуснинг 0-50 см қатламдаги миқдори ва бонитировкалаш коэффицентлари

13-жадвал

Гумус миқдори (захираси) т/га	Бонитировка коэффиценти
<85	0,75
85-105	0,85
106-125	0,95
>125	1,00

Гумуснинг ҳайдов қатламидаги миқдори ва бонитировкалаш коэффицентлари

14- жадвал

Гумуснинг миқдори % да	Бонитировка коэффиценти
<1,00	0.7
1,1-2,0	0.80
2,1-3,0	0.90
>3.0	1.00

Тупроқнинг фойдали унумдорлиги, ундаги озиқ элементларнинг миқдори ва сифатига боғлиқ. Республикализнинг суғориладиган майдонларидағи тупроқларимизда озиқ элементлар миқдори жуда кам. Бу майдонлардаги қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилнинг асосий манбани суғориш билан бир вақтда минерал озиқлаштириш ҳисобига амалга оширилмоқда.

Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишда ҳар бир озиқ элементнинг функционал аҳамияти кам ўрганилган. Бизга маълумки азот трик хужайрадаги оқсил молекуласининг таркибиға киради. Тупроқда азот етишмаса ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши сезиларли даражада секинлашади. Тупроқдаги азот захираси асосан ундаги органик модда миқдорига ва атмосферадаги эркин азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар фаоллигига боғлиқ. Саҳро ва ярим саҳро минтақасидаги тупроқларда гумус миқдори кам шунга мөфиқ равиша бу тупроқларда азот миқдори ҳам бирмунча кам.

Суғориладиган тупроқларнинг унумдорлиги ва улардан олинадиган ҳосил ундаги азот миқдорига боғлиқ.

Азотнинг 0-50 см қатламдаги миқдори ва бонитировкалаш коэффиценти

15-жадвал

Таъминланганлик даражаси	0-50 см қатламдаги азот миқдори кг/га	Бонитировкалаш коэффиценти
Жуда паст	<.100	0.75
Паст	101-200	0.80
Ўртача	201-300	0.90
Юқори	301-400	0.95
Жуда юқори	>400	1.00

Фосфор хужайранинг муҳим таркибий қисми бўлган ядрода ҳамда протоплазмадаги оқсил таркибиға киради. Фосфор трик организмларнинг энергия алмашинувда муҳим рол ўйнайди, фосфор ўсимликларда илдиз системасининг тез ривожланишида, айниқса ҳосилнинг тўпланишида ва тез етилишида катта аҳамиятга эга. Суғориладиган дехқончилик қилинадиган майдонлардаги тупроқларда умумий фосфор миқдори 0.1-0.3 фоизни ташкил қиласи. Тупроқдаги фосфорнинг асосий қисми ишқорий ер элементлари, ҳамда темир алюминий фосфорли таркибида бўлиб эрувчан фосфор миқдори жуда кам. Шунинг учун ҳам суғориладиган майдонлардаги қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилда фосфор минерал ўғитлар катта аҳамият касб этади.

Фосфорнинг 0-50 см қатламдаги миқдори ва бонитировкалаш коэффиценти

16-жадвал

Таъминланганлик даражаси	0-50 см қатламдаги фосфор миқдори кг/га	Бонитировкалаш коэффиценти
Жуда паст	<100	0.70
Паст	101-200	0.80
Ўрта	201-300	0.90
Юқори	301-400	0.95
Жуда юрокри	> 400	1.00

Калий элементи ўсимликларнинг дастлабки фазиларида ўсишини тезлаштради. Калий ўсимлик органларида минерал шаклда бўлади. Калийнинг етарли бўлиши ўсимликларнинг турли касалликларга ва совуқقا чидамлилигини оширади. Ҳамда тупроқдаги калий миқдори етарли бўлганди, ўсимликларнинг тупроқдаги азотни ўзлаштириб олиши яхшиланади ва ўсимлик органларида азотли органик моддаларнинг тўпланиши яхшиланади. Тупроқдаги калийнинг асосий манбайи бу тупроқ ҳосил қилувчи она жинсдир. Бўз тупроқлар минтақасидаги лёс ва лёссимон қумлоқ, ҳамда алмовиал ва промовиал ётқизиқлардан ҳосил бўлган тупроқларда калий миқдори бошқа тупроқларга нисбатан бир мунча юқори, чунки бу ётқизиқлар таркибида калий сакловчи минераллар кўп бўлади. Ўзбекистоннинг суғориладиган майдон тупроқларида умумий калий миқдори 1-3 фоизни ташкил этади.

Калийнинг 0-50 см қатламдаги калий миқдори ва бонитировкалаш коэффиценти

17-жадвал

Таъминланганлик даражаси	0-50 см қатламдаги калий миқдори кг/га	Бонитировкалаш коэффиценти
Жуда паст	< 700	0.80
Паст	701-1400	0.85
Ўрта	1401-2100	0.90
Юқори	2101-2800	0.95
Жуда юқори	> 2800	1.00

Р.Қ.Қўзиев ва бошқалар гумус ва бошқа озиқ элементлар миқдорига қараб бонитировкалаш коэффицентини ишлашда, асосан тупроқнинг ҳайдов қатламидаги миқдорини мезон қилиб олган ва қуйидагича коэффицентларни ишлаган.

Гумуснинг ҳайдов қатламидаги миқдори ва бонитировкалаш коэффиценти

18-жадвал

Гумус миқдори %	Коэффицент
<1.0	0.70
1.1-2.0	0.80
2.1-3.0	0.90
>3.0	1.00

Фосфор билан таъминланганлик даражаси

19-жадвал

Таъминланганлик даражаси	Ҳаракатчанг P ₂ O ₅ мг/кг
Жуда паст	0-15
Паст	16-30
Ўртача	31-45
Юқори	46-60
Жуда юқори	>60

Калий билан таъминланганлик даражаси

20-жадвал

Таъминланганлик даражаси	Харакатчанг К ₂ О мг/кг
Жуда паст	>100
Паст	101-200
Ўртча	201-300
Юқори	301-400
Жуда юқори	>401

Хозирги кунда суғориладиган майдонларнинг тупроқларини бонитировкалаш ишларида, тупроқдаги ҳаракатчанг фосфор, калий ва азот миқдорлари бўйича ишлашган тузатиш коэффицентларидан унчалик фойдаланилмайди, чунки бу азот элементлар миқдори ўзгарувчиdir.

Муҳокама учун саволлар:

1. Тупроқнинг хажм оғирлиги нима ва у қандай топилишини изоҳланг.
2. Тупроқдаги озиқ элементлар захирасини ҳисоблаш формуласини тушунтиринг.
3. Тупроқдаги фосфор захирасини ҳисоблаб беринг.
4. Тупроқнинг 1-50 см қатламидаги гумус миқдори қандай ҳисоблайсиз.
5. Гумус миқдори бўйича бонитировка коэффициентини тушунтиринг.
6. Тупроқнинг 0-50 см қатламдаги азот, фосфор, ва калий захирасини ҳисобланг.
7. Тупроқдаги азот ва фосфор, калий миқдори бўйича бонитировка коэффициентини тушунтиринг.
8. Тупроқнинг 0-50 см қатламдаги гумус захираси ва унинг таъминланиш градациясини ҳисобланг.
9. Тупроқнинг 0-50 см даги фосфор миқдори ва таъминланиш градациясини изоҳланг.
10. Тупроқнинг 0-50 см даги калий миқдори ва таъминланиш градацияси.

3-Мавзу: Лалмикор тупроқлар, уларни баҳолаш базавий шкаласи ва бонитировка коэффициенти

Технологик харита

№	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи, вакт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарснинг мақсади: Лалмикор тупроқлар, уларни баҳолашнинг базавий шкаласи ва бонитировкалаш коэффициентлари ҳақида талабаларга маълумот бериш.</p> <p>1.2 Идентив ўқув мақсадлари:</p>	Ўқитувчи

	<p>1.2.1 Лалмикор дәхқончилик ишлари олиб бориладиган майдонларни билиб олади.</p> <p>1.2.2 Лалмикор дәхқончилик олиб бориладиган тупроқларни бонитировкалаш базавий шкаласининг тузулишини изоҳлайди.</p> <p>1.2.3 Лалмикор тупроқларни бонитировкалашда ишлатиладиган коэффициентларни билиб олади.</p> <p>1.3 Лалмикор тупроқларни бонитировкалашни такомиллаштиришнинг илмий асослари.</p> <p>1.4 Асосий тушунча ва иборалар: лалмикор дәхқончилик, ёғингарчилик, денгиз сатхи, тупроқ эрозияси, А-қатlam, A+B қатlam қалинлиги, шағаллик.</p> <p>1.5 Дарс шакли: гуруҳ ва минигурухларда</p> <p>1.6 Фойдаланиладиган усул: сұхбат, маъруза тушунтириш, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.7 Керакли жиҳоз ва воситалар: хариталар, видеопроектор, видеофильмлар</p>	
2	<p>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи.</p> <p>2.1 Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2 Маъруза бошланади, асосий қисмлар, дарс мақсадлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи 15 мин.
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи.</p> <p>3.1 Талабаларга муаммоли саволлар берилади.</p> <p>3.2 Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3 Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4 Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи – талабалар 40 мин.
4	<p>Мустаҳкамлаш босқичи.</p> <p>4.1 Берилган маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилганлигини аниқлаш учун саволлар.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Лалмикор дәхқончилик ишлари олиб бориладиган худудлар. - Арид ва сугумид иқлимли миңтақалар - Бонитировкалашда ишлатиладиган тузатиш коэффициентлари ва уларни қўллаш. <p>4.2 Фаол талабалар баҳоланади.</p>	Ўқитувчи – талабалар 15 мин.

Асосий саволлар:

1. Лалмикор тупроқлар ва уларнинг тарқалиши
2. Лалмикор ерларни баҳолашнинг базавий шкаласи
3. Лалмикор ерларни баҳолашда ишлатиладиган бонитировка коэффициенти

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: баҳорикор, лалмикор, негизли шкала, ювилиш, рельеф, экспозиция, она жинс, скелетлик, сифат, нам сифими, эрозия, гипсли, қүёшли томон.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Баҳорикор ерларни баҳолашнинг негизли шкаласини такомиллаштириш лозимми ёки қандай омилни олиш керак деб ҳисоблайсиз?
2. Баҳорикор ерларни баҳолашда яна қандай бонитировка коэффициентларини ишлатиш лозим ёки коэффициентнинг оптималь варианти қайси бири деб ҳисоблайсиз?

1-Асосий савол. Лалмикор тупроқлар ва уларнинг тарқалиши

Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга лалмикор тупроқлар, уларни баҳолашнинг базавий шкаласи ва бонитировка коэффициентлари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Лалмикор дехқончиликни билиб олади.
2. Лалмикор тупроқларнинг тарқалиши чегараларини изоҳлай олади.

Лалмикор ерларда донли ва дуккакли донли экинлардан ҳосил олиш яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришнинг асосий негизи бу атмосферадан тушадиган ёғингарчилик ҳисобланади. Шу туфайли лалмикор дехқончилик тупроқ иқлим шароитига боғлиқдир ва лалмикор дехқончилик ишлари олиб бориладиган майдонлар маълум тупроқ иқлим минтақасидагина тарқалган бўлади.

Ўзбекистон Республикасида баҳорги жинслар асосан Ўрта Осиё тизма тоғларининг унча баланд бўлмаган тоғ ён бағрларида жигарранг тупроқли қопламда, тоғ бети ва тоғ олди текисликларида жойлашган бўз тупроқлар қоплами ераларида олиб борилади. Лалмикор дехқончилик ишлари олиб бориладиган ерларнинг қуи чегараси, атмосферадан тушадиган нам миқдори кам, лекин тупроқ юзасидан намликтини буғланиши катта бўлган саҳро минтақасининг буғланиши катта бўлган саҳро минтақаси билан чегарадош бўлса, юқори чегарасида қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплаши учун зарур бўлган ҳарорат омилининг камлиги билан чегараланади.

Лалмикор ерлар, географик жойлашиши, тупроқ иқлим шароити, экспозицияси ва баландлик бўйлаб жойлашишига қўра унинг қуи чегараси денгиз сатҳидан 270 метрдан 400 метргача ва юқори чегараси 1500 метрдан 2000 метр баландликкача бўлган жойларни эгаллайди.

Лалмикор дехқончилик ерлар Тупроқ провинциясининг арид иқлими бўз тупроқлар минтақасижа ва субгумид иқлими жигарранг тупроқлари мминтақасида жойлашган.

Арид иқлим бўз тупроқлар минтақаси, тоғ олди ва тоғ ости паст текисликлар, аридлар ва тоғ этакларида тарқалган бўлиб, атмосферадан тушадиган ёғингарчиликнинг йиллик миқдори 206-545 ммдир. Ёғингарчилик даври октябр – ноябр ойларидан бошланиб, март апрел ойларида максимумга

етади ва май ойидан бошлаб тўхтайди. Ёзги мавсум қуруқ ва иссиқ бўлиб, ҳаво ҳарорати июл ойида +27, +30 С га етади, июл ва август ойларида ҳарорат ҳам юқоридан кам фарқланади.

Иқлимининг қуруқлиги ва ҳароартнинг юқори бўлиши тупроқдан сувнинг буғланишига олиб келади. Бу жараён иссиқ ойларда кучаяди, сув юзасидан сувнинг буғланиши бир йилда 1400 дан 2000 ммгача етади. Бу атмосферадан тушадиган ёғингарчиликка нисбатан 5-7 марта кўпдир.

Субгумид иқлимли унча баланд бўлмаган тоғ ён бағрларида атмосферадан тушадиган ёғингарчилик миқдори 600-1000 мм ўртacha ойлик ҳарорат +20, +24 С ни ташкил қиласди, июл ойи ҳарорати арид минтақадагина нисбатан бир мунча паст бўлиб, +15, +28 С га етади. Атмосферадан тушадиган ёғингарчилик миқдори, мавсумлар бўйича деярли бир ҳил бўлиб, асосий миқдори куз-қиши-баҳор ойларида кўпроқ, ёз ойларида бир мунча камаяди, лекин тупроқнинг қути қатламларида намнинг сақланиши яхши бўлади.

Баҳорикор экинлар эқиладиган бўз тупроқлар камари, қутидан юқорига қараб, яъни тупроқларни баландлик бўйлаб тарқалиши қонуниятига асосан оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз тупроқ типчаларига бўлинади. Бу тупроқ типчаларининг бир биридан асосий фарқи гумус миқдорининг бир ҳил бўлмаслиги. ю карбонатли бирикмаларнинг қутича ювилиб тусли чегараси ва генетик қатламларнинг қалинлигидир. Бу кўрсаткичлар оч тусли бўз тупроқдан тўқ туслига қараб ортиб боради.

Лалмикор дехқончилик ишлари олиб борадиган жигарранг тупроқ бўз тупроқлардан гумус миқдорининг кўплиги, донадорлиги ва карбонатли бирикмаларнинг бирмунча чуқурга ювилиб тушганлиги ва чанг заррачаларининг камлиги билан фарқ қиласди.

Республикамиздаги лалмикор дехқончилик яъни бошоқли дон экинлари экилидаган ерларимиз, тупроқ иқлим шароити бўйича бешта округ ва тўртта районга бўлинади.

Лалмикор ерлар тупроқларининг тупроқ иқлими бўйича округ ва районларга бўлиниши.

21-жадвал

№	Оқруг	Район	Тупоқ тип ва типчалари
1	Қизилкум	1) Зарбдор-Зомин	1. Оч тусли бўз тупроқ 2. Типик бўз тупроқ
		2) Фориш-Нурота	1. Тўқ тусли бўз тупроқ 2. Жигарранг тупроқ
2	Зарафшон	1) Санѓзор-Фаллаорол	1. Типик бўз тупроқ 2. Тўқ тусли бўз тупроқ 3. Жигарранг тупроқ
		2) Жом	1. Типик бўз тупроқ
3	Қашқадарё	-	1. Оч тусли бўз тупроқ 2. Типик бўз тупроқ 3. Тўқ тусли бўз тупроқ

			4. Жигарранг тупроқ
4	Сурхондарё	-	1. Типик бўз тупроқ 2. Тўқ тусли бўз тупроқ
5	Чирчиқ-Оҳангорон	-	1. Типик бўз тупроқ 2. Тўқ тусли бўз тупроқ

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, лалмикор ерлар асосан бўз тупроқлар камарининг оч тусли типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар қопламларида ва қисман жигарранг тупроқ қопламларидан иборат экан.

Муҳокама учун саволлар:

1. Лалмикор дехқончилик деб қандай дехқончиликка айтилади?
2. Лалмикор дехқончилик ишларидаги асосий омилларни изоҳланг.
3. Лалмикор тупроқларнинг тарқалиш чегарасини изоҳланг.
4. Лалмикор ерлар тупроқ иқлими бўйича қандай минтақачага бўлинишини изоҳланг.
5. Лалмикор ерларнинг округ ва районларини таърифланг.
6. Лалмикор ерларнинг тупроқларини таърифланг.

2- Асосий савол. Лалмикор ерларни баҳолашнинг базавий шкаласи

Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга лалмикор ерларни баҳолашнинг базавий шкаласи, унинг тузулиши ва негизи асосида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсади:

1. Лалмикор ерларни баҳолашнинг базавий шкаласини билиб олади.
2. Лалмикор ерларни баҳолашнинг базавий шкаласидан фойдалана олади.

Ўзбекистонда лалмикор ерлар минтақаси майдони денгиз сатҳидан 270-400 метрдан, 1500-2000 метр баландликкача бўлган тоғолди текисликларда адиrlарда, паст тоғларда тарқалган.

Жанубий вилоятлардан Сурхондарё ва Қашқадарёда 1700-1800 м нисбий баландликка кўтарилади.

Баҳорикор ерларнинг бундай кенг тарқалишига сабаб энг аввало ёғин сочин миқдори ва ҳаво ҳарорати рельефининг характеристи ҳисобланади.

Лалмикор майдонларда йиллик ёғин миқдори арид минтақада 206 (Нурота) ва 545 мм (Китоб)ни ташкил қиласа, субгумид минтақада 359 мм (Кулсой) ва 995 мм (Чимён) ни ташкил қиласи. Умуман олганда йиллик ёғингарчилик миқдори 250-700 ммга тўғри келади. Бу миқдорнинг кўп қисми (70-80%) қиши баҳор ойларига яъни январ ойида (32 мм Нурота, 76 мм Китоб) апрель (37 мм Нурота жами январ апрел 137 мм, Китоб 91 мм, жами январ апрел 334 мм)га тўғри келади. Май ойига келиб бу ерларда ёғингарчилик миқдори 16-51 мм камаяди, ёз ойларида яъни июн август ойларида лалмикор майдонларда 0-4 мм га тўғри келади.

Лалмикор дехқончилик олиб бориладиган майдонларда ҳосил тақдирининг асосий қисмини тупроқнинг сув тартиботи белгилайди. Бунда

ернинг йил давомидаги ҳатто фасл давомидаги тақсимоти катта амалий аҳамиятга эга.

Буҳорикор ерларда тупроқ қатлами 70-120 см ни ташкил қиласи. Тоғли кия текисликларда 70 см гача бўлса, паст тоғларда 120 смгача етади.

Тупроқларниң нам захирасининг энг кўп миқдори март ойига тўғри келади. Апрелнинг иккинчи ярмидан тупроқ қопламидаги ўсимлик олиши мумкин бўлган намлик миқдори кескин камаяди, май ойига бориб 20-40 смли қатламда намликтининг бу тури батамом йўқолади.

Июль ойида тупроқнинг асосий қатламида ўсимлик учун фойдали нам батамом тугайди, яъни сарфланиб бўлади. Шу боис донли экинларни ҳосил тақдирини апрел май ойидаги ёғинлар ҳал қиласи. Бу вақтда донли экинлар сут пишиши даврига кирган бўлиб, намга талабчан бўлади.

Лалмикор дехқончилик майдонларининг уларга тушаётган йиллик ёғин миқдорига қараб А.Розанов ва А. Роде қуйидагича тақсимлаган.

1. Таъминланган ерлар – 500 мм дан кўп
2. Ярим таъминланган ерлар – 300-500 мм
3. Таъминланмаган – 300 мм дан кам.

Ушбу тақсимотга кўра Ўзбекистон худудида тарқалган оч жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлар ёғингарчилик миқдори бўйича таъминланган типик бўз тупроқ таъминланган худудларга киради.

Тупроқлардаги нам захиралари ва тупроқ типларига кўра лалмикор ерлар учун негизли шкала қуйидагича тузилади. (Р. Кўзиев)

22-жадвал

Лалмикор ерлар учун негизли шкала

№	Тупроқларниң генетик грухлари	Бонитет баллари
1	Оч жигарранг	100
2	Тўқ тусли	85
3	Типик бўз	70
4	Оч тусли	50

Генетик грухлар ичидаги айrim хоссаларниң фарқи оналик жинслар ўртасидаги ва геокимёвий оқимлар орасидаги фарқлардан келиб чиқади. Шунинг учун лалмикор ерларниң ишлаб чиқариш қобилиятини баҳолашда тупроқнинг асосий ҳусусиятлари ва агрономик мим хоссаларини олиш мақсадга мувофиқ.

Лалмикор ерлар тупроқларини бонитировкалашда ишлатиладиган коэффициентлар

Лалмикор ерлар учун бонитировка коэффициентлари ҳам суғориладиган ерлар каби ҳосил билан тупроқ хоссаси ўртасида корреляцияланувчи катталиклар асосида ишлатилади. Маълумотларга кўра лалмикор ерларниң механик таркиби эрозияланганлик ва скелетлилик даражаси, скелетли қатлам чуқурлиги ҳосил билан корреляцияланади.

Маданий ўсимликларниң баҳорикор ерларда ва суғориладиган майдонларда ўсиши ривожланиши ва озиқ моддалар билан таъминланишида

тупроқнинг механик таркиби ҳар ҳил таъсир кўрсатади. Суформа дехқончиликда тупроқнинг нам сифими, сув ушлаш қобилияти каби физик хоссаларининг аҳамияти лалмикор ерлардагига нисбатан кам бўлади. Тупроқнинг нам сифими, унинг сув ушлаш қобилияти ўсимликларнинг вегетация даври давомида сув билан узлуксиз таъминланишида катта рол ўйнайди.

Буҳорикор ерларда ўсимликтни нам билан доимий равишда таъминлаб туришда асосий омиллардан бири механик таркибга боғлиқ.

Оғир механик таркибли тупроқларнинг нам сифими нисбатан юқори бўлади, ўсимликлари енгил тупроқларга нисбатан кўпроқ давомида сув билан таъминлайди. Шу боис бундай тупроқларнинг унумдорлиги лалмикор шароитда юқори бўлади.

Лалмикор ерларни баҳолашда тупроқнинг оналик жинслари ҳам эътиборга олинади. Оналик жинс ва тупроқ механик таркибини баҳолаш қўйидагича олинади.

23-жадвал

Тупроқларнинг механик таркиби ва оналик жинсига кўра пасайтирувчи коэффициентлар

№	Тупроқ ҳосил қилувчи жинслар	Тупроқнинг механик таркиби				
		Типи	Оғир	Ўрта қумоқ	Енгил қумоқ	кумоқли
1	Лёсслар ва лёссимон жинслар	1.0	1.0	0.9	0.8	-
2	Чақиқ тошли, қумоқли, пролюваиал ва элювиал жинслар	0.8	0.8	0.8	0.7	-

Келтирилган маълумотлардан куриниб турибдики, лёс ва лёссимон жинслар устида х.«сил бўлган тупроқлар нисбатан юк.ори баҳ.оланади, яъни уларни баҳрлашда кулланиладиган ко-эффициентлар бу кўрсаткичга кўра, 0,8-1,0 атрофига бўлади.

24-жадвал

Тупроқни механик таркиби ва оналик жинсига кўра пасайтирувчи коэффициентлар

№	Тупроқни ҳосил қилувчи жинслар	Тупроқни механик таркиби				
		Гили	Оир	Ўрта қумоқ,	Енгил Нумок.	Кумлокли
1	Лёсслар ва лёссимон жинслар	1,0	1,0	0,9	0,8	-
2	Чақиқ, тошли, қумснуш,	0,8	0,8	0,85	0,7	0,60

Маълумки, лалмикор ерлар тоголди текисликлари, адирларда жойлашган. Демак, тупроқлар хар хил к.ия текисликларда, баландликларда ҳосил бўлган. Шу боис бу майдонда эрозия жараёни яхши намоён бўлади.

М. Панков, Б. Гуссакларнинг фикрига кўра, лалмикор ерларда эрозиянинг ривожланиш сабабларидан бири бу тупроқни сув томонидан ювилишга бўлган каршилигининг пастлигидир. Бу фикрни тула тукис, яъни бутунлай тўғри деб қабул қилиш қийин, сабаб тупроқни сув томонидан ювишга бўлган қаршилиги мантиқ. жихатдан узгармас катталик булиб, у тупроқ хоссаларидан келиб чиққади.

Ювилиш ва ювилмаслик масалаларига келсак, бунда сув микдори, тезлиги, ернинг киялик даражаси, тупроқнинг ўсимлик билан к.опланганлиги ва бошқалар тупроқдан ташқаридаги омиллар хисобланади. Бу омиллар ва шу кабилар таъсирида тупроқлар турли даражада ювилади. Бу жараёнда юзадан окадиган оким таъсирида ҳайдаладиган ер майдонидан ташқарига энг аввало ил зарралари, гумус, озиқа элементлари ва бошк.алар катта микдорда олиб чик.иб кетилади, натижада тупроқ унумдорлиги пасаяди. Шунинг учун лалмикор ерларни баҳолашда, албатта, тупроқларни эрозияга учраганлик даражаси эътиборга олиниши керак.

Тупроқларни эрозияланганлик даражаси гумус қатлами қалинлиги (A+B) ёки максимал микдордаги қатлами чукурлигига караб дала шароитида аникланади. Уни диагностик белгиларини куйидагича тавсифлаш мумкин.

Эрозияланган ерларни ташхис белгилари

25-жадвал

№	Ювилганлик даражаси	Диагностик белгилари	
		A+B қатлам қалинлиги, см.	B2 қатлам чукурлиги, СМ.
1	Ювилмаган	>70	>21
2	Кучсиз ювилган	50-70	21-31
3	Уртacha ювилган	30-50	31-51
4	Кучли ювилган	<30	<31
5	Ювилма жинслар түппами	>75	>75

Келтирилган ташхис белгиларига асосланган холда бонитировка коэффициентлари ишланган булиб, М. Якутилов бўйича қуйидагича тасвирланади.

26-жадвал

Ювилганлик даражасига кўра бонитировкалаш коэффициентлари.

№	Ювилганлик даражаси	Бонитировкалаш коэффициентлари	
		Лёсслар, лёссли жинслар	Пролювиал ва делювиал жинслар
1	Ювилмаган	1,00	1,00
2	Кучсиз ювилган	0,95	0,95
3	Уртacha ювилган	0,90	0,95
4	Кучли ювилган	0,70	0,75
5	Ювилма жинслар туплами	1,00	0,95

Пролювиал ва делювиал ётк.изиклар устида ҳосил бўлган тупроқлар ҳар хил микдор ва улчамлардаги тошлар, шагаллар, кум, қумтош булак ва булакчаларига бой бўлади.

Хозирги вақтда пасайтирувчи коэффициентлар тарик.асида куйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия этилади.

Тупроқтаркибидаги тош ва шагалларни бирлаштириб скелет, яъни тупроқ скелета дейилади. Скелет микдори тупроқни устки қатламларида кўп бўлса, уругни униб чиқишига салбий таъсир кўрсатади. Скелет қўшилмалар тупроқни тез исишига ва шу боис тез қуришига сабаб бўлади. Бевосита тошга тегиб турган ўсимлик ёз вақтларида куйиб колиб, қуришгача боради.

27-жадвал

Тупроқ ювилганлик даражасига кўра пасайтирувчи коэффициентлар

№	Ювилганлик даражаси	Коэффициентлар
1	Ювилмаган	1,0
2	Кучсиз ювилган	0,9
3	Уртacha ювилган	0,8
4	Кучли ювилган	0,7
5	Ювилма жинслар туплами	1,0

Тупроқ қатламидаги скелет микдори ўсимликни илдиз тизимини ривожига салбий таъсир кўрсатади, озика элементларни микдорини камайишига сабаб бўлади.

Скелетли тупроқларда сув ўтказувчанлик нисбатан юкори бўлиб, сув ушлаш, яъни сув сақлаб туриш қрбилияти паст бўлади.

И. Алиева маълумотларига кўра, тула дала нам сифими кучли даражада скелетли тупроқларда 16-20 %, урта ва кучсизларида эса 22-28 % бўлади, кряли жинслар устида ҳосил бўлган тупроқларда 36-38 % ни ташкил қиласди.

Юқоридагилардан келиб чикиб тупроқнинг скелетлилик даражасига кўра коэффициентларини кўрадиган бўлсак, улар куйидаги чегараларда жойлашади.

28-жадвал

Тупроқнинг скелетлилик даражасига кўра бонитировка коэффициентининг ўзгарши

№	Скелетлилик даражаси	Коэффициенти
1	Скелетсиз тупроқлар	1,00
2	Кучсиз скелетли	0,95
3	Уртача скелетли	0,80
4	Кучли скелетли	0,70

Фақат скелет миқдоригина ўсимликни хаёти ва фаолиятига таъсир қилмайди, балки скелетли қатламни қалинлиги, жойлашган чукурлиги хам тупроқ унумдорлигига салбий таъсир қиласди, яъни ҳосил билан салбий корреляцияланади.

Скелетли қатлам 30, 30-50 см чукурликда, яъни шу чегарадан юккрида жойлашганда ғузга, беда, маккажӯхори, полиз ва бошқа илдиз тизими юзада жойлашадиган ўсимликлар учун катта зарап етказади. Агар бу қатлам чукурда жойлашган бўлса, дараҳт ўсимликларига ҳам зарап етказади. Шу боис скелетли қатлам чукурлигига кўра ҳам бонитировкалаш коэффициентлари ўзгаради.

29-жадвал

Скелетли қатлам чукурлигига кўра бонитировка коэффициентининг ўзгариши

№	Биринчи скелетли қатлам чукурлиги, см.	Коэффициенти
1	100 см дан чукурда	1,00
2	71-100	0,95
3	51-70	0,85
4	31-50	0,70
5	>30	0,60

Тупроқ унумдорлигига таъсир этувчи омиллардан скелетлилик ва гипслилик даражаси хрзирги кунда куйидаги тартибда эътиборга олинади

**Тупроқни скелетлилик ва гипслилик даражасига мувофиқ
коэффициентлар**

№	Тупроқининг скелетлилик даражаси	Ётиш чунурлиги, см.		
		30-50	50-100	100-150
1	Скелетсиз	0,8	0,9	1,0
2	Скелетли	0,7	0,8	0,9
3	Гипсли	0,6	0,7	0,9

Юқорида кўрсатилган хосилни чекловчи омиллардан ташқари лалмикор ерларни ишлаб чикириш қобилиятига жойнинг рельефи хам таъсир кўрсатади. Бу уринда рельеф агроэкологик омил тариқасида энг аввало күёш ва ердан келадиган энергиялар тақсимотига, ёгин тақсимотига таъсирли қуринади. Бу омиллар такримоти уз навбатида бошқа қатор катталикларга жумладан геокимёвий оқимга, нам тақсимотига ва бошк.аларга таъсир кўрсатади. Хилма-хил рельеф шароитидаги ўсимликлар хар хил даражада күёш энергияси ва ёргулік билан таъминланади.

Шарқий қия текисликларга күёш нури нисбатан тик тушади, демак, кўпроқ иситади, яъни иссиқлик режими бошқаларга нисбатан фаркли бўлади.

Нисбатан соя шимолий, гарбий қия текисликлар кучсизрок. даражада исийди, шу боис бу майдонларнинг тупроқларида намлик бироз кўпроқ, атмосфера хавоси харорати пастроқ бўлади.

Намликнинг тақсимотига рельеф элементларининг морфометрик катталиклари таъсир қиласи. Рельефнинг намликка таъсири қия текисликларда, жарликларда, қиррали қояларда, узун ва тик қияликларда, чукур чўқмаларда яққол қўринади.

Тупроққа ва унинг ички қатламларига сингиб кириб борган сувлар кия текислик буилаб геокимёвий оқимни ташкил қиласи ва қиялик буйлаб пастк.амликлар томон оқиб боради.

Геокимёвий оқим уз йулида ҳар ҳил геокимёвий баррерларда хилма-хил моддаларни концентрацияларини ўзгартиради. Масалан, органик моддаларни, озиқа элементларни, микро ва макро-элементларни концентрацияларига геокимёвий оқим турли даражада таъсир кўрсатади.

Ёгинларнинг бир қисми рельеф турига караб тупроқ устида турли тезликда пастк.амликлар томон, вақтинчалик ёки доимий эрозия базиси томон харакат к.илади ва қаттиқ оқим тариқасида моддаларни ҳаракатга келтиради. Бу оқим таъсирида ерлар эрозияланади. Тупроқ устки ва ички омиллари-нинг нисбатлари жойнинг рельефига, ўсимлик тури ва копланганлик даражасига, тупроқнинг зичлигига, ётиш ҳолати ва бошқаларга boglik. бўлади.

Салбий рельеф хрлатида, яъни чукурликларда жойлашган тупроқлар хамма вақт ҳам нисбатан юқори намликка эга бўладилар. Бунга сабаб

юкридаги майдонларда ички ва ташқи оқим тариқасида у ёки бу микдорда сувлар хар хил концентрацияда келиб күшилиб туради. Шу боис баъзан бундай ерлар сув ўтказмас қатлам устида жойлашган бўлса, шурланиши ёки ботқоқланиши мумкин.

Шу муносабат билан бир хил иклимий шароитда жойлашган майдонларда хар хил хусусиятларга эга бўлган тупроқ айрмалари хам ҳосил бўлади.

Е. Вольни, С. Ташчанов, Н. Алтинбаев ва АКД1 давлат департаменти маълумотларига кўра, рельеф элементларидан энг катта агроэкологик ахамиятга эга хусусиятлари қия текслик экспозицияси, қиялик даражаси, рельеф шакли хисобланади.

Айниқса, қия текслик экспозицияси дончилик ҳосили билан корреляцияланади, шу боис лалмикор ерларни баҳолашда экспозиция учун ишланган коэффициентлардан фойдаланиш максадга мувофиқ бўлиб, тўғри баҳолашга олиб келади.

31-жадвал

Қиялик даражаси ва экспозиция учун бонитировка коэффициентлари

№	Кии текслик экспозицияси	Киялик, даражада				
			3-5	5-7	7-10	>10
I.	Соя томон (ш. ш-г, г, ш-ш)	1,00	0,95	0,90	0,85	0,80
2.	Куёшли томон (ж, ж-ш, ш, ж- г)	0,90	0,85	0,80	0,75	0,70

Лалмикор ерларнинг балл бонитетини аниқлаш сугориладиган ерларнинг унумдорлик даражасини аниқлаш каби бўлади, яъни негизли шкаладан тупроқни генетик груҳи ва унга мувофиқ. максимал балл аниқланади, тупроқни ҳосил билан корреляцияланувчи хусусиятлари учун ишланган коэффициентларга кўпайтириш асосида якуний балл бонитет чиқарилади.

Масалан; типик буз тупроқни баҳолаш лозим бўлса унга мувофиқ. максимал балл 70, яъни негизли шкалада курсатилган. Бу тупроқ оғир механик таркибли, демак коэффициент 0.95, скелетсиз, бу кўрсаткичга кўра, коэффициент 1.00 ва хрказолар.

$$\text{Бтб} = 70 \cdot 0,95 \cdot 1,00 = 66,5 \text{ балл.}$$

Тупроқни балл бонитети ҳосилни режалашда, солик. микдорини аниқлашда ва бошк.аларда мухим катталик хисобланади. Солиқни табақалаш хам, рағбатлантирувчи солик микдорини белгилаш хам тупроқни сифат кўрсаткичи, яъни уни унумдорлигига бодлиқ бўлади. Айникса олинадиган ҳосил микдорини чамалаш, режалашда хал килувчи асосий катталик хисобланади.

Республикада қузги лалми бурдойни уртача максимал хрийдерлиги гектарига 25 ц., арпаники - 20 ц., демак, бир бонитет баллни ҳосил қиймати $25/100=0,25$, $20/100=0,20$ ц/га.

Бахорикор ерларда ҳосилни түғри режалашда тупроқ учун ҳисобланган бонитет балли 0,25 ёки 0,20 га кўпайтирилади. Масалан; $80*0,25=20$ ц/га ёки $80*0,20=16$ ц/га ни ташкил қиласди. Шу тарика бошқа ҳисоб китобларни амалга ошириш мумкин.

Тақрорлашучун саволлар

1. Ўзбекистон худудида баҳорикор ерлар ва уларнинг майдони ҳақида?
2. Ер ва тупроқ түғрисидаги муносабатлар, мулоҳазалар.
3. Лалмикор ерлар учун негизли шкала ва унинг хусусият-лари?
4. Лалмикор ерларни ёгин миқдорига кўра таснифи?
5. Лалмикор ерлар учун кандай коэффицентлар ишланган?
6. Оналик жинсига кўра кўпайтирувчи коэффицентлар?
7. Лалмикор ерларда эрозияга карши кўраш чоралари?
8. Ювилганлик даражасига кўра коэффицентлар?
9. Скелетлилигига кўра, ишланган коэффицентлар?
10. Қиялик даражаси ва экспозицияси учун ишланган коэффицентлар?
11. Бонитировка балларини ҳисоблаш.

4-Мавзу: Ер кадастри Технологик харита

№	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмунни	Амалга оширувчи маъсул
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарс мақсади: Ер кадастрининг мазмунни, мақсади ва вазифаси. Ер кадастрининг турлари, таркибий қисми ва тамойиллари ҳақида талабаларга маълумот бериш.</p> <p>1.2 Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ер кадастри фанининг мазмунини билиб олади. • Ер кадастри фанининг мақсадини изоҳлай олади. • Ер кадастри фанининг вазифасини тушунириб беради • Ер кадастрининг турларини ва ва қисмларини кўрсата олади. <p>1.3 Ер кадастри фанининг Ўзбекистонда ривожланишининг илмий асослари</p> <p>1.4 Асосий тушунча ва иборалар: Ер кадастри, Ер</p>	Ўқитувчи

	<p>кодекси, Давлат Ер кадастри, маъёрий хужжат, хукукий хужжат, кадастр дафтари, кадастр харитаси, асосий ер кадастри, жорий ер кадастри, ер эгалиги, ер ҳисоби, тасвирга тушириш</p> <p>1.5 Дарс шакли: гурӯҳ ва минигурухларда</p> <p>1.6 Фойдаланиладиган усул ва услублар: сұхбат, маъруза тушунтириш, баҳс, видеоусул</p> <p>1.7 Керакли жиҳоз ва воситалар: харита, видеопроектор</p>	
2	<p>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи.</p> <p>2.1 Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2 Маъруза бошланади, асосий қисмлар, дарс мақсадлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи 15 мин.
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи.</p> <p>3.1 Талабаларга муаммоли саволлар берилади.</p> <p>3.2 Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3 Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4 Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи – талабалар 40 мин.
4	<p>Мустаҳкамлаш босқичи.</p> <p>4.1 Берилган маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилганлигини аниқлаш учун саволлар.</p> <ul style="list-style-type: none"> - ер кадастри фани қандай фан? - Ер кадастри фанининг мақсади нима? - Ер кадастри фанининг вазифаси нима? - Ер кадастри фанининг таркибий қисми. - Ер кадастри фанининг асосий ва жорий вазифаси. <p>4.2 Фаол талабалар баҳоланади.</p>	Ўқитувчи – талабалар 15 мин.

Асосий саволлар:

1. Ер кадастрининг мазмуни. Ер кадастрининг мақсади. Ер кадастрининг вазифаси.
2. Ер кадастри турлари. Ер кадастри таркибий қисмлари ва тамойиллари.
3. Ер эгалиги ва ердан фойдаланишни рўйхат қилиш ва ер ҳисоби.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Кадастр, давлат ер кадастри, ернинг ҳукукий мақоми, ер тоифалари, ер эгалиги, ер турлари классификацияси

Мавзуга оид муаммолар:

1. Давлат ер кадастрининг асосий муаммолари нима деб ҳисоблаймиз?
2. Ўзбекистонда Ер кадастрини ривожлантиши ва такомиллаштириш муаммолари қандай ҳал қилиш мумкин деб ҳисоблайсиз?

1-асосий савол. Ер кадастрининг мазмунни. Ер кадастрининг мақсади. Ер кадастрининг вазифаси.

Биринчи асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ер кадастрининг мазмунни, мақсади ва вазифаси ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ер кадастри фанининг мазмунини билиб олади.
2. Ер кадастри фанининг мақсадини изоҳлай олади.
3. Ер кадастри фанининг вазифасини тушунтириб беради
4. Ер кадастрининг турларини ва ва қисмларини қўрсата олади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан унинг энг муҳим ҳусусиятлари қанчалик чукур ва ҳар томонлама ўрганилганига боғлиқ бу энг аввало ерга тегишили бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш илмий асосланган тадбирлар мазмунини ишлаб чиқаришга изчиллик билан ёндошиш ва амалда тўплланган тажрибага риоя қилган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

Ерни ҳар томонлама яхшилаш унинг унумдорлигини иқтисодий самарадорлигини доимо ошириб бориш бу қишлоқ хўжалигини юритишнинг илмий тизими асослари ва ердан юқори маҳсулдорлик билан фойдаланишдир. Ердан тўғри фойдаланиш, замон ва маконда ҳар ҳил ўсимлик турларининг илмий асосланган кетма кетлиги, тупроққа экологик “тоза” ишлов бериш усувлари, ўғитлаш, қулай агротехника муддатларини касаллик ва зараркунандаларда ҳимоя қилиш, тупроқ эрозиясиг қарши кўраш каби муайян элементлар аниқ қонунчилик йўли билан бошқаришни талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кадастри”нинг 25 моддасига мувофиқ давлат ер кадастри ерларининг табиий хўжалик ва худудий тартиби тўғрисидаги, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати тўғрисидаги ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, уларни ер участкалари мулқдорларига, ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборат, давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиши, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофоза, ер тузиш ишларини ташкил қилиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослашдир.

Ер кадастри француз тилида “cadastre” реестр яъни рўйхатда деган маънони билдиради. Ернинг табиий хўжалик ва хуқуқий ҳолати ҳақидаги зарур маълумотлар йиғиндиси тушунилади. Ер кадастри қуйидагича таркибий қисмлардан иборат.

Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни рўйхатдан ўтказиш, ерларнинг миқдорий ҳисоби, ерларнинг сифат баҳоси – бонитировкаси, ерларни иқтисодий баҳолаш. Тупроқларни ҳар томонлама яхшилаш, унинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги келгусидаги ривожининг муҳим масалаларидан биридир.

Ер кадастрининг мазмуни. Кадастр маълум бир табиий хўжалик ёки бошқа объект муайян турларининг географик жойлашуви, хуқуқий мақоми, миқдори, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган

маълумотлар ва хужжатлар тизими. Кадастр тизимида маълум бир табиий объекслардан хуқукий фойдаланиш ҳақидаги тавсияномалар рўйхати, уларни қайта ва ифлослатиравчилар рўйхати, уларни қайта тиклаш чоралари ҳақида таклифлар берилади.

Давлат ер кадастри – Давлат кадастралир ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табии хўжалик, хуқукий ҳолати, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ва хужжатлар тизимиdir.

Ер кадастрининг мақсади. Давлат ер кадастрининг мақсади Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасига биноан иқтисодиётни ривожлантириш, ер участкаларига бўлган ҳукуқларнинг кафолатларини таъминлаш, ердан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофоза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг хуқукий асосларини белгилаб беришдан иборат.

Давлат ер кадастрининг хуқукий меъёрий асослари 1998 йиil 31 декабрдаги “Узбекистон Республикаси Давлат Ер кадастрини юритиш тўғрисида”ти 543 сонли қарори ва унга илова қилинган “Давлат Ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом” ва бошқалар.

Ер кадастрининг вазифаси. Ер кадастрининг асосий вазифаси ерларнинг табиий, хўжалик ҳамда хуқукий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ер кадастр хужжатлари ер участкаларига бўлган ҳукуқни тасдиқловчи хужжатлар, яъни кадастр дафтари, ер кадастри харита, план, ҳисботлар ва бошқа қонун хужжатларида ифодалашдан иборат.

Муҳокама учун саволлар:

1. Табиий ресурслар ва улар ичida энг муҳимларини изоҳланг.
2. Ер кадастри нима, уни юргазишда кўзда тутиладиган муаммолар.
3. Ер кадастрининг мазмuni нима?
4. Давлат Ер кадастри ва унинг мазмuni.
5. Ер кадастрининг мақсади.
6. Давлат Ер кадастрининг хуқукий меъёрий асослари.
7. Ер кадастрининг вазифаси ва хужжатлари.

2-асосий савол. Ер кадастри турлари. Ер кадастри таркибий қисмлари ва тамойиллари.

Иккинчи асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ер кадастри турлари, ер кадастри таркибий қисмлари ва тамойиллари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ер кадастрининг турларини билиб олади.
2. Ер кадастрининг қисмларини тушуниб олади.
3. Ер кадастрининг тамойилларини изоҳлай олади.

Ўтказилиш мазмуни ва тартибига қараб ер кадастри асосан икки турга:

1. Асосий ёки бирламчи
2. Жорий ёки қундалик кабиларга бўлинади.

Асосий яъни бирламчи ер кадастрининг асосий вазифаси ерларнинг табиий, хўжалик ҳамда ҳуқуқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни бирламчи сифатида олиш ва ер кадастри хужжатларида ёритишдан иборат. Асосий ер кадастри даврий равишда қайта тасвирга олишдан, ерларни кузатувдан, ер баҳолаш ишларини бажаргандан сўнг, янги ер эгалари, ёки ердан фойдаланувчилар ташкил этилганда, шунингдек, қайтадан тасдиқланган ер кадастри хужжатларини навбатдаги тўлдириш жараёнида амалга оширилади.

Асосий ер кадастрида ер эгаликларининг умумий майдонлари, ер турларининг таркиби, ерларнинг сифат ҳолати, тупроқлар бонитировкаси ва ерларнинг иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган материаллар ва хужжатлар тўпланади, таҳлил қилинади. Асосий ер кадастри ер фондининг ҳолати тўғрисида аниқ маълумот беради. Ер майдонлари тўғрисида бундай аниқ маълумотларнинг мавжудлиги келгусида ердан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқариш имконин беради.

Жорий ер кадастри – бир асосий ер кадастри ўтказиладиган сўнг ерлардан фойдаланишда рўй берадиган ўзгаришларни аниқлаш ва ер кадастри хужжатларига туширишдир. Ундан ташқари бошланғич ёзувлардаги хатоларни тузатиш, қўшимча маълумотлар киритишдан иборат.

Асосий ва жорий кадастар ўзаро боғлиқ бўлган ер кадастрининг босқичларидир. Асосий кадастар жорий кадастар юритиш учун асос яратади. Жорий кадастар асосий қдастр маълумотларини янгилаб ва тўлдириб турган ҳолда ер тўғрисида маълумотни системали ушлаб туради.

Ер кадастри қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади. Ер мулкларини, ер эгалиги ва ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ер майдонларини миқдор ҳамда сифат жиҳатидан ҳисобга олиш, тупроқ бонитировкаси ва ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш.

Ер мулкаларини, ер эгаси ва ердан фойдаланувчиларни рўйхат қилиш, ер кадастрининг биринчи таркибий қисми бўлиб у ер майдонларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди. Бу тадбир ер мулклари ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг чегаралари бўйича ерларни маълум субъектларга қонуний бириктириб қўйиш ва қонуний расмийлаштиришдир.

Ер майдонларининг ҳисоби ер майдонларининг миқдори ва сифати ҳақидаги тўла маълумотларни олиш, қайта ишлаш, маълум бир тизимга келтириш ҳамда сақлаш бўйича мажмуали тадбирдир. Ер майдонларини миқдор жиҳатдан ҳисоб китоб қилиш ер уларнинг маълум маъмурий ҳудудий бирликларга, ер тоифаларига, ер мулклари, ер эгаликларига, ер фойдаланувчиларга ва ер турилари бўйича тақсимланиши ҳақидаги хужжатларни ўз ичига олади.

Тупроқ бонитировкасининг асосий мақсади ерларни табиий барқарор ҳусусиятлари, ҳамда хўжалик шароитида фойдаланиш жараёнида олган фазилатлари бўйича баҳолашдан иборат. Тупроқ бонитировкасининг

натижалари ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан холисона баҳолашда асос бўлиб хизмат қиласди.

Ерларни иқтисодий баҳолаш – бу маҳсус иқтисодий кўрсаткичлар асосида ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан самарадорлик хусусиятини, уларнинг иқтисодий унумдорлигини қиймат жиҳатдан ўлчашдир. Ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашда ердан фойдаланишнинг табиий (тупроқ бонитет баллари орқали), иқлимий (фойдали ҳарорат йифиндиси, ёғингарчилик миқдори) хўжалик (ишлаб чиқаришнинг жадаллашганлик даражаси) ва технологик (контурлик, майдонлар шакли, тепалик, баландлик, ишчи кияниклар) шароитлари бутун бир мажмua тарзда ҳисобга олинади.

Ер кадастрини ўтказишида бир қатор тамойилларга амал қилинади. Ер кадастрининг асосий тамойиллари қуидагилар: бирлик, қонунийлик, танаффуссизлик, объективлик, кўргазмалилик, марказлашган раҳбарлик ва бошқалар.

Бирлик тамойилига асосан давлат ер кадастри республика ягона Ер фондини, ягона услубият асосида қамраб олиши зарур.

Ер кадастрини юритишида қонунийлик тамойилига алоҳида эътибор берилади. Бу тамойилнинг бажарилиши асосан давлат қонун хужжатлари билан таъминланади ва белгилаб қўйилади.

Ер кадастрини юргизиш узлуксизлиги амалга оширилиши зарурлиги яъни ер кадастри, ердан фойдаланишида рўй берадиган ўзгаришларни доимий равишида ҳисобга олиб бориш ва ер фонди ҳолатининг таснифини бериши лозим.

Ер кадастри объектив бўлиши зарур, яъни унинг барча кўрсаткичлари қаттий аниқ бўлиши, ҳақиқатга тўла мос келиши зарур. Ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий табиий ва хўжалик холатларига мос бўладиган фақатгина объектив маълумотлар мамлакат ер фондидан тўғри фойдаланиш ва бошқариш бўйича давлат вазифаларини аниқ бажаришга эришилади.

Мухокама учун саволлар:

1. Ер кадастрининг қандай турлари мавжуд?
2. Асосий яъни бирламчи ер кадастрининг вазифаси нима?
3. Жорий ер кадастрининг асосий вазифаси нималардан иборат?
4. Ер кадастрининг таркибий қисмлари.
5. Ер кадастри ер мулклари таркиби нимадан иборат?
6. Ер майдони ҳисоби таркибий қисмга нималар киради?
7. Тупроқ бонитировкаси ва иқтисодий баҳолаш таркибий қисмини изоҳланг.
8. Ер кадастрининг тамойилларини изоҳланг.
9. Ер кадастрининг бирлик ва қонунийлик тамойиллари нима?
10. Ер кадастрининг узлуксизлик ва объективлик тамойилларини изоҳланг.

3-Асосий савол. Ер эгалиги ва ердан фойдаланишни рўйхатга олиш ва ер хисоби

Учинчи асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ер эгалиги ва ердан фойдаланишни рўйхат қилишнинг мазмуни ва моҳияти ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ер эгалиги ва ердан фойдаланишни рўйхат қилишнинг моҳиятини, мазмунини билиб олади.
2. Ер хисоби, мазмуни ва моҳиятини изоҳлай олади.
3. Ер хисобининг турлари ва ўтказиш усусларини тушунтириб бера олади.

Ерларни рўйхат қилиш ер кадастрининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади бу маълум бир ер участкасига мулкдорлик, эгалик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштириш ва давлат миқиёсида қабул қилинган ягона шаклда хужжатларда акс эттириш бўйича ҳуқуқий тадбирдир.

Ерга эгалик қилиш ердан фойдаланишни рўйхат қилиш ер ҳисоби билан узвий боғланган ҳолда олиб борилади.

Ерга эгалик қилишни рўйхат қилиш маълум бир ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини расмийлаштириш ва ер эгалиги тўғрисидаги маълумотларни қабул қилинган хужжатларда қайд қилиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. У биринчи навбатда ерларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Аммо ердан фойдаланиш маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда маълум ҳудуд ва аниқ субъект билан боғлиқ бўлганлиги сабабли у ўз ичига ер участкаларининг хўжалик ҳолати, жойлашган ўрни ва ер эгалигининг ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларни олади.

Ер участкасини ер эгалигига бериш тўғрисидаги ваколатли давлат органларининг қарори ҳамда ер тузиш лойиҳасини жойга кўчириш ва участка чегараларини жойда маҳкамлаш тўғрисидаги далолатнома ер эгалигини рўйхат қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Давлат рўйхатида расмийлаштирилгандан сўнг ер эгасига ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи хужжат топширилади.

Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш ер ажратиш тўғрисида амалга оширилади. Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобил йўллари, алоқа ва электр узатиш линиялари, магистрал қувурлар куриш учун шунингдек, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлардан берилади. Ўрмон фондига қарашли бўлган майдонлардан ер ўрмон билан қопланмаган бутазор ёки ўтлоқзордан ажратилади.

Ер эгалиги давлат томонидан ерга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат олади.

Ерлардан фойдаланиш турларига қараб ҳуқуқий расмийлаштириш хариталари ҳамда ердан фойдаланишларни рўйхат қилиш тартиби турларига бўлиниши мумкин.

Ерга эгалик қилишнинг рўйхат қилиш ерлардан фойдаланиш муддатлари бўйича амалга оширилади: муддатсиз ва вақтингчалик. Муддати олдиндан

белгиланмаган фойдаланиш муддатан ҳисобланади. Бу доимий ердан фойдаланишдир.

Ердан муддатли фойдаланиш – 3-10 йил бўлиши мумкин. Ер участкаларидан фойдаланиш муддатларини узайтириш ёки ўзгартериш шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилади.

Ер ҳисоби, мазмуни ва моҳияти. Ер ҳисоби давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда хўжалик ҳисобининг бир тури ҳисобланади. Ҳалқ хўжалиги тармоқларида ер турли мақсадларда фойдаланилади. Шундай экан унинг ҳисобини юритиш амалга оширилади. Ер, уй жой биноларини, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги транспорт корхоналари, маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш масканлари ва бошқа қурилишлар ўрни ҳисобланади.

Ерларни ҳисоб қилишда ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида бир томондан умумийлик мавжуд, иккинчи томондан ўзича хусусиятлар ҳам мавжуд. Ҳамма жойда ер кенглик асоси сифатида ҳисобга олинади. Шу сабабли ҳам у энг аввало ўз ўлчамлари ва кенгликларида жойлашуви билан характерланади. Шу сабабли ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш учун корхоналарга ажратилган ернинг кенглик ҳолати тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш зарур.

Ишлаб чиқаришнинг баъзи тармоқларида ерларни кенглик асоси сифатида ҳисоб қилишдан ташқари уни асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳам ҳисобга олиш зарур.

5-Мавзу: Тупроқ харитасини тузиш ва унинг мазмуни. Тупроқ айирмалари

ва умумий майдонининг балл бонитети

Технологик харита

№	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарс мақсади: Тупроқ харитасини тузиш ва унга экспликация ёзиш. Тупроқ харитасининг мазмуни ва тупроқ айирмалари бўйича умумий майдон балл бонитетини чиқариш ҳақида талабаларга маълумот бериш.</p> <p>1.2 Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Тупроқ хариталари мазмунини билиб олади.2. Тупроқ харитасига экспликация ёзишини билиб олади.3. Тупроқ айирмалари ҳақида маълумотга эга бўлади.4. Умумий майдон бонитет балларини чиқара олади. <p>1.3 Асосий тушунча ва иборалар: тупроқ харитаси, бонитет бали, умумий майдон, экспликация,</p>	Ўқитувчи

	кадастр харитаси, ер ҳисоби, тасвирга тушириш 1.4 Дарс шакли: гурух ва минигурӯхларда 1.5 Фойдаланиладиган усул ва услублар: сұхбат, маъруза тушунтириш, баҳс, видеоусул 1.6 Керакли жиҳоз ва воситалар: харита, видеопроектор	
2	Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи. 2.1 Мавзу эълон қилинади. 2.2 Маъруза бошланади, асосий қисмлар, дарс мақсадлари баён қилинади.	Ўқитувчи 15 мин.
3	Гурухда ишлаш босқичи. 3.1 Талабаларга муаммоли саволлар берилади. 3.2 Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3 Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4 Умумий хуносага келинади.	Ўқитувчи – талабалар 40 мин.
4	Мустаҳкамлаш босқичи. 4.1 Берилган маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилганлигини аниқлаш учун саволлар. - Тупроқ айирмаси номини келтириб чиқариш - Тупроқ бонитировкаси рўйхатномасида кўрсатиладиган хоссалар - Тупроқ айирмаси балл бонитетини хисоблаш - Тупроқ айирмасининг майдонини хисоблаш - Умумий ер майдонининг ўртacha балл бонитетини хисоблаш. 4.2 Фаол талабалар баҳоланади.	Ўқитувчи – талабалар 15 мин.

Асосий саволлар:

1. Тупроқ харитасини тузиш ва унга экспликация ёзиш.
2. Тупроқ харитасининг мазмуни.
3. Тупроқ айирмалари ва умумий майдонининг балл бонитети.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: тупроқ харитаси, экспликация, экспозиция, тупроқ харитаси мазмуни, бонитет, балл

Мавзуга оид муаммолар:

1. Тупроқ харитасини тузишдан мақсад нимада деб ўйлаймиз?
2. Тупроқ харитаси тупроқ ҳақидаги маълумотларни ўзида тўлиқ мужассам эта оладими?

1-асосий савол. Тупроқ харитасини тузиш ва унга экспликация ёзиш.

Биринчи асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга Тупроқ харитасини тузиш ва унга экспликация ёзиш ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

- Тупроқ харитасини тузишни ўрганади.

- Тупроқ харитасида тавсифланадиган маълумотларни тушунишни билиб олади
- Тупроқ хариталариға шарҳ беришни билиб олади.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдони кам бўлганидан, у ишлаб чиқариш воситасининг энг муҳим қимматбаҳо манбаларидан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ерларнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун тупроқнинг хоссалари, унинг мелиоратив ҳолатлари шунингдек потенциол (табий) ҳамда эфектив (сунъий) унумдорлиги, кабиларнинг илмий асосланган ишончли маълумотлар керак бўлади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер тўғрисидаги яъни ҳар бир жамоа ширкат ва фермер хўжаликларининг ерлари хақидаги маълумотлар, шу хўжалик учун тузилган тупроқ, тупроқ бонитировкаси, тупроқларнинг шўрланиш даражаси ҳақида тузилган хаританомаларда берилади. Бу хаританомаларда хўжалик тупроқ қопламининг хилма-хиллиги, яъни айирмалари ва тур хиллари, уларнинг хусусияти ва сифати қўрсатилади. Шу харитага асосланиб хўжаликнинг ҳар бир экин майдонида қандай тупроқ борлиги аниқланади.

Тупроққа қайта ишлов бериш, орқали ишлав бериш, суғориш меъёри ва муддати, қишлоқ хўжалик экинларини экиш муддати, ўғитлаш меъёри ва муддати ва бошқа агротехник тадбирларни илмий асосда олиб боришда тупроқ харитасининг аҳамияти катта.

Республикамизнинг суғорилиб дехқончилик қилинадиган майдонларида ширкат ва фермер хўжаликларининг тупроқ хариталари 1:5000 ва 1:10000 нисбатда(масштабда) тузилади. Улардаги 1 см жойга 50 м ёки 100 м, яъни 1 см² жойга 2 гектар ёки 1 гектар ер майдони тўғри келади. Тупроқ хариталари хўжаликнинг шу нисбатдаги ер тузиш режасига чизилади. Бу режада аҳоли яшаш жойи, суғориш шахобчалари, ариқлар ва очиқ зовурлар, йўллар, симёғочлар, қишлоқ хўжалигига яроқсиз бўлган ерлар ҳамда суғориладиган далаларнинг чегараси тасвирланган бўлади.

Ҳар қайси майдон тартиб рақамга эга бўлиб, хўжалик майдонлари контурлар қайдномасида аксини топган.

Тупроқшунослар томонидан қабул қилинган умумий белгилар билан режада ҳар хил қишлоқ хўжалик ер турлари қўрсатилади: суғориладиган ҳайдалма ерлар, лалмикор ҳайдалма ерлар, ўтлок, яйлов, ботқоқлар, кўп йиллик дараҳатлар, токзорлар, ўрмонлар, нокулай ерлар, дўнг ҳамда шартли белгилар ҳам берилган бўлади.

Режада тупроқ қоплами таркибининг яъни айрма ва тур хилларининг ранг, контурлари кўринишида берилган. Ҳар қайси тупроқ айрмаси харитада ўз тартиб рақамига эга бўлади. Бу рақамлар қўйидагича: контур рақами майдон, тупроқ айрмаси рақами йирикроқ, шу билан асосий кесма ҳ белги ва рақам ёрдамчи тупроқ кесмаси ҳ белги ва рақамда берилади. Хилма-хил тупроқ айирмалари шу тартиб рақамлар асосида умумий жадвалга бирлаштрилади бу

жадвал- тупроқ харитаси экспликацияси деб аталади. Экспликацияда тупроқ айрмаларининг асосий кўрсаткичлари бўйича қуида таснифлар берилган.

Тупроқнинг механик таркиби: Тупроқни ташкил қилувчи заррачаларнинг катта-кичиклигини тасвиrlайди. Тупроқнинг таркибини ҳар хил катталикдаги қумли ва лойли заррачалар ташкил қиласди. Лойли заррачаларнинг ўлчам 0.01 ммдан кичик, қумли заррачаларнинг ўлчами 0.01 ммдан катта бўлагн заррачалар ташкил қиласди. Тупроқдаги қумли ва лойиқ заррачаларнинг, тупроқ миқдорининг неча фоизини ташкил филишига қараб, тупроқнинг механик таркиби бўйича: лойли, оғир, ўрта, енгил қумоқли, қумлоқли қумли деб аталувчи номлари келиб чиқади.

Хаританоманинг экспликациясида тупроқнинг механик таркиби ҳайдалма қатlam (0-30 см), илдиз озиқланадиган қатlam (30-100 см) ва тупроқ таги грунтлари (100-200 см) га қлоҳида-aloҳида бўлиб кўрсатилади

Шўрланиш даражаси: Шўрланиш даражаси тупроқдаги ўсимлик ўсишига салбий таъсир этувчи, сувда эрувчан тузларнинг миқдорини кўрсатади. Бунда сувда эрувчан тузларнинг умумий миқдори курук қолдиқ миқдори, хамда шўрланиш типларини берувчи хлор ва сульфат анионларининг миқдори берилади. Шу берилган миқдор асосида тупроқларнинг шўрланиш даражаси бўйича шўрланмаган, кучсиз, ўртача, кучли ва шўрхок каби айрма номлари келиб чиқади.

Тупроқларнинг емирилиши: Тупроқларнинг емирилиши сувнинг таъсирида тупроқларнинг нураши кўзда тутилади. Сув таъсири остида у ёки бу даражада тупроқнинг емирилиши ундаги гумус яъни чириндили қатламнинг қисқаришига, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган озук моддаларнинг камайишига олиб келади. Тупроқ хаританомасининг экспликациясида, ювилмаган, кучсиз, ўртача кучли ювилган ҳамда ювилиб келтирилган, айрмаларга ажратилади (25 жадвал). Ювил келтирилган тупроқларда гумус қатлам қалинлиги ортади, гумуснинг умумий миқдори кўпаяди шунингдек азот, фосфор ва калий каби озиқ элементлар миқдори ҳам орта боради.

Сув билан емирилган ва ювилмали тупроқлар мураккаб рельефли ҳар хил нишабли ерларда бўлади, далаларни ҳайдаш ва суғоришда бир мунча қийинчилик туғдиради.

Тупроқларнинг скелетлиги : Тупроқларнинг скелетлиги-тупроқларни қайта ишлашда, агротехник тадбирлар ўтказишида қийинчилик туғдирадиган ҳар хил йирикликтаги шағал, чоғир тош, тошчалар аралашмалариdir. Скелетли тупроқлар қўпинча кам қаватли бўлиб, асосан тошлоқлар ва шағали тошлар, тошчалар ва қумтошлардан иборат бўлади. Бу тупроқларда сув ўтказувчанглик қучи, ер ости сувлари тез оқиб чиқиб кетади. Созли заррачалар камлиги туфайли сув сифими паст, гумус ва озиқ элементларга камбағаллиги билан ажralиб туради. Бундай тупроқларнинг сув режимини мақбул миқдорда сақлаб туриш учун, бу тупроқларни кам миқдорда тез-тез суғориб туриш керак.

Ер ости сувларининг сатҳи: Ер ости сувларининг сатҳи- тупроқларнинг ер ости сувлари билан намланиш даражасини ва сувдан ўсимликларнинг фойдаланиш даражасини кўрсатади. Кўриқ тупроқлар- бўз тупроқлар, такир

тупроқлар ва сур тусли қўнғир тупроқларнинг ер ости сувлари сатҳи 5 м чуқурда жойлашган шароитда ривожланган.

Намланган тупроқлар- ўтлоқ, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи алмовиал тупроқлар ер ости сув сатҳа 1-3 метрда жойлашган. Тупроқларнинг сув режимида билар ўз аксини топган бўлиб, вегетация даврида суғориш муддати ва имқдорини ҳисобга олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бўз ва сахро минтақасида, тупроқлар иқлим ва антиропоген, техноген таъсиrlар натижасида биридан иккинчисига ўтиб туради яъни намланган сизот суви чуқур жойлашган автоморф ва сизот суви сатҳи бир мунча юқори қўтарилиган намланган тупроқлар хоссасини намоён қилувчи яримгидроморф штоқи-бўз, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-тақир тупроқлар ҳам жойлашган. Бу тупроқлар сизот сувларининг сатҳи 3-5 метр оралиғида бўлади. Бу шароитда ғўзанинг ер ости сувларидан фойдаланиши чекланган ва у кўпинча гурунтнинг механик таркибиغا ҳамда қатламлиликга боғлиқ. Капиляр ғовакликлар орқали ер ости сувининг энг юқорига қўтарилиш қобиляти асосан лойли ва қумоқли ерларда яхши бўлиб, қумли, қумоқли ерларда ва қумли ва қумлоқли келтирилмалардан иборат бўлагн кескин қатламли ерлардан жуда ёмон.

Ер ости сувлари сатҳи 1 м дан юқори жойлашган намга ўта тўйинган ерларда ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқлар пайдо бўлади. Ер ости суви сатҳининг жуда юза жойлашганлиги, тупроқ қатламларининг намга ўта тўйинганлиги ва ҳавонинг етишмаслиги органик моддаларнинг аноэроп шароитда парчаланиши қайтаримиш жараёнининг кучайиши натижасида бу тупроқларда глейли қават ҳосил бўлади, бу ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши учун ноқулай шароит вужудга келади. Кул ранг ва кўкимтириранг бўялган глейли қатлам ўзининг ўзи зичлиги ва ёпишқоқлиги туфайли заҳарли бирикмалар (темир оксидлари, водород сульфид) пайдо бўлиши билан ажralиб туради. Б. глейли қатлам қишлоқ хўжалиги экинлари илдизининг ривожланишига салбий таъсири кўрсатади, уларни ўсишини секинлатиб ҳосилни камийиб кетишига олиб келади.

Тупроқ хаританомаси экспликациясида жойнинг экспозицияси, нишаблик даражаси, ҳар қайси тупроқ айирмасининг умумий ва суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари майдон ҳам кўрсатилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Тупроқ харитаси экспликациясининг моҳияти
2. Тупроқ харитаси чизиладиган масштабли режа ва унда кўрсатиладиган белгилар
3. Тупроқ харитаси экспликациясини ёзиш тартиби
4. Тупроқ харитаси экспликациясидаги тупроқ айирмаларининг механик ва шўрланиш даражасини ёзиш тартиб.
5. Автоморф ва гидроморф тупроқларнинг номланиши ер ости сувлари сатҳи
6. Ярим гидроморф ва ўтлоқи ҳамда ботқоқ тупроқларнинг номланиши ва ер ости сувлари сатҳи.

2-Асосий савол. Тупроқ харитасининг мазмуни

Иккинчи асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга тупроқ хариталарини ўқий олиш ва унинг мазмунини тушунишни ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Тупроқ хариталари мазмун моҳиятини тушуна олади.
2. Тупроқ хариталарини ўқий олади.
3. Тупроқ хариталарида берилган маълмуотларни шарҳлай олади.

Тупроқ бонитировкаси хаританомаси юқори қисмининг чап томонига хўжаликнинг тўлиқ манзили ёзилади (Вилоят, туман, ДФХУ, фермер номи). Унинг қуи қисмига хўжаликнинг бошқа хўжаликлар билан чегаралари қаердан-қаершгача эканлиги кўрсатилиб ёзилади.

Харитадаги тупроқ айирмалари 1.2.3....п тарзда рақамланади. Ҳар бир айрма “Ўздаверлойиҳа” институти томонидан тавсия этилган ва қабул қилинган рангларда бўялади ва чегаралари аниқ кўринади. Тупроқ айирмасининг ичига унинг балл бонитет (50) шаклда қизил сёҳ билан ёзилиб, қизил ранг халқага олинади, шунингдек лаборатория тахлили учун намуна олинган тупроқ кесмаси (X) шаклда, ёрдамчи кесмалар X шаклда айирма ичига ёзилади.

Харитада унумдорликни кўрсатувчи синфлар ёзилади ва тавсия этилган ранг бўялади. X синф- қизил, IX синф –яшил, VIII синф –тўқ сариқ, VII синф- сариқ, VI синф – сарғиш, V синф- оч сариқ , IV синф- тўқ бинафша, III синф – бинафша, II синф – тўқ бўз, I синф- бўз.

Тупроқларни унумдорлиги бўйича таснифномасини билдирувчи жадвал хаританоманинг ўнг томонига ёзиб қўйилади.

Тупроқларни унумдорлиги бўйича таснифлаш.

28-жадвал

Индекс	Унумдорлик классификацияси	Синфлар	Бонитет балл	Тупроқ айрма рақами	Майдони га
X	Жуда яхши	Юқори	91-10		
IX		Жуда яхши	81-90		
VIII	Яхши	Яхши	71-80		
VII		Ўртачадан юқори	61-70		
VI	Ўртacha	Ўртacha	51-60		
V		Ўртачадан паст	41-50		
IV	Ўртачадан паст	Ёмонроқ	31-40		
III		Ёмон	21-30		
II	Ёмон	Жуда ёмон	11-20		
I		0-0	0-10		

Ушбу экспликацияда ҳар бир айрма учун ёзилган бонитет балл айрма рақами, унинг майдони ва хўжалик учун хисоблаб чиқилган қратача балл берилади.

Хаританоманинг пастки қисмида тупроқнинг кенглик ва баландлик бўйлаб жойлашган жойи (провинцияси) минтақаси, минтақачаси, тип ва типча номи, ҳамда ҳар бир тупроқ айрмасининг механик таркиби (0-30, 30-100 ва 100- 200 см) чириндили қатлам қалинлиги, чиринди микдори, харакатчанг фосфор ва калий микдори, сувли сўрим таҳлилидан, қуруқ қолдик, хлор ва сульфат ионлари, тупроқнинг шўрланиш даражаси сизот суви сатҳи, шағалли, глейли, зичли қатламларнинг жойланиши чукурлиги, ювилиш даражаси, тош аралашганлик, зинчлик, нишаблик ва экспозицияси, тупроқ айрмасининг умумий майдони ва унинг суғориладиган қисми ва балл бонитети кўрсатилган экспликация берилади.

Шартли белгилар қоидага мувофиқ берилади.

Мухокама учун саволлар:

1. Тупроқ бонитировкаси харитасининг моҳияти
2. Тупроқ бонитировкаси харитаси экспликацияси ва уни келтриб чиқариш
3. Тупроқ бонитировкаси харитасидаги белгилар ва ранглар
4. Тупроқларни унумдорлиги бўйича таснифлаш.

3-Асосий савол. Тупроқ айрмалари ва умумий майдонининг балл бонитети.

Иккинчи асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга тупроқ айрмалари ва умумий майдонининг балл бонитетини чиқаришни ўргатиш ва улар ҳакида маълумот бериш

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Тупроқ айрмаларини изоҳлай олади.
2. Тупроқ хариталарига қараб умумий майдон балл бонитетини ҳисоблай олади.

Хўжаликларнинг тупроқларини баҳолаш тупроқ харитаси асос бўлиб хизмат қиласи. Тупроқ хариталарида ажратилган тупроқ тур хиллари ёки айрмалари баҳолаш обьекти бўлиб ҳисобланади. Тупроқ харитасидаги барча айрма чегаралари, тупроқ бонитировкаси харитасига кўчириб ўтказилади. Экспликациядаги барча тупроқ айрмалари бонитировкалаш рўйхатиномасига таритб билан ёзилади.

Тупроқни бонитировкалаш рўйхатномаси

27-жадвал

Т.Т Роц	Тупроқнинг номи	Негизли шкала бўйимча	Бонитировка коэффициен						Балл бонитет и
			Гумус	Емир	Илиш	Шўрланиш	Бўйи	Глейли	

Суғориладиган ўрта қумоқли кучсиз шўрланган ўртача зичлашган бўз-ўтлоқи тупроқ							
--	--	--	--	--	--	--	--

Бонитировкалашнинг негизли шкаласидан, шу тупроқ генетик гурӯҳ ва механик таркибига кўра бирламчи яъни энг юқори балл аниқланиб рўйхатноманинг (28-жадвал) негизли шкала бўйича бали графасига ёзилади.

Тупроқнинг бошқа агрономик хоссалари, бонитировкалаш коэффицентлари жадвалларидан олинади. Тупроқ айирмасининг охирги балл бонитети нглизли шкаладан олинган баллга бонитировка коэффицентларини қўпайтириш йўли билан аниқланади ва рўйхатнинг балл бонитет графасига ёзилади.

Масалан: суғориладиган ўрта қумлоқ кучсиз шўрланган, ўртача зинчлашган бўз-ўтлоқи тупроқ

Шу тартибда хўжалик тупроқ харитасида кўрсатилган барча тупроқ айирмаларининг балл бонитети ҳисоблаб чиқилади.

Хўжалик ерларини баҳолаш тажрибалари шуни кўрсатадики, ҳар бир аниқ шароитдаги тупроқ айирмасини бонитировкалашда шу шароитда доминант бўлиб турган тупроқ хоссаларининг 2-3 та бонитировка коэффицентларидан фойдаланиш максадга мувофиқдир.

Кўп миқдордаги пасайтирувчи коэффицентлардан, айниқса бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи коэффицентлардан фойдаланиш асоссиз равишда тупроқнинг балл бонитетини пасайтириб юборади.

Тупроқ харитасида кўрсатилган тупроқнинг генетик гурӯҳи тип ва типчалари ёки хўжалик суғориладиган ер майдонининг ўртача балл бонитети қўйидаги формула билан ҳисобланади.

$$\text{Бўр} = \frac{б_1S + б_2S_2 + б_3S_3 + \dots + б_nS_n}{S_1 + S_2 + S_3 + \dots + S_n}$$

Бу ерда: Бўр- тупроқнинг ўртача балл бонитети ёки хўжалик ер майдони учун ҳисобланган ўртача балл

$б_1, б_2, б_3 \dots б_n$ -тупроқ айирмаларининг балл бонитети.

$S_1, S_2, S_3 \dots S_n$ – тупроқ айирмалари майдони

Мисол учун:

$$\text{Бўр} = \frac{80.21 + 61.14 + 54.29,3 + 52.31,5}{21 + 14 + 29,3 + 31,5} =$$

Демак хўжалик тупроқларининг ўртача балл бонитети ташкил қиласади.

Мұхокама учун саволлар:


1. Тупроқ айрмаси номини келтириб чиқариш
2. Тупроқ бонитировкаси рўйҳатномасида кўрсатиладиган хоссалар
3. Тупроқ айрмаси балл бонитетини хисоблаш
4. Тупроқ айрмасининг майдонини хисоблаш
5. Умумий ер майдонининг ўртача балл бонитетини хисоблаш.

Мавзу: Тупроқ профилининг тузилиши ва морфологик белгилари.

1. Тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари натижасида тупроқнинг она жинслардан фарқ қиласидиган муҳим қатор таркибий қисмлари, хоссалари ва белгилари юзага келади. Бу ўзгаришлар тупроқнинг профилида ўз аксини топган бўлади.

Тупроқ профили - тупроқ генетик горизонтларининг вертикал йўналиш бўйича муайян тарзда алмасиб туриши натижасида юзага келадиган ташқи қиёфасидир. Тупроқ профилини ташкил этувчи генетик горизонтлар ўзига хос ташқи морфологик белгилари билан ажралиб туради. Ана шу белгилар асосида тупроқларни она жинсларидан ва бир-биридан фарқлаб ажратиш ҳамда тупроқ пайдо бўлиш жараёнларининг бориши, унинг жадаллиги ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш мумкин. Тупроқнинг морфологияси ҳақидаги асосий фикрлар В.В.Докучаев томонидан айтилган бўлиб, С.А.Захаров уни такомиллаштириди.

Тупроқнинг асосий морфологик белгиларига: тупроқ профилининг тузилиши, тупроқ ва унинг алоҳида горизонтларининг қалинлиги, ранги (туси); механик таркиби; структураси; қовушмаси; янги яралмаси ва қўшилмаси сингарилар киради. Буларни ўрганиш мақсадида тупроқ чукур (разрез) лари ковланади (1-расм).



1-расм. Тупроқ чуқури (кесмаси, разрези).

Тупроқ профилининг тузилиши. Айтилганидек, тупроқ профили қатор генетик горизонтлардан иборат. Тупроқ горизонтлари - тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари натижасида пайдо бўладиган ва одатда ер юзасига параллел

йўналган, деярли бир хил тузилиши ҳамда ўзининг морфологик (ташқи) белгилари билан ажралиб турувчи тупроқ қатламларидир.

Тупроқ горизонтлари бир-биридан ранги (туси), структураси, қовушмаси сингари морфологик белгилари билан фарқланади. Улар ҳар хил кимёвий ва механик таркибга эга бўлиб, бу горизонтларда биологик жараёнлар ҳам турлича кечади. Тупроқ горизонтларининг тузилиши табиий тупроқ пайдо қилувчи жараёнлар ҳамда инсонларнинг ердан фойдаланиши туфайли ўзгариши мумкин.

2. Тупроқ ва унинг айрим горизонтлари қалинлиги.

Тупроқнинг умумий қалинлиги деб, унинг юзасидан бошлаб она жинсигача бўлган горизонтлар (см да ифодаланган) йифиндисига айтилади. Демак, тупроқ қалинлиги унинг $A_0+A_1+A_2+B_1+B_2$ каби горизонт ва горизончаларининг С (она жинси) гача барча йифиндисидир. Турли тупроқларнинг қалинлиги ҳар хил бўлиб, 40-50 см дан 100-150 см гачадир. Аммо Ўрта Осиёнинг қадимдан сугорилиб келинаётган маданий (агроирригацион қатламли) воҳа тупроқларининг қалинлиги 250-300 см ва ундан ҳам ошади.


Айрим горизонтлар қалинлигини белгилашда тупроқ юзасидан бошлаб, унинг юқори ва қути чегарасини кўрсатиб см.да ифодалаш анча қулай (масалан, $A_0=0-3$ см. $A_1=3-18$, $A_2 = 18-30$, $B_1 = 30 - 45$ ва х.к.).

Тупроқнинг ранги (туси) кўзга яққол ташланиб турадиган энг муҳим морфологик белгилардан биридир. Тупроқнинг ранги (туси) унда кечадиган жараёнларни ифодалаб, тупроқларни муайян типларга киритиш имконини беради. Шунинг учун ҳам аксарият тупроқлар унинг ранги, тусига кўра номланади (подзол, қизил ва сариқ, қора, бўз тупроқлар ва х.к.)

Тупроқда органик модда, гумус қанча кўп бўлса, унинг туси шунча корамтири бўлади. Тупроқ таркибидаги темир оксиди бирикмалари тупроқка қизил, тўқсариқ ва сариқ тус, темирнинг тўлиқ оксидланмаган бирикмаси (закиси) - кўкимтири, зангори, яшил тусни беради.

Тупроқнинг механик таркиби. Дала шароитида ўрганилаётганда механик таркиби ташқи белгилари асосида ва бармоқлар орасида эзгилаб тахминан қанча кум ва лой заррачалари борлигига қараб аниқланади. Шу мақсадда лойли ҳалқалар қилиб кум, қумлоқ, қумоқ ёки соз тупроқ эканлигини ўрганиш ҳам мумкин. Механик таркибига доир аниқ маълумотлар лаборатория анализлари асосида олинади.

Тупроқ структураси. Тупроқнинг алоҳида агрегат бўлаклар (доначалар) га ажралиб кетишига тупроқ структураси дейилади. Бу агрегатлар турли механик элементларининг бир-бирига бирикишидан ҳосил бўлади. Структура бўлакчаларининг шакли, ўлчами ва сифат таркиби турли тупроқлар ҳамда уларнинг алоҳида горизонтларида ҳар хил бўлиб, С.А.Захаров бўйича асосан: қубсимон, призмасимон ва плитасимон каби З типга ва ўз навбатида турлар ҳамда хилларга ажратилади (2 -расм).



2- расм. Тупроқ структурасининг турлари ва шакллари.

I қубсимон тип: 1- йирик увоқли; 2- ёнгоқсимон; 3- донадор; 4- чангсимон.

II призмасимон тип: 5- устунсимон; 6 -йирик призматик.

III плитасимон тип: 7- ясси қатламсимон; 8- япроқсимон.

1—Амалий машғулот

Дарснинг мақсади: Тупроқнинг пайдо бўлиш генезиси, генетик қатламлари. Тупроқнинг типи, типча, айирмаси ва тур хилларини аниқлашда муҳим омил морфологик белгилари ҳақида талабаларга маълумот бериш.

Керакли жиҳозлар: 1. Дала шароитига қўйилган кесма ёки кесманинг таърифи. 2. Тупроқнинг морфологик белгиларини ёзиш учун “Дала кундалик дафтари” 3. Тупроқшуноснинг “Дала сумкаси” жиҳозланган холда. 4. Ўрганилаётган хўжаликнинг тупроқ хаританомаси.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1.“Дала кундалик” дафтарни тўлдириш.

Кесма рақами _____ **Кесма қўйилган сана ой, йил** _____

Тупроқнинг номи _____

Вилоят, туман, хўжалик номи _____

Ландшафт _____

Рельефга нисбатан кесманинг жойлашиши _____

Экин тури, ўсимликлар жамоаси, ўсимликнинг ҳолати _____

Тупроқнинг юзаси, микрорельеф _____

Кесманинг умумий чуқурлиги _____

Карбонат қатламининг ўлчаш чуқурлиги _____

Гипсли қатламнинг учраши _____

Тупроқ ҳосил қилувчи она жинс ва тупроқ ости қатлами _____

Минерал сувининг жойлашиш сатхи ва минераллашганлик даражаси _____

Тупроқ намуналари олинган қатламлар _____

Тупроқ профилининг умумий таснифи.

Генетик қатлам қалинлиги ва ҳарфлар белгиси	Тупроқнинг: 1.ранги, 2.намлиги, 3.механик таркиби, 4.донодорлиги, 5.зичлиги, 6.илдиз тузилиши, 7.ҳайвонларнинг фаолияти, 8.янги яралмалар, 9.янги қўшилмалар, 10.кейинги қатламга ўтиш ҳолати.

Мұстақил ишлаш үчүн саволлар.

1. Тупроқ профили ва уни ташкил этувчи генетик горизонтларни тушунтириңг?
 2. Тупроқнинг асосий морфологик белгиларига нималар киради?
 3. Тупроқ ранги ва уни белгиловчи энг муҳим моддаларни таърифланг?
 4. Тупроқ қовушмаси қандай хилларга бўлинади?
 5. Тупроқнинг янги яралмаси ва қўшилмаси деб нимага айтилади?

Тупроқнинг механик таркиби. Тупроқ айрмаларини классификациялашда механик таркибнинг аҳамияти.

1. Тупроқ пайдо қилувчи жинслар ва тупроқлар таркиби турли катта-
кичиликдаги зарралар, жумладан бирламчи минералларнинг йирик
доначаларидан тортиб, микронлар билан ўлчанадиган энг майда коллоид
заррачалари тўпламидан ташкил топган. Тупроқнинг механик таркиби
асосан улар ҳосил бўлган тупроқ пайдо қилувчи она жинсларидан ўтган ва
тупроқ пайдо бўлиш жараёнида кам ўзгаради.

Фовак тупроқ пайдо қилувчи жинсларнинг гранулометрик таркиби уларнинг ҳосил бўлиши ва бошланғич жинслар характеристига боғлик. Тоғ жинсларининг нураш маҳсулотлари парчаланиши, сув ва шамол оқимлари таъсирида кўчирилиш ва ёткизилиши жараёнида уларнинг қайта

сарапаниши ва ер юзасида йирик бўлакли жинслар, қумли, чангли ёки лойли ётқизиқлар ҳолида тўпланиши содир бўлади. Бунда аллювиал ва эол ётқизиқлари таркиби бир-бирига ўхшаш, яхши сарапанган қум, қумлоқ, соз заррачаларини кўп сақлайдиган ҳолга ўтади. Муз, муз-сув ва делювиал ётқизиқлари эса ёмон сарапанган, ҳар хил катталиқдаги зарра (бўлак) лар аралашмасидан ташкил топган.

Турли катта кичикилигидаги зарралар одатда турли минерологик ҳамда кимёвий таркибга эга. Тупроқларда механик элементлар нафақат бошланғич она жинслардан ўтган, албатта асосий қисми шундай келиб чиқишига эга бўлса ҳам, аммо бир қисми тупроқ пайдо бўлиш жараёнида ҳам ҳосил бўлган. Шунинг учун тупроқнинг механик элементларини минерал, органик ёки органо-минералли заррачалар ташкил этади. Шунга кўра тупроқ механик элементлари бирламчи (она жинсларидан ўтган) ёки иккиласмачи (янги ҳосил бўлган) бўлиши мумкин.

2. Жинслар ва тупроқлардаги турли ўлчамли алоҳида заррачалар **механик элементлар** дейилади. Келиб чиқишига кўра механик элементлар: минерал, органик ва органо-минерал заррачалардан иборат. Бу заррачалар тоғ жинсларининг бўлакчаларидан, айрим (бирламчи, иккиласмачи) минераллар, чиринди моддалар ва органик ҳамда минерал моддаларнинг ўзаро таъсирилашувидан ҳосил бўлган маҳсулотлардан ташкил

топган.

Механик элементлар тупроқ ва жинсларда алоҳида (кум) ва турли структура бўлакчаларига бириккан шаклда бўлади. Механик элементларни миқдорий аниқлашга **механик анализ** деб аталади. Механик элементларнинг хоссалари, улар ўлчамига кўра ўзгариб туради. Ўлчами ва хоссалари бир-бирига яқин заррачалар одатда фракцияларга бирлаштирилади. Заррачалар катта-кичикилигига қараб фракция группаларининг классификацияси ишлаб чиқилган. Катталиги бўйича фракцияларга ажратилган заррачаларнинг группаланишига **механик элементлар классификацияси** дейилади.

Хозирги вақтда Н.А.Качинский тавсия этган механик элементлар классификацияси кўп ишлатилади (1- жадвал).

Фракциялардаги ўлчами 1 мм дан катта заррачаларга жинсларнинг **тош қисми** ёки **тупроқ склети**, 1 мм дан кичиклари эса **майда заррачали** ёки **майда қисми** деб аталади. Шунингдек, майда заррачадаги 0,01 мм дан катта заррачалар хоссалари кумга яқин бўлгани учун шартли "физик кум" групласига, 0,01дан кичиклари эса лойга ўхшашлиги сабабли "физик лой" деб юритилади.

3. Турли механик элементларнинг минерологик, кимёвий таркиби, уларнинг физик ва физик-кимёвий хоссалари ҳар хил бўлганидан, алоҳида фракциялар тупроқлар ҳамда жинсларнинг хоссаларига турлича таъсири этади.

Алоҳида фракциялар учун характерли бўлган хоссаларга қисқача тўхталамиз.

Тош (>3 мм) асосан турли тођ жинсларининг бўлакчаларидан иборат

бўлиб, тупроқда тошнинг кўплиги қатор салбий хоссаларги олиб келади. Жумладан, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларидан фойдаланишни қийинлаштиради, экинларнинг униб чиқиши ва ўсишига ёмон таъсир этади. Тупроқнинг тошлилик даражаси одатда (массасига нисбатан фоиз хисобида) 3 мм дан катта заррачалар микдорига кўра қўйидаги группаларга ажратилади: тошли бўлмаган - 0,5 фоиз, кам тошли - 0,5-5 фоизгача, ўртacha тошли 5-10 фоиз ва кучли тошлоқ тупроқ 10 фоиздан кўп.

Механик элементлар классификацияси

1- жадвал

Заррачалар ўлчами, мм	Механик элементлар (фракциялар) номи	Группалари
>3	Тош	Тош қисми
3-1	Шағал	
1-0,5	Кум: йириқ	
0,5-0,25	ўрта	«Физик қум»
0,25-0,05	майда	
0,05-0,01	Тўзон(чанг): йириқ	
0,01-0,005	ўрта	
0,005-0,001	майда	
0,001-0,0005	Лойқа: дағал	«Физик лой»
0,0005-0,0001	нозик	
<0,0001	коллоидлар	

Ўрта Осиё шароитида турли даражадаги тошлок тупроқлар тоғли ўлкаларда кенг тарқалган.

Шағал (3-1 мм) бирламчи минералларнинг турли бўлакчаларидан ташкил топган. Шағалнинг тупроқда қўп бўлиши ерни ишлашда унчалик халақит бермаса-да, лекин унга қатор салбий хоссалар - сувни жуда тез ўтказиб юбориш, сув кўтарувчанлик хусусиятининг ёмонлиги, нам сијимининг жуда паст бўлиши характерли.

Қум фракцияси (1-0,05 мм) асосан кварц ва дала шпатлари каби бирламчи минералларнинг бўлакчаларидан иборат. Бу фракцияларнинг сув ўтказувчанлиги юқори бўлиб бўкиш ва пластиклик хоссасига эга эмас, аммо шағалга нисбатан унда капиллярлик ва нам сијими анча яхши. Шунинг учун табиий қумлар (айниқса майда доналиси) экинлар учун яроқли хисобланади. Аммо экинлар учун қумларнинг нам сијими 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Йириқ ва ўртача тўзон (чанг) (0,05-0,005 мм). Йириқ чанг фракциялари 0,05-0,01 мм/ минерологик таркиби жиҳатдан қумдан кам фарқланади. Шунинг учун унда қумнинг айрим хоссалари: пластик эмаслиги, кам кўпчиши, нам сијимининг юқори эмаслиги кабилар характерли.

Ўрта чанг (0,01-0,005 мм) да слюда минералининг кўп бўлиши бу фракцияга юқори пластиклик ва бирикиш хоссасини беради. Ўртача чанг

анча майда бўлганлигидан намни яхши ушлаб туради. Лекин унинг сув ўтказувчанилиги паст. Коагуляцияниш қобилиятига эга эмаслиги сабабли, тупроқ структурасининг шаклланиши ва тупроқдаги физик-кимёвий жараёнларида иштирок этмайди. Шунинг учун ҳам йирик ва ўртача чанг фракциялари кўп бўлган тупроқлар тез уваланиб, чангланиб кетади ва зичланади, сувни кам ўтказади.

Майда чанг ($0,005\text{-}0,001$ мм) одатда анча юқори дисперсияланганлиги билан характерланиб, қатор бирламчи ва иккиламчи минераллардан иборат. Шунинг учун ҳам йирик зарраларга хос бўлмаган қатор хоссалар, жумладан, коагулланиш ва структура ҳосил қилиш хусусиятига ҳамда сингдириш қобилиятига эга, чиринди моддаларни кўп сақлайди. Лекин майда-нозик заррачаларнинг кўп бўлиши тупроқнинг сув ўтказувчанигини ёмонлаштиради, ўсимликлар учун ўтадиган нам кам бўлади, юқори кўпчиш ва бўкиш, ёпишқоқлик, ёрилиб кетиш ва зич қовушмали бўлиши билан характерланади.

Лойқа $<0,001$ мм\ асосан юқори дисперс иккиламчи минераллардан иборат. Бирламчи минераллардан кварц, ортоклаз, мусковит кабилар учрайди. Бу фракция тупроқ унумдорлигига катта аҳамиятга эга ва тупроқда кечадиган қатор физик кимёвий жараёнларда асосий роль ўйнайди. Лойқа фракциялари юқори сингдириш қобилиятига эга, чиринди ва ўсимликлар учун зарур азот ҳамда бошқа моддаларни кўп сақлаб туради. Ундаги коллоид заррачалар тупроқ структурасининг ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди. Аммо дисперсияланган лойқа фракциялари қатор салбий хоссаларга олиб келади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, механик элементлар ўлчамининг майдаланиб бориши билан, уларнинг хоссалари ҳам ўзгариб боради. Айниқса ана шундай кескин ўзгаришлар "физик қум" $>0,01$ мм \ билан "физик лой" $<0,01$ мм\ фракциялари чегарасида яхши ифодаланган. Шунинг учун ҳам тупроқнинг механик таркибини ўрганишда ана шу заррачаларнинг микдорига алоҳида эътибор берилади.

4. Тупроқ ёки жинслардаги турли катта-кичикликдаги механик элементларнинг процент билан ифодаланадиган нисбий микдорига **механик таркиби** деб аталади.

Турли механик элементларнинг микдорига кўра тупроқ ва жинсларнинг хоссалари бир хил эмас.

Тупроқ ва жинсларнинг механик таркиби унинг физик, физик-кимёвий хоссаларига қараб бир неча группаларга ажратилади. Механик таркибининг классификациясида "физик қум" ва "физик лой" фракцияларининг нисбати асос қилиб олинган. Дастребки ана шундай классификациялардан бирини Н.М.Сибирцев тавсия этган. Кейинчалик қатор классификациялар (А.Н.Сабанин, В.Р.Вильямс) ишлаб чиқилди. Ҳозирги вактда Н.А.Качинскийнинг анча мукаммаллаштирилган ва фойдаланиш учун қулай классификацияси кенг ишлатилмоқда(2-жадвал).

**Тупроқлар ва она жинсларнинг механик таркибига кўра
классификацияси. (Н.А.Качинский)**

2—жадвал

Механик таркибига кўра қисқача номи	«Физик лой»(<0,01 мм) миқдори, фоиз			«Физик қум» (>0,01 мм) миқдори, фоиз		
	Т у п р о қ л а р					
	Подзо л типи- даги	Дашт типидағ и ҳамда қизил ва сариқ тупроқл ар	Шўртоб ва кучли шўртобл ар	Подзол типидағ и	Дашт типидағи ҳамда қизил ва сариқ тупроқла р	Шўртоб ва кучли шўртобл ар
Қум тупроқ: сочилма кум бириккан кум Қумлоқ тупроқ Қумоқ тупроқ енгил кумоқ ўрта қумоқ оғир кумоқ Соз тупроқ енгил соз ўрта соз оғир соз	0-5 5-10 10-20 20-30 30-40 40-50 50-65 65-80 >80	0-5 5-10 10-20 20-30 30-45 45-60 60-75 75-85 >85	0-5 5-10 10-15 15-20 20-30 30-40 40-50 50-65 >65	100-95 95-90 90-80 80-70 70-60 60-50 50-35 35-20 <20	100-95 95-90 90-80 80-70 70-55 60-50 40-25 25-15 <15	100-95 95-90 90-85 85-80 80-70 70-60 60-50 50-35 <35

Бу классификацияга кўра механик таркибининг асосий номи "физик қум" нинг "физик лой" га бўлган нисбатига қараб берилади ва қўшимча номланаётганда эса, кўпроқ учрайдиган фракциялар (шаҳал 3-1 мм, қум 1-0,05 мм, йирик чанг 0,05-0,01 мм, чангсимон 0,01-0,001 мм ва лойқа < 0,001 мм) миқдори эътиборга олинади.

2—Амалий машғулот

Дарснинг мақсади: Тупроқнинг унумдорлигини баҳолашда, тупроқ механик таркибининг аҳамияти. Суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини баҳолашда баъзавий шкала билан тупроқ механик таркиби ўртасидаги боғлиқликни билиб олиш.

Керакли жиҳозлар:

1. Тупроқнинг механик таркиби бўйича Н. Качинский классификацияси.
2. Тупроқнинг механик таркиби бўйича лаборатория таҳлил натижаси.
3. Тупроқнинг механик таркиби бўйича тупроқ айрмаларини келтириб чиқариш жадвали.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Тупроқнинг механик элементларига кўра Н.А.Качинский классификациясидан фойдаланиб механик элементларнинг ўлчамларини номланг.

Тупроқнинг механик элементларига кўра классификацияси (Н.А.Качинский)

3 -жадвал

№	Механик элементларнинг ўлчами, мм	Механик фракциялар
1	> 3	Тош (ўтқир қирралї ёки силлик)
2	3—1	Шағал
3	1—0.5	Йирик қум
4	0.5—0.25	Ўрта қум
5	0.25—0.05	Майдा қум
6	0.05—0.01	Йирик чанг
7	0.01—0.005	Ўрта чанг
8	0.005—0.001	Майдা чанг
9	< 0.001	Иль

2. Н.А.Качинский “Тупроқнинг механик таркиби бўйича классификацияси” жадвалидан фойдаланиб тупроқ таркибидаги физик қумнинг ва физик сознинг фоиз миқдорига қараб тупроқларнинг номланг.

Тупроқнинг механик таркибига кўра классификацияси (Н.А.Качинский бўйича)

4-жадвал

№	Механик таркибига кўра номи	Тупроқ таркибидаги физик соз миқдори % ҳисобида <0,01 мм	Тупроқ таркибидаги физик қум миқдори % ҳисобида >0,01 мм
1	Сочилма қум	0—5	100—95
2	Бириккан қум	5—10	95—90
3	Қумоқ	10—20	90—80
4	Енгил қумоқ	20—30	80—70
5	Ўрта қумоқ	30—45	70—55
6	Оғир қумоқ	45—60	55—40
7	Енгил соз	60—70	40—30
8	Ўрта соз	70—80	30—20
9	Оғир соз	> 80	< 20

3. Тупроқнинг механик таркиби бўйича лаборатория таҳлили жадвали механик элементлар ўлчамига қараб, тупроқ таркибидаги физик созва физик қумнинг фоиз миқдори нисбатини чиқаринг.

**Пипетка усулида аниқланган тупроқнинг механик таркиби таҳлили.
5-жадвал**

Кесма рақами	Нимуна олинган қатлам қалинлиги	Фиракциялар миқдори, % хиобида							
		>0,25	0,25- 0,1	0,1- 0,05	0,05- 0,01	0,01- 0,005	0,005- 0,001	<0,001	Физик соз %
1	0-25	0,2	0,3	11,9	42,0	-	-	-	45,6
	25-61	0,1	0,1	8,1	48,8	-	-	-	42,6
	61-100	0,2	0,2	21,4	52,0	-	-	-	26,2
	100-130	0,2	0,2	40,0	44,3	-	-	-	15,3
	132-152	0,1	0,2	6,8	50,4	-	-	-	42,5
2	0-26	1,0	6,7	50,6	16,1	-	-	-	25,6
	26-51	1,5	6,5	51,5	14,3	-	-	-	26,2
	51-87	0,6	2,2	27,1	21,0	-	-	-	49,1
	87-118	0,1	0,4	6,5	27,7	-	-	-	65,3
	118-151	0,1	0,4	16,5	28,0	-	-	-	55,0

Юқорида берилган 3-жадвал бўйича тупроқ таркибидаги физик соз ва физик қумнинг фоиз нисбати миқдорини топиш зарур.

Бунинг учун жадвалнинг олинган қатламининг тўғрисидаги рақамларни бир-бирига қўшсак физик қумнинг миқдори чиқади, чиқсан сонни 100 дан айрсак физик сознинг миқдори нисбати чиқади.

Масалан: 0-25 см. $0.2+0.3+11.9+42.0=54.4$

Демак: физик қумнинг миқдори 54.4

$100-54.4=45.6$ бу ерда физик соз 45.6 % чиқсан 45.6 % ни 2- жадвалдан топамиз.

Бизнинг текшириб ўрганган тупроқнинг 0-25 см, қатламининг механик таркиб бўйича номи оғир қумоқ экан.

6-жадвалдаги рақамларни юқоридаги тартибда қўшиб чиқиб, тупроқларнинг механик таркиби бўйича номларни келтириб чиқаринг.

**Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларни
баҳолашнинг асосий шкаласи**

6- жадвал

Тупроқларнинг генетик гурухлари, типи, типча номланиш қатори тупроқ айрмаси	Механик таркиби					
	Қумли	Қумлөк	Енгил қумоқ	Ўрта қумоқ	Оғир қумоқ	Глейли
Бўз тупроқлар минтақаси						
1.1. Ирригацион автоморф:						
-суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқ	-	-	90	100	90	80
-суғориладиган типик бўз тупроқ	-	-	90	100	90	80
-суғориладиган оч тусли бўз тупроқ	-	70	85	100	90	75
1.2. Ўтувчи:						
-суғориладиган ўтлоқи бўз ва бўз ўтлоқи тупроқлар	-	70	90	100	80	70
1.3. Ирригацион гидроморф						
-суғориладиган ўтлоқи тупроқ	-	80	95	100	80	70
-ботқоқ ва ботқоқи-ўтлоқ	-	90	100	95	75	65
-суғориладиган ботқоқ	-	75	80	75	75	60
Чўл минтақаси						
2.1. Ирригацион автоморф:						
-суғориладиган бўз-қўнғир	-	70	95	100	95	70
-суғориладиган тақирли	-	75	95	100	90	70
-суғориладиган тақир	-	80	100	90	80	65
-суғориладиган қумли чўл	60	-	-	-	-	-
2.2. Ўтувчи:						
-суғориладиган ўтлоқи бўз-қўнғир	60	70	85	100	90	75
-суғориладиган ўтлоқи-тақир	-	-	80	100	85	65
-суғориладиган ўтлоқи-чўл ва чўл ўтлоқи						
2.3. Ирригацион гидроморф	60	60	80	100	85	75
-суғориладиган ўтлоқи						
-суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ ва ботқоқи-ўтлоқ	70	85	100	90	80	60
-суғориладиган ботқоқ	70	85	100	85	70	55
	60	75	80	75	60	50

Юқорида келтирилган 4- жадвалдаги маълумотлар асосида бир нечта тупроқ айрмаларини номлашни келтириб чиқарамиз.

1. Енгил қумоқли, суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқ.
2. Ўрта қумоқли суғориладиган типик бўз тупроқ.

3. Кумоқли суғориладиган бўз-қўнғир тупроқ.
4. Енгил қумоқли суғориладиган ўтлоқи-такир тупроқ.
5. Оғир қумоқли суғориладиган ботқоқ тупроқ.

Адабиётлар

1. Р.Қ.Қўзиев, Ғ.Ю.Юлдашев, И.А.Акрамов тупроқ бонитровкаси. Тошкент, Молия-2004.
2. Ҳ.Қ.Намозов, К.И.Шадраимова, Ш.М.Турдиметов тупроқ бонитровкаси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. ЎзМЭ. Тошкент-2004.
3. К.Г.Ғофуров, Г.А.Абдураҳмонов тупроқ бонитровкаси курси. Тошкент ТошДУ, 1982.
4. В.Н.Ли. Плородие орошаемихземель Узбекистана Т.1989 г.

Тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича бонитровкалаш.

Ўзбекистонда шўр ерлар Хоразм, Бухоро, Сирдарё, Навоий, Фарғона, Жиззах вилоятларида, Қорақалпоғистон республикасида мавжуд.

Ерларимизнинг турли даражада шўрланганидан 20-25% микдорда ғўза ҳосили, яъни кам пахта териб олинади. М. А. Панков маълумотига кўра, кучсиз шўрланган ерларда, шўрланмаган ерга нисбатан 20-30%, ўртacha шўрланган ерларда 40-60%, кучли шўрланган ерларда эса 80% ва ҳатто ундан ҳам кўп ғўза ҳосили камаяди.

Тупроқда сувда эрувчи тузларнинг таркиби ва микдори, уларнинг харакати ва ўсимлик турлари билан алоқадорлиги мураккаб илмий муаммолар қаторидан жой олади. Масаланинг бундай мураккаб бўлишига сабаб ўсимлик турларининг қўплиги ва уларнинг хар хил ионлар таъсирига ва тузларнинг умумий концентрациясига чидамлилигининг турлича эканлигига.

Суғориладиган ерларда ғўза ўсимлигининг тузлар таъсирига чидамсизлиги энг аввало чигитнинг униб чиқишидаёқ намаён бўлади, 3-4 чин барг чиқарганида бу таъсирига кучли берилади. Ғўза вегетация даврининг охира, тузларнинг бир мунча юқори концентрациясига чидамли бўлади. Сувда эрувчи тузларнинг заҳарлилиги уларнинг эрувчанлик даражасига, айниқса ионлар таркибига боғлиқ. Ўсимликларга нисбатан кўпроқ, кучлироқ салбий таъсир этувчи ионлар ичида анионлардан умумий ишқорийлик, хлор ва сульфат ионлари ажralиб туради.

Шўрланган ерларнинг шўрини аниқлаш учун чукурлиги бир метр бўлган кесмалар ковланади, шундай кесмалардан 5% эса чукурлиги 2 метрча ёки сизот суви сатхигача қазилади. Шу услубда қазилган ўраларнинг генетик қатламларидан намуналар олинади.

Сульфат- хлоридли ва хлорид типидаги шўрланган тупроқлардан олинган намуналардан сувли сўрим қисқартирилган ҳолда таҳлил қилинади CO_3^{2-} , HCO_3^- , Cl^- хлоридли-сульфатли типда шўрланган тупроқлардан эса HCO_3^- , Cl^- , SO_4^{2-} , Cu^{+2} , Mg^{+2} , Na^+ , K^+ лар кимёвий таҳлил этилади.

**Қишлоқ хўжалик экинларининг хлор ионининг таъсирига
чидамлилиги**

7-жадвал

Чидамлилик даражаси	Экин турлари	Тупроқдаги хлор иони микдори	Тупроқ эритмасидаги хлор иони концентрацияси, г/л
Жуда кам	Беда, мош, ловия, нухат	0.008-0.01	0.42-0.53
Кам	Буғдой, арпа, маккажухори	0.01-0.015	0.53-0.79
Ўртача	Ғўза, жабдар	0.015-0.02	0.79-1.09
Юқори	Лавлаги, оқ жуҳори	0.03-0.04	1.58-2.10
Жуда юқори	Кунгабоқар	0.04-0.06	2.10-3.16

3—Амалий машғулот

**Тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича бонитировкалаш
коэффиценти.**

Дарснинг мақсади: Талабаларга тупроқларнинг шўрланиш типлари ва даражалари, ҳамда тупроқ айирмаларининг номини шўрланиш даражаси бўйича келтириб чиқаришни ва бонитировкалашда шўрланиш коэффицентини ишлатиш ҳақида билим бериш.

Керакли жиҳозлар:

1. Тупроқни ион таркиби ва қуруқ қолдиқ микдорига кўра шўрланиш даражаси таснифи жадвали.
2. Тупроқ шўрланиш даражаси хаританомаси.
3. Тупроқнинг сувли сўрим тахлили хақидаги лаборатория маълумотлари.
4. Суғориладиган тупроқлар унумдорлигини баҳолашнинг базавий шкаласи.

Ишнинг бажарилиш таркиби: 1. Тупроқнинг ион таркиби ва қуруқ таркиби ва қуруқ қолдиқ микдорига кўра шўрланиш даражаси таснифи жадвали.

**Тупроқни ион таркиби ва қуруқ қолдиқ микдорига кўра шўрланиш
даражаси таснифи**

8-жадвал

№	Шўрланиш даражаси	Сульфитли қуруқ қолдиқ	Хлорид – сульфатли		Сульфат - хлоридли		Хлоридли
			Қуруқ қолдиқ	Cl	Қуруқ қолдиқ	Cl	
1	Шўрланмаган	<0.01	<0.1	<0.01	<0.1	<0.01	<0.01
2	Кучсиз шўрланган	0.3-1.0	0.1-0.3	0.01- 0.05	0.1-0.3	0.01- 0.04	0.01-0.03

3	Үртача шўрланган	1.0-2.0	0.3-1.0	0.05-0.2	0.3-0.6	0.04-0.2	0.03-0.1
4	Кучли шўрланган	2.0-3.0	1.0-2.0	0.2-0.3	0.6-1.0	0.2-0.3	0.1-0.2
5	Жуда кучли шўрланган	>3.0	>2.0	>3.0	>1.0	>0.3	>0.3

Тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича бонитировкалаш коэффиценти.

9-жадвал

№	Шўрланиш даражаси	Бонитировка коэффиценти
1	Шўрланмаган	1.00
2	Кучсиз шўрланган	0.85
3	Үртача шўрланган	0.60
4	Кучли шўрланган	0.40
5	Жуда кучли шўрланган	0.30

2. Тупроқнинг сувли сўрим таҳлили ҳақидаги лаборатория маълумотларини оламиз. Лаборатория таҳлили жадвалдаги қуруқ қолдиқ миқдорига, ва хлор иони миқдорини, юқорида келтирилган иккинчи жадвалдаги рақамларга солиштирамиз ва тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича номини топамиз.

Сувда эрувчан тузлар миқдори % да

10-жадвал

№	Намуна олинган қатлам	Қуруқ қолдиқ	Умумий ишқорийлик HCO_3^-	Cl^- % да	SO_4^{2-} % да
1	0—10	0.210	0.012	0.012	0.089
2	22—32	0.096	0.039	0.004	0.017
3	50—60	0.068	0.034	0.006	0.021
4	90—100	0.068	0.034	0.006	0.021
5	150—160	0.070	0.038	0.004	0.012

3. Тупроқни сувли сўрим таҳлили ҳақидаги лаборатория маълумотларини олиб қўйдагиларини аниқланг.

а) Тупроқни шўрланиш даражасини.

б) Сульфатли-хлоридли, сульфатли, сульфат-хлоридли, хлоридли қуруқ қолдиқ миқдорини аниқланг.

в) Шу маълумотлар асосида ўрганилаётган тупроқларнинг шўрланиши бўйича номини аниқланг.

4. Биринчи лаборатория ишимиз бўйича биз ўрганаётган тупроқларимизнинг номи.

- сугориладиган бўз-ўтлоқ тупроқ
- сугориладиган ўтлоқ-бўз тупроқ

5. Иккинчи лаборатория ишимиздаги, тупроқнинг механик таркибига кўра биз ўрганилаётган тупроқнинг номи:

- сугориладиган енгил қумлоқли.

6. Учунчи лаборатория ишимиздаги 3-жадвал бўйича бизнинг ўрганаётган тупроқларимиз номи:

- ўртача шўрланган.

7. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб биз тупроқ айрмасининг тўлиқ номини чиқарамиз.

а) Биринчи тупроқ айрмасининг номи.

- сугориладиган қумоқли, ўртача шўрланган бўз-ўтлоқи.

б) Иккинчи тупроқ айрмасининг номи.

- сугориладиган қумоқли, кучсиз шўрланган ўтлоқи-бўз тупроқ.

8. Суғориладиган тупроқларнинг негизли базавий шкаласидан фойдаланиб ўзингизга тегишли тупроқ номини ва унинг балл бнитетини топинг.

а) Суғориладиган енгил қумоқли бўз-ўтлоқи тупроқ балл бонитети – 90 балл

б) Суғориладиган қумоқли ўтлоқи-бўз тупроқ балл бонитет – 70 балл

9. Тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича бнитировка коэффиценти жадвали (3- жадвал) дан фойдаланиб айрма коэффицентини топинг.

а) кучсиз шўрланган – 0.85

б) ўртача шўрланган -0.60.

Демак бизнинг тупроқ айрмасининг тўлиқ номи:

а) Суғориладиган, қумоқли, ўртача шўрланган ўтлоқи-бўз тупроқ.

б) Суғориладиган енгил қумоқли, кучсиз шўрланган бўз-ўтлоқи тупроқ.

10. Ушбу тупроқ айрмаларининг шўрланиш даражаси бўйича балл бонитетини топомиз. Асосий шкаланинг вертикал йўналишидан тупроқ номини, горизотал йўналишдан балл бонитетини топдик. (1) Бонитировка коэффиценти жадвалидан вертикал йўналишдан тупроқнинг шўрланиш даражаси номини, горизантал йўналиш бўйича бнитировка коэффиценти- 0.85(1), 0.60 (2) топдик.

Баҳолаш: 1) $90 \times 0.60 = 63$ балл 2) $70 \times 0.85 = 59$ балл

Демак: биринчи тупроқ айрмамизнинг балл бонитети 63 балл, иккинчи тупроқ айрмамизнинг балл бонитети 59 балл.

Адабиётлар

1. Р.Қ.Қўзиев, Ф.Ю.Юлдашев, И.А.Акрамов тупроқ бонитровкаси. Тошкент, Молия-2004.
2. Ҳ.Қ.Намозов, К.И.Шадраимова, Ш.М.Турдиметов тупроқ бонитровкаси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. ЎзМЭ. Тошкент-2004.
3. К.Г.Фофуров, Г.А.Абдурахмонов тупроқ бонитровкаси курси. Тошкент ТошДУ, 1982.
4. В.Н.Ли. Плородие орошаемихземель Узбекистана Т.1989 г.

4-Амалий машғулот

Ер кадастри китоби, тузилиши, аҳамияти ва уни юритиши.

Дарснинг мақсади: Ер кадастри китоби, тузилиши аҳамияти, уни юритилиши ва сақланиши хақида талабаларга билим бериш.

Керакли жиҳозлар. Хўжалик режа ва тупроқ харитаси. Ер кадастри китоби. Ўрганилаётган хўжалик ер майдони, қишлоқ хўжалик экин типлари ва уларнинг ҳосилдорлиги хақида маълумот. Ўрганилаётган хўжалик худудида жойлашган давлат муассасалари ва бошқа хўжалик субъектлари хақида маълумотлар.

Ишнинг бажарилиш тартиби: 1. Ер кадастри китобининг мазмуни: Ўзбекистон Республикаси “Ер кодикси” нинг 15- моддасига мувофиқ, давлат ер кадастри ерларнинг табиий хўжалик ва худудий тартиби тўғрисидаги, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати тўғрисидаги, ер участкаларининг мулкдорига ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур ишончли маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри муносабатларини тартибга солиш ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, ер тузиш ишларини ташкил этиш, ер тузиш ер учун тўланадиган ҳақ микдорини асослаш, хўжалик фаолиятига боҳо бериш, мақсадиди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат хокимият органларини, қишлоқ ва овулларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, манфатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллаган.

Муассасалар, ташкилотлар, корхоналарнинг ер кадастри китоби уларга бириктирилган ернинг табиий, хўжалик ва хукуқ ҳолатлари тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган асосий хужжат ҳисобланади.

2. Ер кадастри китобининг тузилиши, бўлимлари ва унга ёзиладиган шарҳларининг боблари графиклари, жадваллари.

Ер кадастри китоби бешта бўлимдан иборат.1. Ердан муддатли ва муддатсиз фойдаланиш ёзиб берилади, фойдаланиладиган умумий ер майдони қанча муддатга берилганлиги, шунингдек, ердан фойдаланиш хукуқий асослари кўрсатилади.

2. Муассаса, ташкилотлар, корхоналарга бириктирилган ерларнинг ҳамма турлари ва алоҳида сугориладиган ерлар ҳисобга олиш.

3. Тупроқ гурухлар бўйича ернинг сифат тавсифи пичанзор ва яйловларнинг маданий техник холати тупроқларнинг механик таркиби ва унинг унумдорлигига таъсир қилувчи белгилари.

4. Ерни баҳолаш кўрсаткичлари.

5. Жамоа хўжалиги аъзолари, ишчилар, хизматчилар ва бошқа фуқороларга, шунингдек, айrim туркумдаги хизматчиларга қабул қилинган тартиб бўйича берилган томорқа ерлари.

I Ердан фойдаланиш муддати, бўлими.

а) Муддатсиз фойдаланиладиган ерлар, ҳисоби.

Йил ой сана	Ер майдонининг жойлашган ўрни	Ери фойдаланишга берилган муддат	Ернинг умумий майдони	Ердан фойдаланиш хуқуқини белгиловчи хужжат номи

б) Узоқ муддатга фойдаланиладиган ерлар ҳисоби.

Йил ой сана	Ер майдонининг жойлашган ўрни	Ери фойдаланишга берилган муддат	Ернинг умумий майдони	Ердан фойдаланиш хуқуқини белгиловчи хужжат номи

в) Қисқа муддатга (3 йилгача) фойдаланиладиган ерлар ҳисоби.

Йил ой сана	Ер майдонининг жойлашган ўрни	Ери фойдаланишга берилган муддат	Ернинг умумий майдони	Ердан фойдаланиш хуқуқини белгиловчи хужжат номи

г) Муассаса, корхонава ташкилотлар фойдаланиладиган ерлар ҳисоби.

Йил ой сана	Ер майдонининг жойлашган ўрни	Ери фойдаланишга берилган муддат	Ернинг умумий майдони	Ердан фойдаланиш хуқуқини белгиловчи хужжат номи

д) Хўжалик майдонида жойлашган аҳоли яшайдиган жойлар.

Йил ой сана	Ер майдонининг жойлашган ўрни	Ери фойдаланишга берилган муддат	Ернинг умумий майдони	Ердан фойдаланиш хуқуқини белгиловчи хужжат номи

с) Санитария химоясидаги зонали ерлар, сув билан таъминлаш манба ерлари, электр, алоқа тармоқларига ажратилган ерлар, кичик дарё сув хавзаси ерлари.

Йил ой сана	Ер майдонининг жойлашган ўрни	Ери фойдаланишга берилган муддат	Ернинг умумий майдони	Ердан фойдаланиш хуқуқини белгиловчи хужжат номи

2. “Сугориладиган ерлар”ни ҳисобга олиш.

№	Хўжаликнинг номи	Майдони	
		Умумий	Сугориладиган ер

3. Ер турларининг сифати.

а) Тупроқ механик таркиби бўйича гурӯхлар.

№	Ердан фойдаланувчи хўжалик номи	Механик таркиб бўйича, майдонлар. га						
		Оғир лой а.	Ўрта лой а ₂	Енгил лой б	Оғир қумоқ в	Ўрта қумоқ д	Енгил қумоқ ж	Қумоқ и

4. Ери баҳолаш кўрсаткичлари бўйича.

№	Ердан фойдаланиш	Боҳолаш ўтказил муддат	Баҳолаш шкаласи бўйича майдон								
			Юкори	Жуда	Яхши	Ўртча	Ўртча	Ўртча	Ёмонр	Ёмон	Жуда ..

5. Шахсий фойдаланиладиган томорқа ерлари ва хизматчиларнинг фойдаланиладиган ерлари.

5.1. Маҳалла фуқоролар йиғини номи.

5.2. Қишлоқ ва овулнинг номи.

5.3. Ердан фойдаланувчилар рўйхати.

№	Ердан фойдаланувчиларнинг И.Ш.Ф.	Манзили	Фойдаланиш хақидаги ҳужжат номи	Ер ажратилган сана ой йил	Ер майдони ва рақами

Мавзуга оид хulosалар.

1. Ер кадастри китобининг мазмунини ва юритилиш мохиятини билиб олади.
2. Ер кадастри китобига киритиладиган маълумотларнинг аҳамияти ва уларнинг муҳимлиги хақида хulosса чиқаради.
3. Ер кадастри китобини юргизиш ва унга маълумотларни тушинтиришни билиб олади.

Адабиётлар

1. Р.Қ.Қўзиев, Ф.Ю.Юлдашев, И.А.Акрамов тупроқ бонитровкаси. Тошкент, Молия-2004.
2. Ҳ.Қ.Намозов, К.И.Шадраимова, Ш.М.Турдиметов тупроқ бонитровкаси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. ЎзМЭ. Тошкент-2004.
3. К.Г.Фоғуров, Г.А.Абдураҳмонов тупроқ бонитровкаси курси. Тошкент ТошДУ, 1982.
4. В.Н.Ли. Плородие орошаемихземель Узбекистана Т.1989 г.

5 Амалий машғулот

Тупроқ бонитровкаси харитасини тузиш ва унга экспликация ёзиш.

Дарснинг мақсади: Талабаларга тупроқ банитировка харитасини тузиш, унга экспликация ёзиш, тупроқ айирмаларининг ва хўжалик умумий майдони балл банитетини ҳисоблашни ўрганиш.

Керакли жиҳозлар: жойнинг қоғоздаги хўжалик план харитаси, дала ишлари харитаси, лаборатория таҳлил натижалари, чизғич, планиметир. Оддий қора қалам, резинка учирғич.

Ишнинг бажарилиш тартиби: 1. Даала ишлари хаританомалардаги асосий ва ёрдамчи кесмалар мавжудлиги кўздан кечирилади.

- Хаританомада намуна олинган тупроқ кесмаси (х) 3. белги ва унинг номига рақам қўйилади.

- Хаританомада намуна олинган тупроқ кесмаси х с.белги ва унинг ёнига рақам қўйилади.(1. расм)

2. Лаборатория таҳлили натижалари билан дала ишлари бўйича тупроқ айрмалариниг чегаралари текширилади ва тўғирланади. (1 расм.)

- Дала ишлари даврида олинган маълумотлар билан, лаборатария таҳлили натижаси тўғри келганда айрма чегарлари ўзгтирилмайди. Агар натижалар орасидаги фарқ 10-15% дан ошиб кетса, далага қайта чиқилади ва қайтадан қайтадан айрмаларнинг чегаралари аниқланади.

3. Тупроқ бонитирка харитаси тузиш ва экспликация ёзиш.

Тупроқ бонитировка харитасига экспликация ёзишда қўйдагилар эътиборга олинади.

а) Тупроқларнинг географик зоналлик бўйлаб тарқалиш жойи.

12. Субтропик тоф олди чала чўл зонаси.

12.1. Ўрта Осиё провинцияси. Бўз тупроқлар минтақаси.

б) Тупроқнинг механик таркиби, чириндили қатлам қалинлиги, ва гумус миқдори (фоизда) ҳаракатчанг фосфор, калий,(мг/кг) шўрланиш даражаси, қуруқ қолдик, Cl, (хлор) SO₄ сульфат кислота ювилиш даражаси, тош аралашган, зич, шағалли, глейли қатлам қалинлиги, гипс, ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги, кутуб томонлари, қиялик даражаси, умумий майдон, суғориладиган (хайдаладиган) майдон, Бонитет баллари.

(11-жадвал)

4 Тупроқ айрмасининг майдонини ўлчаш ва балл бонитетини ҳисоблаб топиш.

а) Тупроқ айрмасининг майдани планиметр билан ўлчанади.

б) Тупроқ айрмасининг майдонини миллиметрли қоғозда ёки чизгичда квадратларда бўлиб ўлчанади.

в) Тупроқ айрмасининг балл бонитети ҳисобланади: Бунинг учун суғориладиган тупроқларни бонитировкалашнинг базавий шкаласидан шу тупроқ айрмасининг балл бонитети топилади, топилган балл бонитетини, шўрланиш ёки глейланиш, даражаси бўйича тузатиш коэффицентларига қўпайтирилади. (1. 2. 3. расмлар) хамда (1. 2. 3. жадвал)

5. Тупроқ харитасида кўрсатилган тупроқнинг генетик гурухи тип ва типчалари ёки хўжалик суғориладиган ер майдонинг ўртача балл бонитети қўйидаги формула билан аниқланади.

$$B_{\text{yr}} = \frac{b_1 S_1 + b_2 S_2 + b_3 S_3 + \dots + b_n S_n}{S_1 + S_2 + S_3 + \dots + S_n}$$

Бу ерда: B_{yr} – хўалик тупроқларининг ўртача балл бонитети ёки хўжалик ер майдони учун ҳисобланган ўртача балл бонитети.

b₁+b₂+b₃....b_n – тупроқ айрмаларининг балл бонитети.

S₁, S₂, S₃ S_n – тупроқ айрмаларининг майдони.

Мисол учун:

$$B_{\text{yr}} = \frac{65*21+70*30+54*29,3+55*31,5}{21+30+29,3+31,5} = \frac{6779,7}{111,8} = 60,0$$

Демак хўжалик тупроқларининг ўртача балл бонитети 60.0 баллни ташкил қиласди.

6. Тупроқ бонитровкаси харитасининг мазмуни.

Тупроқ бонитровкаси хаританомаси, юқори қисмининг чет томонига хўжаликнинг тўлиқ манзили ёзилади (Вилоят, туман, СИУ ёки ДФХУ, фермер номи).

Тупроқларнинг унумдорлиги бўйича “Баҳолаш шкаласи” жадвали хаританоманинг ўнг томонига ёзилади.

Хаританоманинг пастки қисмида тупроқнинг кенглик ва баландлик бўйлаб жойлашган жойи,(провинцияси)

Минтақаси, минтақачаси, тип ва типча номи, ҳар бир тупроқ айирмасининг механик таркиби(0-30, 30-100, 100-200см) чириндили қатлам қалинлиги, чиринди микдори, ҳаракатчан фосфор, калий микдори, қуруқ қолдиқ, хлор, сульфат ионлар микдори, тупроқни шўрланиш даражаси, сизот суви сатҳи, шағалли, глейли, зичланган қатламнинг жойланиш чукурлиги, ювилиш даражаси, тош аралашган, зичлик, нишаблик, экспозицияси, тупроқ айирмасининг умумий майдони, унинг ҳайдалма майдони ва балл бонитети кўрсатилади.

Мухокама учун саволлар.

1. Тупроқ айирмасининг номини келтириб чиқаринг.
2. Тупроқ айирмасининг балл бонитетини ҳисобланг.
3. Тупроқ айирмасининг майдонини ҳисобланг.
4. Умумий ер майдонинг ўртача балл бонитетини ҳисобланг.
5. Тупроқ бонитровкаси харитасида кўрсатиладиган белгилар.

Адабиётлар

1. Р.Қ.Қўзиев, Ф.Ю.Юлдашев, И.А.Акрамов тупроқ бонитровкаси. Тошкент, Молия-2004.
2. Ҳ.Қ.Намозов, К.И.Шадраимова, Ш.М.Турдиметов тупроқ бонитровкаси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. ЎзМЭ. Тошкент-2004.
3. К.Г.Гофуров, Г.А.Абдурахмонов тупроқ бонитровкаси курси. Тошкент ТошДУ, 1982.
4. В.Н.Ли. Плородие орошаемихземель Узбекистана Т.1989 г.

НАЗОРАТ ТУРЛАРИ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ТОПШИРИК ВАРИАНТЛАРИ

ОРАЛИҚ ВА ЯКУНИЙ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсади, вазифаси, ва объекти
2. Тупроқ хақидаги Абу Райхон Беруний ва Ибн Сино қарашлари
3. Тупроқ хақида Маҳмуд Кошгарий қарашлари
4. Тупроқшунослик фанининг вужудга келиши
5. Тупроқ хақида В.В. Докучаевдан олдинги фикрлар
6. Тупроқ бонитировкаси услублари
7. Ўзбекистонда тупроқ харитографияси фанининг ривожланиши
8. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди.
9. Ўзбекистон тупроқ тип ва типчалари майдони билан.
10. Ўзбекистон суғориладиган ерларининг Б.В. Горбунов ва Н.В. Кимберг бўйича таснифи
11. Ўзбекистон суғориладиган тупроқлари таснифи
12. Тупроқларни бонитировкалашнинг базавий шкаласи изоҳи
13. Тупроқларнинг механик элемент ва механик таркибига кўра классификацияси
14. Суғориладиган тупроқларнинг агроиклим кўрсаткичлари
15. Суғориладиган тупроқларнинг агроиклим бўйича округ ва районларга бўлиниши
16. Маданий ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига тупроқ шўрлигининг таъсири
17. Маданий ўсимликларга тузларнинг заарли таъсири
18. Ўсимлик тур ва навларининг тузга чидамлилиги
19. Тупроқларнинг агроиклим ва шўрланиш даражаси бўйича бонитировкалаш коэффициенти
20. Тупроқларнинг шўрланиш типии ва даражалари
21. Суғориладиган тупроқларнинг зинчланиш даражаси
22. Тупроқ зинчлигининг ортишига таъсир кўрсатувчи омиллар
23. Тупроқнинг ҳайдов ости қатлам зинчлиги ва бонитировка коэффициенти
24. Суғориладиган тупроқларнинг агроиклим кўрсаткичлари
25. Суғориладиган тупроқларнинг агроиклим бўйича округ ва районларга бўлиниши

2-ОРАЛИҚ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Суғориладиган тупроқларни глейли ва глейлашган қатламларининг жойлашуви
2. Глейли ва глейлашган қатламнинг ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсири
3. Гўза ҳосилига глейли қатлам жойлашувининг таъсири

4. Суғориладиган гидроморф тупроқларда глейли қатlam чуқурлиги ва бонитировка коэффициенти
5. Суғориладиган тупроқларни рельеф бўйча баҳолаш
6. Ўсимликларнинг ҳосилига рельефнинг таъсири
7. Экспозиция ва қиялик даражаси бонитировка коэффициенти
8. Тупроқ унумдорлиги ва озиқ элементлар
9. Тупроқ унумдорлиги ва гумус
10. Тупроқ унумдорлиги ва фосфор
11. Тупроқ унумдорлиги ва калий
12. Тупроқдаги озиқ элементлар микдорини ҳисоблаш
13. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги
14. Тупроқ унумдорлиги ва азот
15. Тупроқнинг емирилиши ва унинг ҳосилдорликка таъсири
16. Эрозияланган ерлар ташхис белгиси ва бонитировка коэффициенти
17. Тупроқ ва бонитировка хариталарининг мазмун ва аҳамияти
18. Тупроқшунослар томонидан тупроқ хариталари учун қабул қилинган белгилар
19. Тупроқ бонитировкаси экспликациясида тушириладиган белгилар
20. Тупроқ экспликациясида ёзиладиган механик таркиб шўрланиш даражаси, емирилиши
21. Сизот сувлари кўрсаткичлари ва унинг минераллашганлик даражаси
22. Тупроқ айирмалари ва умумий майдонининг балл бонитети
23. Ер майдонининг ўртача балл бонитетини ҳисоблаш
24. Тупроқ бонитировкаси харитаси мазмуни
25. Тупроқларни унумдорлиги бўйича таснифлаш.

I – ЖБ

1. Ер туркумларининг атамалари нималардан иборат?
2. Қишлоқ хўжалик ер турларига қайси ерлар киради?
3. Яйловлар ҳақида, уларнинг турлари ҳақида айтиб беринг?
4. Республикаизда умумий ер майдони қанча?
5. Республикаизбўйича ер фондининг фойдаланиш турлари бўйича тақсимланиш.
6. Республикада қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ер майдони қанча (фоиз ва гектарда айтинг)
7. Тупроқни далада текшириш учун нималар керак бўлади?
8. Тупроқ хариталари масштабига кўра қандай турларга бўлинади?
9. Харитограммалар нима учун тузилади.
10. Агрокимёвий хаританомаларда асосан қайси озуқа элементлари учун тузилади.
11. Республикаиз умумий суғориладиган ер майдонларининг ҳозирги кунда қанчаси шўрланган?
12. Шўрланиш даражаларини айтиб беринг.
13. Тупроқни шўрланишга сабаб бўлувчи тузлар қайсилар?
14. Шўрланган ерларни яхшилаш чора-тадбирлари?

15. Республика бўйича қайси вилоятлар тупроқлари шўрланишга учраган?
16. Ҳайдаладиган ерларнинг иқтисодий баҳоси фанининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
17. Ерларни баҳолашнинг қандай йўллари мавжуд?
18. Республикада ерни баҳолаш ишлари қачон амалга оширила бошлаган?
19. Ернинг нархланган баҳосининг асосий тугалланган маълумотларида қайси кўрсатгичлар қайд этилади?
20. Ерларнинг норматив баҳоси нима?
21. Ердан фойдаланувчилар амал қилиниши лозим бўлган қоидаларни айтиб беринг?
22. Хўжаликда учрайдиган тупроқ турлари бўйича шу ерларда экиладиган қишлоқ хўжалик экинларини ўртacha 5-10 йил орасидаги ҳосилдорлик миқдор таҳлили.
23. Тупроқ турларини диагностик кўрсаткичларига кўра қўп йиллик қишлоқ хўжалик экинларни ҳосилдорлигини кўрсатувчи график тасвирини чизиш.
24. Хўжалигида тарқалган тупроқларни диагностик кўрсаткичига қараб бонитетини хисоблаш.

II – ЖБ

1. Республика умумий ер майдонининг қанчаси сугориладиган ерларга (гектарда ва фоиз) киради.
2. Сугориладиган ерлар Республикамизнинг қайси минтақаларида жойлашган?
3. Сугориладиган ерларда қайси тупроқ типи ва типчалари тарқалган?
4. Сугориладиган ерларда эрозия ва шўрланиш ҳақида гапиринг
5. Сугориладиган ерларни рўйхатга олиш қанақа босқичларда бажарилади?
6. Лалмикор ва яйлов ерлар республикамиз умумий ер майдонининг қанчасини эгаллайди?
7. Лалмикор ерларда қайси тупроқ типлари кенг тарқалган?
8. Яйвлар турлари, уларнинг кўхдаги аҳамияти
9. Бонитировка сўзининг маъноси нима дегани?
10. Ерларни бонитировкалашда неча балли шкалада аниқланади.
11. Энг яхши ерларда балл бонитет неча бўлади?
12. Ерларни бонитировкалашда тупроқнинг қайси хосса-хусусиятлари ўрганилади?
13. 60 балли ерлардан қанча пахта ва буғдой ҳосили олиш мумкин?
14. Маккажӯхори экиш учун 1 баллнинг баҳоси нечига тенг?
15. Ўртacha балл бонитет қандай хисобланади?
16. Кадастр китоби неча бўлимдан иборат?
17. “Ер кадастри” тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?
18. Нима учун сугориладиган ерларнинг пулдаги баҳосини аниқлаш зарурияти муҳим масала хисобланади?
19. Ўзбекистонда сугориладиган ерларни нархлашда қандай ёндашувлар мавжуд?
20. Тупроқ-экологик индекси нима?

21. Суғориладиган тупроқлар нархини аниқлаш формуласини айтиб беринг.
22. Ноқишлоқ хўжалиги ерларини нархлашда қандай кўрсатгичлар ҳисобига олинади?
23. Кадастр районларга ажратиш қандай тамойил асосида амалга оширилади?
24. Табиий округларга ажратишда фойдаланиладиган белгиларни айтиб беринг.
25. Хўжалик тупроқларни бонитировкалаш харитаси билан танишиш. Унга берилган тушунтириш хати ва экспликацияси билан танишиш.
26. Суғориладиган ерларнинг сифати бўйича синфларга тақсимланиши.
27. Ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.
28. Ягона ер солиғинининг базавий ставкалари ва тузатиш коэффициентлари.

III – ЖН

1. Ягона ер солиғи деганда нималар
- 26 Ягона ер солиғи бўйича имтиёзларни айтинг
2. 27 Ягона ер солиғи тўлашдан озод этилганлар кимлар?
3. 28 Ягона ер солиғини ҳисоблаш қайси формула асосида амалга оширилади?
4. 29 Мониторинг сўзининг маъносини айтиб беринг.
5. 30 Ер мониторинги тўғрисидаги низом ва қарорлар қачон тасдиқланган.
6. 31 Ерларни мелиоратив холатини кузатишнинг вазифалари нималардан иборат?
7. Гиплашган ерлар тўғрисида ва улар қаерларда учрашиш хақида гапириб беринг
8. Ерларнинг шамол эрозияси ёки дефляцияси хақида айтинг.
9. Шўрланган ерлрни аниқлашдан мақсад нима?
10. Ерларни иқтисодий баҳолаш деганда нимани тушунасиз?
11. Ерларни иқтисодий баҳолашни қайси тартибда олиб борилади?
12. Ерларни баҳолаш учун районларга ажратиш тартиби ва мақсади нима?
13. Ерларни иқтисодий баҳолашдан мақсад нима?
14. Суғориладиган тупроқларнинг базавий бонитировка шкаласи.
15. Тупроқ бонитировкалаш коэффициентлари турлари ва улар бўйича баҳолаш.
16. Тупроқ бонитировкасини ўтказиш бўйича амалий масалалар.
17. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий баҳоси маълумотларидан қўлланиладиган соҳаларини айтиб беринг
18. Ерни меъёрий баҳолаш субъектларини сўзлаб беринг
19. Ерни меъёрий баҳолаш мезони қандай кўрсатгичлардан иборат?
20. 1 баллнинг баҳосини билишнинг аҳамияти нимада?
21. 1 гектардан олинган соф даромадни аниқлаш формуласини ёзинг.
22. Республиканинг ўртача даражасига нисбатан вилоятларнинг коэффициэнтларини айтиб беринг.

Оралиқ назорати учун саволлар

I-ОБ

1. Кадастр сўзи қандай маънони билдиради?
2. Табиий ресурслар ичida ернинг аҳамияти?

3. Ер кадастрининг мазмуни
4. Ер кадастрининг мақсади
5. Ер кадастрининг асосий вазифалари ва таснифи
6. Ўзбекистон республикасида тарқалган тупроқ турлари
7. Тупроқлардан оқилона фойдаланиш
8. Тақирли тупроқлардан фойдаланиш
9. Тақирли–ўтлоқи тупроқлардан фойдаланиш
10. Чўл зонасидаги ўтлоқи тупроқларни тарқалиш майдони, фойдаланиш
11. Тўқ тусли бўз тупроқларни тарқалиши, майдони, фойдаланиш
12. Типик бўз тупроқларни тарқалиши, майдони, фойдаланиш
13. Оч тусли тупроқларни тарқалиши, майдони, фойдаланиш
14. Бўз тупроқлар зонасидаги ярим гидроморф, гидроморф тупроқларни
15. Ер кадастрининг турлари.
16. Қишлоқ хўжалигига фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар тури
17. Ер кадастрининг таркибий қисмлари
18. Ер кадастрининг асосий тамойиллари неча хил бўлади.
19. Ўзбекистон республикасининг умумий ер майдони неча минг.гани ташкил этади?
20. Тупроқ бонитировкаси фанининг мақсади нимадан иборат?
21. Тупроқ бонитировкаси фани қайси фанлар билан боғлиқ? Нима учун?
22. Тупроқ бонитировкасининг вазифаларини санаб беринг
23. Тупроқ ҳақидаги дастлабки маълумотлар қайси минтақаларда ривожланган?
24. Қайси олимларни биласиз?
25. Тупроқ бонитировкасининг Докучаевгача бўлган босқичида қандай ишлар амалга оширилган?
26. Тупроқ бонитировкаси фанига Докучаевнинг қўшган хиссаси нимадан иборат?
27. Тупроқ унумдорлигини баҳолашнинг табиий-тарихий услугубининг моҳиятини айтиб беринг.
28. Тупроқ унумдорлигини қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги бўйича баҳолашнинг қандай камчиликлари бор?
29. Тупроқ унумдорлигини комплекс баҳолаш услугубининг тамойилини айтиб беринг
